

87.7  
И81

Қайта нашри  
Нашрга тайёрловчи ва сўнгги  
сўз муаллифи

ТОҲИР МАЛИК

Рассомлар *П. Федоров, В. Жеребцов*

# МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ

И Н С О Н  
Ҳ У С Н И

*Ахлоқ-одоб мавзuidaги суҳбатлар*



ОДАМИЙЛИК ҚИССАСИ

И  $\frac{4702010201-20}{M352(04)-89}$  90—89

ISBN 5—635—00302—8



ЮЗ ЧИРОЙИ

Гўзаллик табиатнинг яхши неъматларидан бири. Бу — табиатнинг барча маҳсулига муштарак неъмат. Биз буни инсонлардагина эмас, ўсимликларда ҳам, жониворларда ҳам кўраимиз. Баҳор кезлари ранг-баранг гулларга кўмилган дарахтларни, яшил майсалари селкиллаб турган яйловларни, гўзалари барқ урган чаман далаларни кўрганимизда:

— О, нақадар гўзал!— деб юборамиз.

Бизни ўзига шайдо қилган бу гўзаллик — табиатдаги гўзаллик эди. Биз эсақ инсондаги гўзаллик ҳақида гаплашмоқчимиз. Инсондаги гўзаллик — оддий «чирой» сўзи билан ифода қилинадиган тор маъно эмаслигини, аксинча, мураккаб тушунчага эга эканини биламиз. Дарҳақиқат, гўзаллик биргина қоматнинг келишганида ё чехранинг чиройида эмас. Булар фақат ташки сурат, яъни китоб муқовасидай гап. Тўғри, номи кишини ҳайратда қолдирадиган, муқоваси ниҳоятда чиройли безалган китобни кўрганингизда ихтиёрингиз шу китобда бўлиб қолади. Лекин исми жисмига ярашадими, яъни мазмуни ҳам муқова безагидай гўзалми — сиз буни ўқиганингиздан кейин биласиз. Яхши бўлса, ўқиган сарингиз ўқигингиз келади — лаззатланасиз. Ёмон бўлса-чи? Эсангиз қотади, сиз уни дабдабали исмига ҳам, чиройли муқовасига ҳам қарамай, ташлаб кўясиз. Демак, ташки сурат ички мазмунга ўхшаш бўлиши керак экан. Акс ҳолда ундай гўзалликнинг қиммати бир чақа. У таши ялтироғу ичи қалтироқ, пуч, алдамчи сурат.

Лекин инсон муқова эмас. Унинг маънавий қадр-қиймати ҳам варақлар ичида жимгина ётган унсиз сатрлар эмас. Инсон — у яратувчи, у барча хилкат ичида энг юксаги, энг қудратлиси, энг фаросатлиси, энг ақлу идроклиси. Демак, гўзалликнинг ҳам энг юксаги, энг мазмунлиси, энг чиройлиси инсонда.

Хўш, гўзаллик ўзи нима?

Гўзаллик нима экани ҳақидаги мулоҳазаларимизга ўтишдан олдин бу сўзнинг луғавий маъносини аниқлаб олсак. Ҳаётда, айниқса одамлар орасидаги оддий муома-

лада баъзан сўзлар асл маъносига қараб ишлатилмайди. Бунга у сўзларнинг ўзаро яқинлиги ё маънодошлиги сабаб бўлса керак. Масалан, «Фалончининг юзлари қизариб кетди», деб айтишади. Холбуки, бу ерда юзлари эмас, «бетлари» дейилиши керак эди. Нимага десангиз, одамда моддий маънодаги юз битта бўлади. Бу юзга кош-кўз, оғиз-бурун, ияк, иккита бет, иккита кулоқ ва пешона кириди. Агар «юзлари қизарди» дейилса, аввало бу одамда юз битта эмас, бир қанча экани, қолаверса, у юзларидаги ҳамма аъзолар бирданига қизаргани англашилиши керак эди. Лекин биз бунни билибми-билмайми, савод жиҳатидан нотўғри англаймиз. Худди шунга ўхшаш, «гўзал» сўзини ҳам ўз маъносида ишлатмаймиз. Холбуки, бу сўз чирой, хусн, жамол, рухсор, кўрк, кўхлик, сулув каби бир қатор сўзлар маъносини ўз таркибида сақлаш билан бирга инсондаги энг яхши фазилатлар мажмуаси бўлмиш одамийлик тушунчасини ҳам англатади. Шунинг учун, «чиройли одам» дейилганда, биз одамнинг ташки қиёфаси чиройли эканини, «гўзал одам» дейилганда эса унинг ички дунёси ҳам чиройли эканини англаймиз.

Фараз этайлик, сиз ҳовлингизга бир туп дарахт ё бир туп гул экдингиз. У тутди, япроқ чиқарди, чиройли бўлиб ўсди, танаси йўғон тортди, сурхлари яшил япроқларга бурканди. Эккан кўчатингиз япроқ чиқариш билан бир вақтда, шубҳасиз, илдиз ҳам отди. Япроқлар қуёшдан нур, ҳаводан азот олиб илдизларга ҳаёт берди. Илдизлар эса ердан озик олиб ўзакни, япроқларни боқди. Бир вақт карабсизки, ҳаёт барқ уриб турган чиройли бир ўсимлик ҳосил бўлибди. Сиз унга қараб завқланасиз, ҳавасингиз келади. Борди-ю, сизда ғурур уйғотиб ўсаётган ана шу чиройли ўсимлик шохларини биров келиб каллаклади, илдизларини қирқиб ташлади. Хўш, энди нима бўлади? Энди ҳаводан, озикдан маҳрум бўлган ёлғиз тана қуриydi. Демак, ўсимликнинг яшаши, яъни сизу бизда ҳавас, завқ уйғотган кўркамлигини сақлаб қолиши учун япроқлари ҳам, илдизлари ҳам ҳаётий аҳамиятга эга экан.

Гўзаллик ҳам бамисоли дарахт. Япроғи — ахлоқ, илдизи — ички дунё, меваси — яхши фазилат. Хулоса қилиб айтганда, одам боласидаги гўзаллик — табиат ато қилган хусн-жамолдан ташқари, яна энг яхши хулқ-атворни, инсондаги энг яхши фазилатларни ўз ичига олган одамийлик дарахтидир. Мана шундай гўзаллик инсонга хусн беради. Бу хил гўзаллик — япроқларсиз, илдизларсиз қуриши муқаррар бўлган дарахтга сира-сира ўхшамайдиган, қуримайди, ўлмайди, боқий гўзалликдир.

Бир мисол. Қошлари қалам, кўзлари хумор, лаблари лаъл, бетлари ширмон, қомати сарв, табассуми жонга қасд қилғувчи бир жонон рўпарангиздан келаверди. Сиз уни кўрдингизу сурат бўлиб қолдингиз, ё тик қарашга ботинолмадингиз — ибo қўймади. Лекин довдир кўзларингиз шу ноёб хусн асири бўлиб, ихтиёр нўхтангизни узиб кетди. Сиз ҳар қанча ҳаракат қилсангиз ҳам бўлмади — жилволарини ушлатмаган кўзларингизни тўхтатолмадингиз, тўғрироғи, тўхтатишга қурбингиз етмай, майлига қўйиб бердингиз. «Гўзал» эса, нозик оёқлари остида хоксор бўлганингизга парво қилмай, ёнгинангиздан товус юриши қилиб ўтиб кетди. Сиз энди гўзаллик таркибидаги хулқ шартини бузиб, жонон орқасидан сукланиб қараб қолдингиз. У кетди. Сиз бўлсангиз ноҳўя ҳаракатингизни кўриб турганлар кўзида ўзингизни ерга уриб қолдингиз. Бу қилингиз сиздаги ахлоқнинг, демак, гўзалликнинг қусурли эканини кўрсатди.

Энди ҳушингизни олган жонон масаласига келайлик. Ундаги гўзаллик ҳаммага кўз-кўз қилиб юрилган ташқи бисотмиди ё ҳақиқат — бунни бир қарашда ё бир кўришда билиб бўлмайди. Сиз унга маҳлиё бўлганингизда масаланинг шу нозик томонини назардан қочирган эдингиз.

Хайр, бўлар иш бўлди. Энди бир кўрган таниш, икки кўрган билиш қабилида ўша «гўзал» билан бир суҳбатлашиб кўрайлик.

Мана, рўпарангизда, юмшоқ диванда чалиштириғлик оёқларини тиззасидан юқориоғигача очиб қўйиб, фильтри сигарета чекиб ўтирибди. У сигарета кулини нарироқдаги кулдонга бориб тўқишга эриниб, оёқлари остидаги ипак гиламга қоқяпти. Хонада ўзидан катта одамлар бор, улар орасида одоб сақлаш зарур. Аммо «гўзал» бунга эътибор қилмайди. Шарақлаб кулади, бўлар-бўлмас гаплар гапиради. Шу пардасизлик устига бир чолу кампир кириб келди. Булар халқ хизматида кексайган, Ватанга қатор-қатор ўғил-қизлар, неvara-чеваралар берган хурматли кишилар. Бу нуруний сиймоларни кўрганда ўтирганлар дув ўринларидан туриб, уларни тўрга таклиф қилдилар. «Гўзал» эса уларга пешвоз чиқмадигина эмас, ҳатто оқ сочлари хурмати учун ўрнидан ҳам кўзгалиб қўймади. Сиз ундаги бу ошкор гумроҳликни, одам кадрини ерга урғувчи хунук беодобликни кўриб лабингизни тишладингиз, устингиздан бир челақ совуқ сув қуйиб юборилгандай жунжикиб кетдингиз.

Хўш, бунга нима дейсиз? Шохлари каллак урилган, илдизлари қирқилган қуруқ тана шу эмасми? Инсонда аянч, жирканч ҳисси уйғотадиган хунуклик, ногиронлик шу эмасми?

Ҳа, баракалла, худди шунинг ўзи. Демак, чиройлиман деб ўзига бино қўйиб юрган, яъни ҳозиргина сиз кўрган «чирой» билан яшаш ҳаёлини қилган «гўзал» бир ҳақиқатни назардан кочирган. Бу инсоний ҳақиқат шундай:

— Сен ҳар қанча ясаниб-тусанмагин, лабларингни, киприк-қошларингни, бетларингни ҳар хил ранглар билан бўямагин, турли-туман тақинчоқлар тақмагин, бари бир, инсоний фазилатинг бўлмагандан кейин сен хунуксан, сен жирканчсан, сен ногиронсан! Библия қўй, сенга инсон хуснини берадиган, номингни пок, бедоғ саклайдиган нарса юзингга суртган бўёқлар, қуюшқондан чиқиб кетган бачкана қийимлар, турли зебу зийнатлар эмас, йўқ, асло булар эмас! Сенга бу хусни чиройли ахлоқ, одоб, маданият, яхши фазилат беради!

Ҳа, худди шулар беради! Шунинг учун чиройим бор деб талтайиш — ўзини чалғитиш бўлади. Чунки юз чиройи ўткинчи нарса. Бундан ташқари, юз чиройининг тушунчаси ҳам ҳар хил. Лаблари қалин, кўзлари ола Африка жонналарига, юзлари чўзинчоқ, сочлари сап-сарик инглиз таннозларига назар солсангиз, чирой тушунчаси дунё халқларида турлича эканига ишонч ҳосил қиласиз. Аммо инсоний, маънавий гўзаллик ҳамма халқларда бир хил тушунилади, бир хил кадрланади.

Одам боласи шу умумбашар гўзаллик, инсоний гўзаллик учун курашиши, шу олий мақсад йўлида сира чарчамай, сира эринмай курашиши керак. Чунки инсонга ҳақиқий хусни инсоний хулқ-атвор, инсоний фазилат беради.

Бундай гўзаллик инсон тириклигида ҳам, дунёдан ўтганда ҳам унинг айнамайдиган хусни, абадий сиймоси бўлиб қолади. Шунинг учун улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов: «Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим, юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам», — деган эди.

Кексалар ўғитига кулоқ солсангиз, «Гўзаллик юзда эмас, ақлда», дейдилар. Ҳа, авлодлар, замонлар ҳикмати бу. Дарҳақиқат, ақлу фаросатдан, инсоний ахлоқ ва фазилатдан маҳрум бўлган юз чиройи фақат тажрибасиз, кўнимсиз кўзларнигина маҳлиё қила олади. Бу маҳлиёлик ҳам тез орада ўз ўрнини пушаймонликка бўшатиб беради. Нимага десангиз, бу хил чирой одамда ҳаёт ишқи, яшаш истаги уйғотмайди, уйғота олмайди ҳам. Бундай гўзаллик қоғоздан ясалган ҳидсиз найзон гулдан фарқ қилмайди.

Биласиз, қоғоз гулни ҳеч ким димоғига келтириб тутмайди — ҳиди йўқ. Уни ҳеч ким чаккасига тақмайди — нафосати йўқ. Лекин ердан униб чиққан, ҳаёт нашъалари

бурқиб турган энг оддий гулни ҳам одам севади, ҳидлайди, ардоқлаб чаккасига такади.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган гапларни юз чиройига, яъни гўзалликнинг моддий нишонларига оид гаплар эди, дейишимиз мумкин. Чунки биз ҳозиргача олган чирой гўзалликнинг бир қарашдаёқ кўзга чалинадиган томони эди. Энди унинг ҳақиқий томони, яъни инсонни чинакам инсон қиладиган маънавий томони ҳақида сўз юритсак.

Гўзалликнинг бу томони шу қадар кенг, шу қадар сертармоқки, уни айтган билан адо қилиб бўлмайди. Лекин биз маънавий гўзалликни ҳаёт тақозосига қараб шу моддаларга бўлдик:

### ОДАМИЙЛИК

Инсон илми ё ижтимоий мавқеидан, ёши, ё касб-коридан қатъи назар, ҳар кун, балки ҳар соат одамлар билан муомалада бўлади. Одамлар жамоасидан айри яшаш мумкин бўлмаганидек, хизмат бурчи ё турмуш эҳтиёжи билан ҳам одамларга рўпара келмасликнинг иложи йўқ. Бу эса, одам иши одам билан битади, деган сўз. Лекин бу иш ширин битадими ё аччиқ — буниси муомала эгасининг хулқ-атвори, кўпол ё мулоим муомаласига боғлиқ. Нимага десангиз, ширин муомала билан битмайдиган иш ҳам битади, кўпол муомала билан эса битадиган иш ҳам битмай қолиши мумкин. Лекин бу гапимиздан: «Фақат ишни битириб олиш учунгина хушмуомалада бўлиш керак экан-да», деган хулоса чиқмаслиги керак, албатта. Рост-да, инсонни чинакам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатлари бўлса, хушмуомалалик шу яхши фазилатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бундоғ ўйлаб қаранг-а, одамнинг яхши ё ёмонлиги, ахлоқи ё ахлоқсизлиги, маданиятли ё маданиятсизлиги, шафқатли ё шафқатсизлиги, соддалиги ё кибру ҳаволилиги юриш-туришидан ҳам олдин муомаласидан билинади. Шунинг учун ўз кадр у қийматини билган одам энг аввал муомала одобининг гамини ейди.

Маълумки, юқорида ишора қилиб ўтганимиздек, одам боласи дунёда якка-ёлғиз яшамайди, яшай олмайди ҳам. Бу одамзод пайдо бўлгандан бери давом этиб, кун сайин кучайиб бораётган бир ҳақиқат. Инсон онадан туғилгандан бошлаб бутун умрини, бутун ҳаёт фаолиятини жамият ичидан, одамлар орасида ўтказади. У хоҳ уйда бўлсин, хоҳ иш жойида бўлсин, одамларга тўқнашмай иложи йўқ. Шунинг учун у ўзини жамиятга мос тутишга, яъни теварагидаги

одамларни ҳурмат қилишга, ўзи ҳам улардан ҳурмат кўришга интилиши керак. Бу эса ҳар бир кишидан одамшавандаликни талаб қилади.

Марксизм таълимотидан маълумки, инсон меҳнат қуролларини ясаши, такомиллаши билан ҳайвондан фарқ қилади. Бизнинг назаримизда, инсоннинг яна бир устунлиги унда ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан бирга тил ҳам борлигидадир. У шу тил билан мўъжизалар яратиши мумкин.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Жанжал ҳам икки томоннинг қўпол муомаласидан чиқади. Бир қўлингиз банд бўлса чапак чалолмаганингиз сингари, бир томон оғир бўлса, яъни тилини тийса, жанжалнинг ҳам уни ўчади.

Бир мисол. Троллейбусда одам тиқилиб кетди. Игна ташласангиз ерга тушмайди. Бундай ҳолларда йўловчиларнинг бир-бирларига уринишлари, туртинишлари, сиқилишлари, табиий. Бир йўловчи орадан қисилиб ўтиб кетаётиб, бошқа бир йўловчига бехосдан тегиб кетди. У бунисига бир ўкрайиб қаради-ю, жон-жаҳди билан итариб ташлаб: «Хўкиз! Кўзингга қарасанг ўласанми!»— деб кичқирди. Оралаб ўтаётган йўловчида айб йўқ эди. Буни қўпол муомала қилган киши ҳам биларди. Била туриб, гуноҳсиз одамни ҳақорат қилди. Хафа қилинган йўловчи, дағал кишига тенг бўлгиси келмадими ё асли табиати шундай хушмуомалалик эдими, ҳар қалай, унга бир жилмайиб қаради-ю:

— Кечирасиз, троллейбусчилик экан,— деб кўя қолди.

Агар хушмуомалалик киши ўз кадр-қимматини ерга уриб ҳалиги қўпол билан тенг бўлса, ўртада жанжал чиқар, иккаласининг ҳам дили бекор сиёҳ бўларди. Аммо у хижолатпазлик дардини қўполга юклаб, ўзи енгилгана тушиб кетди. Йўқ, ўзи тушиб кетмади, уни орқасидан офарин ўқиган кишиларнинг миннатдор кўзлари узатиб қолди.

Яна бир мисол. Шундай оилалар бўладики, ўзлари алоҳида турсалар ҳам шовқинлари бутун маҳаллани тутлади. Бундайлар дастидан маҳалла-кўй ҳам ҳаловатидан айрилади.

Ори рост, бунақалар оз, лекин ёмон нарсанинг озига ҳам чидаб бўлмайди.

Янгиерлик Пардахон ён қўшниси Собирахон дастидан дод дейишга келди. Бу аёл ўзини жамиятга фойдали ишдан олиб қочгани етмай, далада шарафли меҳнат билан банд бўлган эри Ибройимжон акага ҳеч кун бермайди. Эрининг топган-тутганини қоқиб олиб, магазинма-магазин юргани-юрган. Рўзгор ишига қайрилиб ҳам қарамайди. Эри даладан ҳориб-голиб келса, унга соладиган дастурхони жанжал

бўлади. «Менга у керак, менга бу керак», деб бутун маҳаллани бошига кўтариб шовқин солади. Мана шу ерда битта саволга эҳтиёж туғилиб қолди. Хўш, ёмон тили, ёмон хулқи билан қўни-қўшниларини кўчиб кетиш даражасига келтирган бу нодон хотинга энди улар қайси кўз билан қарашади? Албатта, ёмон кўз билан! Ҳар ким ундан ўзини олиб қочишга тиришади.

Жамиятимизда мадҳини дoston қилса арзийдиган ажойиб оилалар ҳад-ҳисобсиз. Бундай ширин оилаларни кўрганингда ё мактовини эшитганингда севиниб, терингга сиғмай кетасан, киши. Одамзоднинг, тарихнинг, замоннинг интилиши шу, дейсан.

Ҳа, шу!

Ён қўшнимнинг оиласи ана шундайидан. Қўшним ўзимизнинг маҳалламиздагина эмас, бутун шаҳарда ҳурматли одам. Бундай катта ҳурматга сазовор бўлишига, аввало, унинг ўзи, одоби, айниқса одамшавандалиги сабаб бўлди. У уйида, яъни оила аъзолари орасида; кўчада, яъни эл-юрт ўртасида; ишда, яъни коллектив каторида ўзини бир хилда тутлади. Одатларида, ўзини тутишида сохталик, хўжакўрсинлик йўқ. Мухотидаги одамларнинг ҳаммасига бир хил ҳурмат, бир хил муносабатда бўлади. Каттани катта деб ялтоқлик қилмайди, кичикни кичик деб димоқ кўтармайди. Яна бир ажойиб фазилати шундаки, иш танламайди, қандай иш бўлса, у иш ўз ижросини кутиб турган бўлса, дарров қўл уради. Бу оилада эр ҳам, хотин ҳам давлат идораларида ишлайди. Қайси бири хизматидан илгари келса, уй ишини саранжомлаб кўяди. Эр мен эрман деб кеккаймайди, хотин мен ҳам ишлаб келдим деб фирок қилмайди. Борди-ю, биронтаси ташки сабаб билан хафа кўринса, иккинчиси дарров жонига ора қиради. Мана, йигирма йилдан ортиқ қўшничилик қиламиз, лекин бирон марта бу оиладан ноҳўя овоз чиққанини билмаймиз.

Балки, бу оилада ҳеч қачон пасту баланд гап бўлмас?

Қайдам. Шамолсиз фасл бормикан? Бўлмаса керак. Аммо шамол бўлади — дарахтларни синдириб, томларни кўпориб кетади. Еру кўк тўс-тўполонга тўлиб, олам остин-устун бўлади. Бу хил шамолни бўрон-довул дейдилар. Шамол бўлади, беозоргина эсиб, ўт-алафларни салом бердириб ўтади. Бу хилини ел ё шабада дейдилар.

Қўшнимизнинг уйида ҳеч қачон бўрон турмайди. Онда сонда фақат ел эсармиш. Шундай пайтларда бир томон ўзини босиб, мулоғим муомаласи билан бўрон йўлини тўсармиш...

Жаҳолат кўп ёмон нарса. Бу шундай бедод, шундай

беомонки, измини бериб қўйган киши кейин аттанг дейди. Юқорида келтирган мисолимиздаги йўловчи жаҳолатга рай бермади. Аксинча, хушмуомаласи билан жаҳолат унини ўчирди. Ажабо, шундай қаттиқ, ўринсиз ҳақоратдан кейин ўзини босиш, бунинг устига тагин жилмайиб туриб ширин сўз айтиш у кишига осон бўлдимикан? Йўқ, албатта. Бундай қилиш осон эмас, жуда қийин. Халқимизда: «Ишнинг осонига югурган одам одам эмас, оғирини қилган одам одам», деган гап бор. Кўрдингиз, хушмуомалали йўловчи ишнинг қийинини қилди. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳусн таваж-жухимиз ўша одамшаванда кишида қолди.

Мен Фарғона шахрида бир одам билан танишдим. У ошхонада овқат қилиб ўтирган экан. Биз ёнидаги бўш ўринларга келиб ўтирдик. Дўстим кесатиққа ўхшаган бир жилмайиш билан:

— Бу киши Каримжонбой бўладилар, — деди.

«Бой» сўзини ғалати қилиб айтди. Мен ялт этиб у кишининг юзига қарадим. Қош-кўзлари пориллаб турган ёқимтой чехрасига кизиллик югурди. У бир ёққа шошаётгандай, овқатини наридан-бери еди-ю, биз билан хайрлашиб чиқиб кетди. Ана шундан кейин дўстим унинг таърифини қилиб берди:

— Кўп бемаъни одам. Игнадан чиққандай тоза усти бошини, чиройли башарасини кўрган киши унга махлиё бўлиб қолиши мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Феодал, бориб турган феодал! Бизнинг маҳалламизда туради, биламан-да. Ҳар кун ишдан уйига хўмрайиб, ўқрайиб келади. Уйдагилари қуллар эканми, деб ўйлайсиз. Кўзларидан қон, тилидан заҳар томади. Каримжонни кўрар-кўрмас хотинини титроқ босади, болалари ҳар ёққа уриб кетишади. Каримжон етти қават кўрпачада ўтириб олиб, «уни қил!» деб хотинига, «буни қил!» деб болаларига бақиради. Хотин бечоранинг умри шу уй ишлари, бағритош эр ташвишлари билан ўтаётганини, яъни у ҳам шу оила бахт-саодати учун эридан кам хизмат қилмаётганлигини Каримжон назарига илмайди. «Мен ишлаб чарчаб келдим, сенлар уйда ўтирибсанлар!» деб бола-чақасига кун бермайди. Кейин кўчага, самоварга чиқиб, ярим кечагача хандон уради. Ана шунақа «бой» бу! Бундай одамларни халқимиз «кўча хандони, уй зиндони», деб тўғри савалайди.

Афсуски, ана шу Каримжонга ўхшаганлар, айниқса кеккайган баъзи камфаросат ёшлар ҳаётни, уларнинг ўзларини ҳам безайдиган одамийлик шартларига эътибор қилмайдилар, аксинча, буни ўз эрklarига кишан деб биладилар. Шунинг учун оғизларидан нима кириб, нима чиқиши

билан, оқибатда бошқаларнинг дилларини оғритиб қўйиши билан ишлари бўлмайди.

Қўпол муомала, айниқса дағал сўз бағри қаттиқ, фаҳми паст одамни ҳам ранжитмай қўймайди. Жамиятнинг ахлоқ нормаларига итоати билан чирой тўкиб юрган одамларга эса бу хил муомала ниҳоятда қаттиқ ботади. Дили озор топган одам соатлаб, балки кунлаб ўзига келолмай, қўли ишга бормаи қолади. Демак, қўпол сўз ё хунук муомала инсон дилини оғритиш билан бирга жамият ишига ҳам зарар берар экан. Бадфеъл одамларнинг шўрлари шундаки, улар хатти-ҳаракатлари, бемаъни хулқ-атворлари оқибатида бошқаларга маънавий, ҳатто моддий зарар етказётганларини фаҳмламайдилар. Балки ораларида фаҳмлайдиганлари ҳам топилар, лекин улар кириб қолган нотўғри йўлларидан қайтиш ғамини емайдилар.

Маълумки, вақтида ёпиб қўйилмаган очик дарчадан ит ҳам, мушук ҳам кириб-чиқаверади. Шунга ўхшаш, назоратсиз қолган оғиздан ҳам боди кириб, шоди чиқиши мумкин. Инсоф билан ўйлаб қаралганда, дағал сўзнинг ҳам, ширин сўзнинг ҳам чиқадиган жойи оғиз бўлгандан кейин, ундан бировнинг кўнгил жомини синдирадиган совук, хунук сўз эмас, одамда ҳурмат ҳиссини оширадиган ширин сўз чиқса, бунинг савобига ким етсин! Ахир, бундай ширин сўз муомала эгасининг одамийлик фазилатига фақат тож бўлиб тушади-ку!

Баъзи тажанг, муомаласи қўпол, сўзи совук, тўнг одамларнинг шу камчиликлари бетларига солинса, улар, дўстона панду насихатдан жириллаб, ё дилингизни сиёҳ қилишади, ё бўлмаса, асаб чатоқ, асаб бузук, деб ўзларини оқлашга тушишади. Тўғри, асаблари бузук одамлар йўқ эмас, бор, бу ҳам бир касаллик. Аммо тузалмайдиган, шифо кўтармайдиган касаллик эмас. Олди олинмаган, вақтида шифо-тадбирлар билан нўхта урилмаган ҳар қандай касаллик танада яйраб, пировардида одамни абгор ё нобуд қилгани сингари, асаб касаллигига йўйилаётган қўполлик, тажанглик ҳам одамни ахири жувонмарг қилади.

Ажабо, қўполлик фақат асаб касаллигининг оқибатими? Йўқ! Зинҳор, йўқ! Тўғри, қўполликни туғдирадиган иллатда асаб касаллигининг ҳам нуқси бўлади, лекин ҳаммавақт эмас. Бунда асосан одамнинг ўзи, ўз хулқ-атвори айбдор. Бундай одамлар инсон ҳуснининг юксак шартларидан бири бўлган андишани билмайдилар. Улар оғизларидан чиққан ҳар қандай дағал сўз бошқага қаттиқ ботиши, баъзан фожиа билан тугаши мумкинлигини ўйламайдилар. Шунинг учун буларни тузалмайдиган одамлар деб

айтишга оғзимиз бормаса ҳам, лекин ёмон одамлар деб дадил айта оламиз. Чунки:

Ёмон ўзини билмайди,  
Ўзгани кўзга илмайди.

«Известия» газетасининг 1966 йилги биринчи сентябрь сониди Эд. Поляновскийнинг ахлоқ мавзуида бир мақоласи босилди. «Эҳ, сен ҳали кўп нарсалардан беҳабарсан» деб сарлавҳа қўйилган ана шу мақолада совет кишиларининг фазилатларидан бири ҳақида ҳикоя қилинади. Ана одамийлик, ана аҳиллик, ана одамлар тўғрисида ғамхўрлик! Қаранг, бир коммунистик бригаданинг Толька Усок деган аъзоси заводда ҳам, иш жараёнида ҳам эмас, чўмилгани борган жойида майиб бўлган экан. Бригада аъзолари, ҳатто бутун завод коллективи унинг ғамини еб, то тузалгунча парвона бўлибди. Толька завод планининг равнақи ўзига боғлиқ катта мутахассис ё фаранг ишчи ҳам эмас, овози энди дўриллаб келаётган гўр шогирд экан. Ана шу ўсмир ишчини завод коллективи ўлим чангалидан қутқазиб қолибди...

Ана шу мақолани ўқиб, ўзимни анчагача босиб ололмадим. Замонамизда, катта оиламизда одамлар бир-бирларига суянчиқ, бир-бирларига раҳнамо, бир-бирларига ҳамдард эканлари вужудимни қувонч ҳаяжони билан тўлдирган эди. Ахир, бу мақолада инсон тақдир, инсон қадри ҳақида, совет кишиларининг одамийликлари ҳақида гап бор эди!

Ҳа-да, биз яхши одамларнинг яхши ишларини кўрганимизда ҳамиша мана шу тахлит танамизга сиғмай қувонамиз. Биз ҳам ўшандай яхши кишиларга ўхшашга интиламиз, яхшилардан ибрат олиб, ёмон томонларимизни тезроқ йўқотишга уринамиз. Чунки:

Ўрганмаган ўртанар,  
Ҳар қадамда туртинар.

Аммо ўз жонининг ҳузурини кўзлаб, бошқалар дилининг оғриши билан ишлари бўлмайдиган тошбағирлар ҳамиша эл орасида нафрат уйғотиб келганлар. Улар инсон бурчларидан бири — ўзига қарши нафрат уйғотишда эмас, шараф, ҳурмат учун курашишда эканини эсдан чиқарадилар. Оқибатда, қинғир йўлда қинқайиб олиб, бировларга озор беришни ўзларига «мартаба» деб биладилар. Ҳолбуки, ундайларнинг қанақа одамликларини бошқаларга қилган муомалаларию оғизларидан чиққан сўзлари фош қилиб

қўяди. Бундай хулқ-атвор уни эртами-кеч ошна-оғайниларидан ҳам айиради.

Баъзи шундай ёшлар ҳам учраб қоладики, улар давра маданиятини, даврада ўзини тутиш расмини писанд қилмайдилар. Агар ҳар қандай давра ё гурунгда жўралар ёши ҳаммавақт ҳам бир хил бўлавермаслиги назарга олинса, бундай пайтларда оғизга айникса эҳтиёт бўлиш зарурати туғилади. Нимага десангиз, бирон ёши кичикроқ одам каватида ўтирган ёши катта киши олдида ўзидан кичикни ё жўрасини менсимай хунук сўз билан сўкса ё ҳазиллашиб оғзини чакки қилса, бу одобсизлик катта ёшдаги одамга жуда малол келади. Дарҳақиқат, оғзи бепوشна киши хоҳлабми-хоҳламайми катта ёшли одамни ҳақорат қилиб қўяди. Оқибатда бу одам ҳалиги хўрозтабиат «чапани»дан юз ўгириб кетади.

Худди шунга ўхшаш, катта ёшли кишилар кичиклар олдида бировни сўкса ё оғзига бемаъни сўз олса, ундай одам ёшлар назаридан қолади. Ҳақиқатан ҳам, катта ёшли одам оғзидан чиққан ҳар қандай дағал сўз ёшлар оғзидан чиққан ёмон сўздан юз чандон хунук эшитилади. Бундай пайтларда оғзини чакки қилган ёшларни тарбиясизликда қойиб қўя қолишса, катталарга нима дейиш керак бўлади?

Мажлумки, ёшлар катталарга фақат бирон нарса ўрганиш, уларнинг турмуш тажрибаларидан, ҳикматли сўзларидан баҳраманд бўлиш учунгина яқинлашадилар. Демак, одам қаерда, кимлар орасида эканини назардан қочирмаслиги, ўзининг хулқ-атвори, яхши фазилати билан бошқаларга ибрат бўлиши зарур. Тўғри-да:

Яхшидан от қолади,  
Ёмондан дод қолади.

Баъзи бировлар одамийлик шартининг муҳим талабларидан бирини унутиб қўядилар. Чароғон ҳаётимиз, коммунистик ахлоқимиз ҳар бир кишидан ҳалолликни, адолатпарварликни, ростгўйликни талаб қилади. Жамиятимиз табиати, юксак интилишимиз тақозоси шундай.

Чунки ҳаром бор жойда — разиллик, адолатсизлик бор жойда — жабр, ёлғон бор жойда — тухмат тантана қилади. Одамлар орасидаги пок муҳаббатларга путур етказадиган бу иллат жамиятни орқага, фақат орқага судрайди. Ризки рўзини тирноқ остидан қидирадиган фосиқларнинг тирақайлашлари сомонхонагача бўлса ҳам, лекин уларнинг бир кунлик умри жамиятга жуда қиммат тушади. Бундайлар, «одам хатодан холи эмас», дейилган турмуш

ҳақиқатини писанд қилмай, бировларнинг пашшадек хато-ларини ё камчиликларини туядек қилиб кўтариб чиқадилар. Ҳолбуки, ҳар бир тоза ниятли кишининг муқаддас бурчи — йиқилганни устига чиқиб депсаш эмас, балки қўлтиғидан олиб турғизиш, яъни хатосини душманларча бўрттирмай, дўстларча тузатишига ёрдам беришдир. Бу хил одамлар жамиятни ёмонлардан тозалаяпман деб айюҳаннос тортсалар ҳам аслида сабл жонларининг хузурини деб азиз жонларни қурбон қилишни, демак, қилвирлик билан мартаба орттиришни кўзда тутадилар. Булар учун хато — жиноят! Тўғри, дўстлар кўрсатганларидан кейин такрорланаверадиган хато бора-бора жиноятга айланади. Лекин билмасдан қилиб қўйилган биргина хато учун одам бошини ейишга қасд қилиш — давримизнинг пок идеалига, одам одамнинг дўсти, дейилган ҳақиқат тантанасига суиқасд деган сўз.

«Инсон» дейилганда, унинг кўп ажойиб фазилатлари каторида виждони билан иродаси ҳам кўз ўнгингга келади. Одамийликнинг бу икки дурдонасидан айрилган киши инсонлик шону шарафидан ҳам айрилади. Шунинг учун:

Виждон кули,  
Ирода беги бўл!

Яна бир тоифа одам бор. Бу хиллар ҳаммавақт ҳақли-ю, бошқалар ноҳақ. Ўзиникини маъқул билишади, бошқаникини ерга уришади. Донишмандми десангиз, гапларидан латта хиди келади. Шуниси ачинарлики, улар ғанимат умрларини ғийбат билан ўтказиб, жамият нафи учун арзирли бирор нарса қилмайдилар, қилсалар ҳам қўл учида, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида. Қўлларига қил тушиб қолса-чи! О-о, уни ҳам қирк ёриб, қирк қийик қидирадилар. Бундайлар ҳаётга, тўғри йўлдан бораётган тўғри одамларга қинғир кўзойнак билан қарашга одатланиб қолганлар. Шунинг учун ҳамма нарса қийиш, ҳамма қинғир кўринади кўзларига. Ҳолбуки, одам боласининг вазифаси, жамиятдаги бурчи — шу жамиятдаги яхши нарсаларнинг кўпайиши учун курашишдир. Ҳаётдаги, одамлардаги айрим камчиликни дастак қилиб олиб, ҳамма нарсани қорага чиқариш — фақат ёвуз ниятли кишининггина иши! Гарчи халқ мақолида «Дили қинғирнинг тили қинғир» дейилса ҳам, биз ундайларга мана бундай дейишимиз керак:

Агар одам бўламан десанг:  
Тўғридан қинғир кидирма,  
Қинғирдан тўғри кидир!

Катталарнинг одамийлик фазилатлари, маънавий гўзалликлари ёшлар учун ҳаммавақт ибрат мактаби бўлиб келган. Ҳозир эса айниқса. Шунинг учунми, катта одам эканликларини нотўғри тушунадиган баъзи катталарнинг айрим қилиқлари кўзимизга жуда хунук кўринади. Натижада ёшлар улардан ибрат олишга эмас, узоқроқ юришга ҳаракат қилиб қоладилар.

Мен бултур бир катта идора олдида оғайнимни кўриб қолдим. Ҳамиша кулиб, чакчақ уриб юрадиган дилкаш одам эди у. Қарасам: ковоқлари осилган, ҳафсаласи пир. — Ҳа, ковоғингдан қор ёғиб қолибди, бурга тепдими? — дедим кулдиргим келиб.

Дўстим кулмади. Кўнглидагини айтса таъби баттар хира бўладигандек:

— Йўқ, ўзим, — деб қўя қолди.

Мен кўймадим:

— Йўқ, бир сир бор, яширяпсан.

У тан олди.

— Ановининг олдига келувдим, — деди катта идорага ишора қилиб.

— «Анови»нинг ким?

— Каттаконимиз-да.

— Арз билан келувдингми?

— Гўрними! Касалдан турган экан, бир кўриб кетай, деб келувдим.

— Хўш?

Дўстим жаҳлини зўрға босиб турган эканми, бирдан портлаб кетди:

— Қабулхонасида икки соат ўтирсам бўладими! Қани энди киришга рухсат берса!

— Кутиб ўтирганингни билмагандир балки?

— Э, котибани киргиздим, фалончи дўстингиз сизни кўргани келибди денг, деб.

— Хўш?

— Бугун қабул кун эмас, дебди.

Хаҳолаб кулиб юбордим. — Котибани очиб кирабермайсанми!

— Очишга-ку очдим, — дедим-у, эшитини фақат ёриб, туриб: «Хайф сенга амал», дедим-у, эшитини фақат ёриб, чиқиб кетдим.

Биз учаламиз ёшликда бирга ўқиган, кейинча болачақаларимиз билан бир-биримизникига борди-келди қилиб юрган жуда яқин дилкаш ўртоқлар эдик. У катта амалга минганди: катта эса оғайнимнинг донишманд қийиш кўзи



кўйда ё бирон маросимда иттифоко кўришиб колсак, ўртамиёна гавдасини баланд тутиб, осилган ковоклари остидан хўмрайиб қарайдиган кибрли кўзларининг қирини бир ташлаб, ёнимиздан кеккайганича ўтиб кетаверар эди. Амал бурунларига курт тушириб кўядиган бундай одамлар вазифасида узоқ турмай, яна эски муҳитига, яъни амалдорлигида танимай кўйган ошна-оғайнилари ёнига қайтиб келишлари муқаррарлигини назардан кочирадилар-да, амалга бошқалардан гўё юқорирок бўлгани учун берилган сийлов деб қарайдилар. **Холбуки, амал фазилат эмас, вазифа.** Аммо уни фазилатга айлантириш — одамлик кадр-қимматини биладиган кишиларнинггина қўлларидан келади. Бизнинг шўринг қурғур амалдор ошна-миз эса вазифасини фазилатга эмас, кибру ҳавога айлантирди. Оёқлари ерда юрса ҳам, калласи осмонда сузди. Чунки у шарқ донишмандларидан Абдурахмон Жомийнинг бир ҳикматли огоҳини назардан кочирган эди. Донишманд дейди:

Мансаб билан баландмас одам,  
Мансаб одам билан мухтарам.

Кўп ўтмади. Дўстимиз яқинда мансабдан тушди. Энди у бизни, эски оғайниларини кўрганда, оғзи қулоғига етиб тиржайди, биздан олдин салом беради, икки букилгудек бўлиб қўлимизни олади. Лекин совиб кетган кўнглимизни ололмайди. Нежаб:

Ҳавоси қандай бўлса,  
Навоси ҳам шундай.

Одамийлик шаънига доғ туширадиган иллатлар тўғрисидаги гапимизга ҳазрати Навоийнинг қуйидаги табаррук сўзлари билан хотима берсак:

Отанг боласи бўлма,  
Одам боласи бўл!

#### МЕХНАТСЕВАРЛИК

Юқорида биз кўриб ўтган одамийлик инсондаги маънавий гўзаллик таркибида нақадар муҳим ўрин тутса, меҳнатсеварлик ҳам ўша таркибда одамийликдан кам ўрин тутмайди. Аслида инсонга маънавий ҳусн берадиган бир тушунчадаги иккита сўз булар. Шунинг учун буларни бир гўзал чаккасига тақилган қўшалок гул деса бўлади.

Меҳнат — қудрат демак. Инсон ҳаётини безайдиган, унга бахт-саодат келтирадиган, бойлик, фаровонлик бахш этадиган ягона куч меҳнатдир.

Мана шу ерда Максим Горькийнинг ҳикматли таъбирларидан бири эсга тушади. «Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда буюқдир. Меҳнатга муҳаббати қанча қизгин бўлса, унинг ўзи шунча улугвор, иши эса шунча унумли, чиройлидир», деган эди улуг ёзувчи.

Одам боласининг умри битта-биттадан гишт териб кўтарилган бинога ўхшаб кетади. Бинонинг мустаҳкам туриши, узоқ умр кўриши, ишлатилган материалнинг сифатидан ташқари, пойдеворининг яхши-ёмонлигига боғлиқдир. Метин пойдеворга ўрнатилган бино қанчалик мустаҳкам бўлса, ёшликданоқ бирон ҳунар ё касб этагини маҳкам ушлаб олган йигит-қизларимиз ҳам ҳаётда ўша ҳашаматли бино каби савлат тўкиб ўтишади. Аммо инсон савлати ҳар қандай бино ҳашаматидан баланд. Чунки у ҳашамати билан кўзларни қамаштирувчи кўп қаватли биноларнигина эмас, фазога учираётган мўъжиза кемаларни ҳам яратувчи, ижод қилувчи, сайқал, безак берувчи ақлли, иродали кучдир. Фақат инсон ана шундай ақлли, иродали куч даражасига кўтарилиш учун меҳнат қозонида роса қайнаб, бирон ҳунар ё ихтисос эгаси бўлмоғи лозим.

Ҳунар танлаш масаласида эса ҳозирги ёшларимизнинг икболлари жуда баланд. Биронта ҳунар ўрганиш тилаги билан ҳаётга назар солсак, меҳнат — ижод соҳаси шу қадар кўплигини кўрамизки, буни катта бахт, катта давлат деб санаш керак. Ўтмишда, ота-боболаримиз даврида, ҳатто бугунги биз кексалар ҳаётга энди-энди қадам ташлаган ёшлик пайтларимизда касб-ҳунар доираси шу қадар тор эди, бир қарашдаёқ ҳаммасини қамраб олиб, яна қанақа ҳунар бор экан, деб қидириб қолинарди.

Келинг, ўша ҳунарларни мен бир-бир санай, сиз эшитинг: тақачи, темирчи, аравасоз, тунукасоz, соатсоz, бўзчи, тигчи, дугчи, дегрез, чилангар, чўпгар, дурадгор, йигчи, заргар... Булар эски замон ҳунарларидир. Ҳозир сиз билан бизга маълум бўлган касб — ихтисосни санаб ўтирмаймиз, иложи йўқ, беҳад кўп. Фақат ўзингиз яшаб турган оилангиз истеъмولىдаги буюмларга бир назар солсангиз, ҳадди-ҳисобсиз ҳунар маҳсулидан кичик бир заррасини кўрасиз: электр, радио, телевизор, газ, кир ювиш машинаси, чангтортар, пианино, ваяна, ҳар хил идиш-товоқ, каравот, стол, стул, водопровод ва ҳоказолар. Сиз бу нарсаларни кўрасиз-у, ким қилганини, қандай қилинганини кўпинча ўйламайсиз. Биз Москвани Тошкентдан

атиги бир неча соатлик йўл қилиб қўйган гигант самолётлар, учар поездлар, автомобиллар ва бошқа енгилликлар тўғрисида гапирмаёқ кўяйлик. Аммо бу неъматларни яратаман деб терга пишиб меҳнат қилаётганлар сизу бизга ўхшаган одамлар эканини гапирмасдан ўтолмаймиз. Ана шу ажойиботни яратаётганлар тор маънода хунарманд, кенг маънода эса ижодкор кишилардир. Буларнинг тўксон тўққизи ўрта ё махсус хунар мактабларини битириб чиқиб ўзларини меҳнатга урган, меҳнатдан шараф топган гўзал инсонлардир.

Оилада, ота-она бағрида ўн етти-ўн саккиз йил енгил меҳнат билан умр кўрган баъзи бир хил ёшлар корхона ё дала ишига ваҳм билан қарайдилар, уларга корхоналардаги ё далалардаги «кир» ишлар ақлга сифмайдиган хўрлик бўлиб туюлади. Қора ишдан жирканадиган шунақа «покизалар» бор орамизда. Бунга афсусланмай иложимиз йўқ. Фақат ўшандай ёшларнинг эсига солиб қўймоқчимиз: ишнинг оғир-енгили бўлади-ю, аммо кири-тозаси бўлмайди. Бунинг ҳар иккаласи ҳам инсонга шараф келтиради. «Секин кимирлайдиган, оғир, мушкул, қора ишга инонмаганликдан одамлар ваҳимага тушиб, «осон» йўл қидириб қоладилар», — деган эди Владимир Ильич Ленин.

Кўриб турибсизки, ваҳм ўринсиз. Ишнинг тоза ё кири, яхши ё ёмони — шу ишга қўл урган одамнинг меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқ. Баъзилар кир деб жирканган ишга сидқидиллик билан, муҳаббат билан қўл урсангиз, у иш сизни ўзига шу қадар маҳлиё қиладикки, сиз ҳаётингизни шу ишдан айри тасаввур қилолмай қоласиз. Муҳаббат билан урилган қўлдан ҳар қандай «кир» иш ҳам тоза, жозибатор, сўлим бўлиб чиқади. Агар «тоза» деб танлаган ишингизга муҳаббат билан эмас, парвосизлик билан, куймасдан, ёнмасдан қўл урсангиз, у кир, жозибасиз, хунук бўлиб чиқади. Аввалгисини кўрганлар: «Қўли гул экан, отасига раҳмат!» деб офарин ўқиса, кейингисини кўрганлар, «Қўлинг синсин, падарингга лаънат!» деб кетади.

Меҳнатга бўлган шу икки хил муносабат замирига чуқурроқ разм солсак, шу маънони ўқиймиз: аввалги одам гражданик бурчини бажарди, кейингиси эса бажармади. Демак, меҳнатга бўлган муносабатни одамнинг гражданик кийфаси деса бўлар экан. Бинобарин, бу муносабат хунук бўлса, ҳеч қандай жисмоний гўзаллик одамдаги ижтимоий ногиронликни ёпиб кетолмайди.

Халкимизда «Одам боласига қирқ бир хунар ҳам оз» дейилган яхши гап бор. Бу ҳикматни қаранг! Агар касбкор, хунар адади бармоқ билан саналадиган эски замондаки

шундай дейилган экан, ҳозирги атом асрининг санаган билан адо бўлмайдиган ҳадди-ҳисобсиз касб-корлари, беҳад ихтисослари замонида «Ёшларга қирқ бир минг хунар ҳам оз» дейилса тўғри бўлар? Ҳа, шунақага ўхшаб қолди. Қани, шу гапнинг мағзини бир чақиб кўрайлик. Ҳозирги талабчан, мураккаб ҳаётимизда бир хунар ё бир ихтисос эгаси қулочини кенг ёйиб, ишини битириб кетаверади, деб бўлмайди. Бир хунар ё бир ихтисос — катта давлат, деб бўлмайди. Амма тор маънодаги давлат. Ҳаёт эса бир-бири билан гирак боғлаган шундай бир ҳалқалардан иборатки, бир ҳалқанинг тилини билсанг-у, бошқалариникини билмасанг — катта ишда албатта қоқилиб қоласан. Шунинг учун бўлса керак, коммунистик меҳнат бригадаларидаги ишчи битта ихтисос билан кифояланиб қолмай, шу бригада маҳсулоти талаб қиладиган ҳамма ихтисосни ўрганиб олади. Уни аллақанча ихтисосни ўрганиб олишга мажбур қилган нарса тирикчилик эҳтиёжи эмас, албатта. Агар масала фақат шунга қараб қолганда эди, малакали ишчи битта ихтисос билан ҳам бемалол яшаши мумкин бўларди. Аммо ҳозирги ёшларимизни, онгли кишиларимизни бир неча ихтисосни ўрганишга мажбур қиладиган нарса — коллектив манфаати, халқ, ватан манфаатидир. Кимки бир нима қилибди — ватан меҳробига тўқибди. Шунинг учун ҳар ким қўлидан келганини қилишга, келмаганини билишга интилади.

Бепоеён далаларимизда «оқ олтин» етиштираётган ажойиб йигит-қизларга, заводларда инсон меҳнатини осонлаштирадиган аломат машиналар — моддий бойликлар яратаётган ватанпарвар ишчиларга назар солсак, уларнинг маънавий чиройларига ҳавасимиз келади. Ҳақиқий гўзаллик шу эканини, бундай гўзаллик ёшлик чоғлари билан бирга ўтиб кетадиган ўткинчи чирой эмаслигини, балки одам боласининг номи, шони билан барабар яшайдиган, у дунёдан ўтгандан кейин ҳам халқлар қалбида, замонлар достонида абадий сақланадиган чинакам гўзаллик эканини англаймиз. Шунинг учун биз гўзал инсон ҳақида ҳаёл қилганимизда, меҳнат — ҳаётининг энг зарур эҳтиёжига айланган киши кўз ўнгимизга келади. Ўртага ҳаммага маълум шиорларни ташлаб кўкрагига мушт уриб мақтанган одам эмас, ҳар кун, ҳар вақт меҳнат бурчини камтарлик билан, керилмасдан, мақтанмасдан, вақтини бекор ўтказмасдан бажариб келган одам — чинакам гўзал одамдир.

Мана ўшандай гўзаллик тимсолидан бири.

Маннопжон Андижон яқинида, ўзининг жонажон колхозида бинойидек ишлаб юрарди. Уст-боши бут, қорни

тўқ, егани — олдида, емагани — ортида. Бир вақт партия, халқ ёш деҳқонларни чўлни обод қилишга чақириб қолди. Асрлардан бери қақраб ётган қарахт чўлга жон киритиш, уни мўл-кўл ҳосил беришга мажбур қилиш керак эди. Маннопжон партия чақирғига лаббай деб чиққан биринчи азаматлардан бўлди. У ҳиммат камарини боғлади-ю, «Ҳайт!» деб чўлга жўнади.

Бутун ёшлиги жонажон кишлоғининг серҳосил, сўлим пахтазорларида меҳнат гашти билан, истироҳат дамлари колхознинг меҳнат гуллатган боғларида, боғлардаги соя-салқинда завқ билан ўтган бу йигитни она тупроғини, хузур-ҳаловатини ташлаб саҳрога, гиёҳлар орасига кетишга ҳеч ким мажбур қилмаган эди. Уни виждони, одамийлик ҳиммати мажбур қилди, чунки партия, халқ ёшларни янги ерларни гуллатишга чақирган эди.

Асрлардан бери қақраб ётган ер бағри юмшоқ, илик эмаслигини, аксинча, уни тилга киргизиш, инсон эркига бўйсундириш — мўл ҳосиллар бердириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаш, ишлаш, яна ишлаш кераклигини, бу иш унинг йигитлик томирини узиб олса оларки, лекин бўш келмаслигини биларди. Маннопжон шу қийинчиликларни била туриб саҳрога келди, саҳрога келиб зўр меҳнат жангини бошлади.

У қўл урган эски саҳрода энди минг тонналаб «оқ олтин» териб олинаётгани, эркак ернинг эркак шарбати билан бол боғлаган аломат қовун-тарвузлар тилни ёраётгани, таърифи оламни тутган мевазорлар, поллизорлар маҳсули еганни дармон, емаганни армонда қолдираётгани ҳақида ҳар қанча гапирилса арзийди. Ахир, бу неъматлар кеча йўқ эди, бугун бор бўлди! Севгили халқимизнинг Маннопжон сингари меҳнатсевар ўғил-қизларининг олий ҳимматлари, улуғ меҳнатлари бор этди бу неъматларни!

Йигитлик кучининг гавҳарини, қалбида битган гули анбарини Маннопжон халқ меҳробига келтириб тўққан эди. Халқ бу олижаноб фарзандини бошига кўтарди. Уни СССР Олий Советининг депутати қилиб сайлади. Ҳукуматимиз эса Маннопжон Жалоловнинг ватан олдидаги меҳнат ютуқларини тақдирлаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди.

Бу юксак мартаба, олий ҳурмат сабабини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бусиз ҳам равшан. Фақат шуни айтишимиз керакки, маънавий гўзаллик — инсоннинг жамиятда тутган ўрнига, жамиятга муносабатига, коллектив орасидаги жонқуярлигига, меҳнатдаги фидокорлигига, ҳаётдаги ҳалоллигига жуда ҳам боғлиқ экани юқоридаги

мисолимиздан равшан кўринди.

Борди-ю, Маннопжон меҳнатдан қочиб, ота-онасининг ё опа-акасининг бўйнига зулукдай ёпишиб олса, шундай баланд мартабага эришармиди? Албатта, йўқ. Шу сабабли, Маннопжоннинг энг ёмон кўрган нарсаси — текинхўрлик, ишёқмаслик, нушхўрликдир.

Меҳнат билан суяғи қотган, меҳнати туфайли иззату ҳурмат кўрган ҳар бир ота-она боласининг ҳам меҳнат билан яшашини, меҳнат билан эл-юрт олдида шараф топишини хоҳлайди. Меҳнатни тоза ё «кир»га бўлиш нотўғри эканини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Шу сабабли ҳар қандай меҳнат, жумладан, идиш-товоқ ювиш, уй супуриш ва шулар каби майда икир-чикирлардан тортиб фазога учиш ҳам меҳнат. Ота-оналар буни яхши англайдилар. Шу туфайли болаларининг келажagini ўйлаб, уларни муштумдекларидан меҳнатга ўргатадилар. Тўғри гарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули ҳам шу. Аммо баъзи болалар рўзгор ишларидан ҳам бош тортадилар. Оталари ё оналари бирон иш буюришса, ота-оналарига шафқатсиз, бераҳм кишиларга, ҳатто қулдорларга қарагандай ўқрайиб, еб юборгилари келгудай бўлиб қарайдилар. Малол келиб, қўл учида қилган ишларидан ота-оналари норози бўлишса, узр сўраш ўрнига тўнғиллаб берадилар. Ота-она болаларининг меҳнатига ҳаммавақт ҳам муҳтож бўлавермас, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш — зиммаларидаги бурч эканлиги шундай йўл тутишга мажбур қилади.

Билмаганини билишни, ўргатилганини ўрганишни хоҳламаган қалтабин ёшларга қараб шоир деган экан:

Кимки ўрганишни ор билди,  
Ҳар қадамда ўзни хор билди.

Ота-она иш буюрганда, фарзанддан лозими уларга ўқрайиб қараш эмас, аксинча, буюрган ишларини ишқ-ҳавас билан, ҳалоллик билан бажаришдир.

Шу борада бир мисолимиз бор. Андижон районларининг бирида Садриддин К. деган киши идора хизматчиси бўлиб ишлайди. Идораларда ишлайдиганлардан меҳнат талаб қилинмайди, улар ишлаб чарчамайдилар, деб ўйлаш тўғри бўлмайди, албатта. Идораларда ҳам одамни чарчатадиган ишлар тўлиб-тошиб ётади. Лекин бу нарса фарзандни ота-онасига ёрдам бериш бурчидан озод этмайди.

Садриддин уйига идорадан кеккайиб келади-да, отасига ҳам, болалари билан ўралашиб қолган хотинига ҳам қараш-

майди. Кўпинча отаси ҳовлида ер чошиб ё ўтин ёриб тургани устига келади, аммо отасининг қўлидан ишини олмайди. Олиш у ёқда турсин; ақалли кўнгил учун: «Кўйинг, ота, ўзим қилиб қўяман» ҳам демайди. Безрайиб салқин сўрига чиқади-ю, чўзилиб «дам» олади.

Садриддиннинг фарзандлик шаънигагина эмас, одамгарчилик шаънига ҳам иснод келтирадиган бу хунук қилиғи хали ҳолва. У ўқиган, ўртамиёна билим олган одам. Отаси бўлса чаласавод. Қийин йилларда болаларини боқаман деб ўқиёлмай қолди. Ўғли ўзини билимли фахмлаб, отасини назарига илмайди. Ҳар икки гапнинг бирида: «Тушунмайсиз-да!» деб отасини ерга уради. Бу окпадар ўғил билмайдики, ўзи жеркиб, ерга ураётган кишиси — отаси!

Ота-онанинг саводсизлиги — уларни ҳурматга бўлган ҳақларидан маҳрум этмайди. Улар шундай табаррук кишилардир. Шунинг учун фарзанд ҳар қанча олим, ҳар қанча баланд мартабали киши бўлмасин — ота-онаси олдида ҳамини фарзанддир. Демак, фарзандлик бурчини унутишга ҳақи йўқ.

Садриддин ўзини жисмоний меҳнатда тобламагани, меҳнатнинг бу турига ёмон кўз билан қарагани учун отаси олдидаги фарзандлик бурчини ҳам эсдан чиқариб қўйди. Шу боисдан отасига худди бир маҳал бойлар мардикорга қиладиган муомалани қилади. Отасига иш буюради. Буюрган ишини отаси вақтида бажаролмаса, «Ҳали ҳам ивирсиб ўтирибсизми! Тезроқ қилинг-е!» деб ўшқиради. Лекин тезроқ қилиниши керак бўлган ишни тезлатишга ўзи ёрдам бермайди.

Шу муомаладан кўриб турибсизки, Садриддин фарзандлик бурчининг энг оддий шартини ҳам унутиб, отасини оёқ ости қилишдек гумроҳликдан тортинмайди. Бу эса ота тузини еб, тузлигини булғаш билан барабар энг оғир гуноҳлардан биридир.

Биз суҳбатимизнинг «Одамийлик» бобида янгиерлик Собирахоннинг ёмон қилиқлари тўғрисида гапириб эдик. Энди мукамалроқ тўхтаймиз. Собирахон эрининг топган-тутганини қоқиб олиб, уззукун магазинма-магазин юрармиш, пул сўраб эрига кун бермасмиш. Хўш, Собирахон нега бундай қилади? Нега у эрининг қадрига етмайди? Эри пешона тери билан топиб келган пулни нега жони ачишмай совуради?

Собирахонни магазинга қатнайди, деб айбласак нотўғри бўлади. Нимага десангиз, магазинлар одамлар эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Ўз иши, оила аъзоларининг

иши билан магазинга қатнаган одамларда айб йўқ. Лекин Собирахон магазинга қатнашни эҳтиёжга эмас, касбга айлантриб юборган бўлса, буни ёмон дейиш керак. Мамлакатимизда неча юз минглаб аёлларимиз пахта далаларида, завод-фабрикаларда, ажойиб қурилишларда, илм-маърифат уйларида меҳнатсеварлик билан ишлаб турган, жамият бахт-саодати йўлида жонбозлик қилаётган бир пайтда бекор юриш, бунинг устига яна турмуш ҳаловатини бузиш кўп ёмон нарса.

Меҳнат билан яшаб, ҳаётни меҳнати билан яшнатиб келаётган одамларни ҳурмат қилиш, уларни бошга кўтариш, хордиқларини, маънавий ҳузур-ҳаловатларини ўйлаш — одамийликнинг энг биринчи шартларидандир. Собирахон буни тушунмайди. Шунинг учун тушунмайдики, у ўзи жамиятга, фойдали меҳнатга бош қўшмайди, оқибатда, меҳнатнинг қадру қийматини ҳам, у келтирадиган бахтни ҳам билмайди. Агар у нуқул магазинга эмас, атрофига, ён-верига қараса эди, давлат, хўжалик механизмини эркаклар билан барабар жонбозлик кўрсатиб юритиб турганлар аёллар эканини кўрарди. Аёллар меҳнати шавкатли меҳнат эканини англарди. Балки Собирахоннинг саломатлиги жисмоний ё ақлий меҳнатни кўтаролмас? Йўқ, Собирахон шу ёшга кириб, дард нималигини билмайди. Ундай бўлса, хунари йўқдир, иш билмас? Бирон ишга қўл урсам, эплаёлмайман, деб юраги бетламас?

Агар ваҳми шунда бўлса, бунинг ҳам давоси бор. Мана у:

Эртага қўлимдан иш келсин десанг,  
Келар, агар бугундан гамин есанг!

## А Х Л О Қ

Инсонни маънавий жиҳатдан гўзал қилаётган одамийлик ва меҳнатсеварлик каби сифатлар орасида а х л о қ шarti яна муҳим ўрин тутади. Одам боласи билими, тажрибаси, шижоати, ташқи қиёфаси билан ҳавас уйғотиши мумкин. Аммо ахлоқи бузук, хулқи ёмон бўлса, бу яхши сифатларнинг ҳаммаси икки чақа бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар ким (у хоҳ катта ёшда, хоҳ кичик ёшда бўлсин) одамлар назаридан қолмасликка, бирон ноҳўя ҳаракат ё хунук сўз билан ўзини бадном қилмасликка тиришади. Уни шундай қилишга ахлоқ шarti мажбур қилади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тузумнинг ўз мафкура-сини, кураш ва интилишини акс эттирадиган ахлоқи бўлади. Шунинг учун ахлоқни жамият ойнаси деб аташ мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда мавжуд ахлоқ билан капитализм дунёсида ҳукмрон бўлган ахлоқни таққосласак, булар орасида ер билан осмон қадар фарқ борлигини кўрамиз. Капитализм дунёсининг разолат чоҳига қулаган «ахлоқи» ёшларгагина эмас, ҳатто кексаларга ҳам пардасиз хулқ-атвор учун кенг йўл очиб беради. Бунинг сабабини капитализмнинг йиртқичлик табиатидан, «Бос! Ол!» асосига қурилган босқинчилик мафкурасидан қидириш керак.

Бизда эса ахлоқ бутунлай бошқа асосга қурилган. Жонажон партиямиз Программасида коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси алоҳида ўрин олган. Коммунизм қурувчиси жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиши, ижтимоий бурчни юксак даражада англаши, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик керак, деб таъкидланган. Биз бу ахлоқнинг ҳаётдаги тантанасига шоҳидмиз. Замондошларимиз, бир ёқдан, фидокорона меҳнатлари билан совет кишининг нималарга қодир эканини кўрсатсалар, иккинчи ёқдан, таҳсинкор ахлоқлари билан коммунизм кишининг маънавий гўзаллигини намойиш қилмоқдалар. Айниқса ёшлар мактабларига, ота-оналарига, ўртоқларига муҳаббатлари билан, яхши хулқ ва одоблари билан ҳаммага, хусусан, тенгқурларига ибрат бўлмоқдалар. Айни замонда меҳнат ва ижод майдонининг энг оғир соҳаларида жонбозлик, ватанпарварлик, одамийлик фазилатини кўрсатиб, жамият ҳурмати ва муҳаббатининг қайноқ илҳом манбаи бўлиб қолмоқдалар. Лекин, афсуски, шундай гўзал ёшларимиз, ажойиб фарзандларимиз орасида, каптарлар тўдасига аралшиб қолган қорашақшақлар сингари, бебошлар ҳам учраб қолади. Биз бундай бебошларни, очикроқ қилиб айтганда, бундай безориларни кўрганимизда, шубҳасиз, беҳузур бўламиз, уларнинг шоли орасида курмак бўлиб яшашларига бефарқ қарай олмаймиз. Партиянинг чақириғи билан неча ўн минглаб ёшлар мамлакатимизнинг янги, гигант қурилишларига ё одам оёғи тегмаган чўлларга бориб жонбозлик, чинакам ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб турган бир пайтда меҳнатни, гражданлик бурчини ўйламай, ўзларининг ақлий ва жисмоний кучлари билан муҳайё қилинмаган, ўз роҳатинигина кўзлаб, маишат кетидан қувиб юрган меҳнат қочоқлари учраб қолади. Биз уларнинг мана шу хил аянч аҳволга тушиб қолганлари сабабини қидиришга мажбур бўламиз.

Маълумки, инсон онадан ахлоқсиз ё безори бўлиб туғилмайди. Уни ё ижтимоий тузум, ё тор муҳит бузади. Бизнинг жамиятимизда эса одамнинг бузилишига на замин

бор ва на асос. Шунинг учун биздаги баъзи ахлоқсизлик, безорилик, текинхўрлик ҳоллари фақат тор муҳит таъсири остида сиқилиб яшаётган ярамас иллатлар бўлиши мумкин. Акс ҳолда, туппа-тузук йигит-қизларимиз ёшлиқдек катта давлатни беҳудага совурмасди, кўча-кўйда санқишни эмас, бирор хунаар ўрганишни; текинтомоқ бўлишни эмас, меҳнат билан яшашни; ота-онани қакшатишни эмас, рози қилишни ўйлар эди.

Мана шу ерда бир савол туғилади:

— Хўш, улар жамиятимизга ёт хулқ-атворни қайдан олдилар?

Ҳа, баракалла! Уларнинг хатти-ҳаракатлари чиндан ҳам жамиятимизга ёт. Буни саволнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Агар бугунги ёркин жамиятимизда ўша эски, занг босган урф-одат, эски тушунча ҳамон мавжуд бўлганда эди, айрим ёшларнинг бизни ажаблантирган қилиқлари кўзимизга эриш кўринмасди. Жамият илғор тушунчалар манбаи бўлиб қолгани учун ана шундай кир-гирдлар кўзимизга яққол ташланади, биз уларнинг пайдо бўлиш сабабини, йўқотиш йўлини қидириб қоламиз.

Ахлоқсизлик туғма иллат эмаслигини юқорида айтиб ўтдик. Шунингдек, бундай ёмон хулқ-атворлар табиий офат сингари осмондан ҳам ёғилмаслигини биламиз. Буларнинг асл туғиладиган, қўланса ҳид таратадиган жойлари бошбоғсиз оила, тор муҳит, маслаксиз, маъносиз жўралар улфатчилигидир. Бундай бебошлар ота-она тарбиясидангина эмас, жамият таъсиридан ҳам қочадилар. Ўзларини шу тахлит тутаверсалар, бора-бора ҳам ақлий, ҳам маънавий жиҳатдан майиб бўлишлари аниқлигини, жамиятга фойдали эмас, зарарли одамларга айланишлари мумкинлигини уларнинг ўзлари тушунмаганларида ҳам ота-оналари, ёру биродарлари, айниқса коллективи тушунмайди, деб бўлмайди. Тушунишади, аммо бунга ё парвосиз қарашади, ё талабчанликда бўшанглик қилишади. Шунинг учун бебош, ишқкмас, ахлоқи паст кишилар кўпроқ одамлар тақдирига, уларнинг бугунию эрталарига панжа орасидан қаралган жойларда учрайди.

Кишиларимиздаги ахлоқ социалистик жамият ахлоқининг тиниқ чашмасидан сув ичади. Шунинг учун кишилиқ ахлоқининг энг яхши намуналарини таналарига сингдираётган хулқи чиройли замондошларимизни чашмадан оқиб чиққан тоза сув десак, ахлоқ йўлидан тойган, адашган, хулқи бузуқларни лойқа томчилар деб айтишга мажбурмиз. Биз бу суҳбатимизда чашмадан жўш уриб чиқаётган катта сув тўғрисида гапириб ўтирмаймиз, бусиз ҳам у

хаммага маълум. Лекин ана шу тоза сувни булгаш қасдида бўлган лойқа томчилар тўғрисида икки оғиз гапирмай ўта олмаймиз.

Жиноятлар одат тусига кириб қолган жойларда ўғрилик, ҳаромхўрлик, бузуқлик ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Аммо бундай нарсалар учрамайдиган ё камдан-кам учрайдиган жойларда эса кичик бир ҳодиса катта шов-шувга сабаб бўлади. Ана шундай шов-шув бурноғи йили Наманганда бўлиб ўтди.

Мамадали Икромов «Ленинград» колхозига раис қилиб кўтарилган дастлабки кунларида анча тер тўкиб ишлади, колхозни моддий ва маданий томондан хийла кўтарди, деҳқонларнинг маиший аҳволлари ҳам унча-мунча яхшиланди. Пастдан юқори — ҳамма ундан хурсанд эди. Аммо бу хурсандлик қанотини Мамадалининг ўзи синдирди. У нафс балосига муккасидан кетди-ю, тоза чашмадан қайрилиб, лойқа томчига айланди. Колхоз боғи ва полизининг бутун даромади унинг Юхо табиат жиғилдонига келиб тушаверди. Қоп-қоп ўғирлик пуллар, кўзларни қамаштирадиган ярқироқ «Волга»лар бу нафс бандасини ҳовлиқтириб юборди. Олий Советга депутатлигини ҳам, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлигини ҳам қадрламай қўйди. Шундай улуғ мартаба, шундай буюк унвон юзига оёқ босиб, Мамадали бузуқлик кўчасига кириб кетди. Ҳар иккида бир ўшқириб: «Мени ҳеч ким тергаёлмайди! Қўлим узун, чўзсам ойни узиб оламан!» дея, ахлоқсизлик, бузуқликнинг энг қоронғи кўчаларида адашиб юрарди. Оқибат, ҳақ йўлига қарор топди. У ўзини юксак мартабага кўтарган халқ юзига ношукрлик билан оёқ босган эди, халқ уни гирибонидан тутиб пастга туширди. Мана энди Мамадали депутатлик ҳам, қаҳрамонлик унвонидан ҳам айрилиб, қилмишининг жабрини тортиб ўтирибди.

Биз бу мисолни бежиз келтирмадик. Ҳар биримизнинг суянчиғимиз, меҳрибонимиз, ҳатто балоғадонимиз халқ экан, халқ ҳурматини қилиш — бурчимиз, шарафимиз, фарзандлик қарзимиздир. Кимки буни унутибди ё писанд қилмапти — пушаймонлик жабрини Мамадалидан сўрасин.

Гоҳо ахлоқ табиатига бегона қилиқлар ҳам учраб қолади. Буларни сохталик ё риёкорлик деб аташ мумкин. Масалан, баъзи бир хил одамлар бошқалар кўзларида ўзларини яхши қилиб кўрсатишга, яхши одамга хос ҳаракатлар қилишга тиришадилар. Агар бу ҳаракат одам табиатидан, доимий одатидан, танасига сингиб кетган ахлоқидан келиб чиқмаса, у ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмайди, аксинча, бундай муомала ўз эгасини бир кун эмас, бир кун шарманда

қилади. Одамнинг асили биров кўриб турганда бир хил, кўрмаганда бошқа хил ҳаракат қилмайди. Аксинча, қиладиган жамики ҳаракатини бошқалар учун эмас, ўзи учун, ўз виждони учун қилади. Улуғ мураббий А. С. Макаренко: «Одам боласи биров ўзига қараб, сўзига қулоқ солиб турганда, уни мақташлари мумкин бўлганда эмас, ҳаммавақт тўғри ҳаракат қилиши керак», дейди.

Хўжақўрсинга қилинадиган ҳаракат эса одамни бора-бора иккиюзламачи, ёлғончи, сохта қилиб қўяди. Шу ҳақда бир мисолимиз бор.

Исломжонга сувоқчилик ота касб. Отаси бу касбга сабаби тирикчилик деб эмас, санъат воситаси деб қарар, шунинг учун уни ҳамма Расул сувоқчи демай, уста Расул ё Расул наққош деяр эди. Исломжон ҳам отасидан бу санъатни жуда яхшилаб ўрганди. У суваган уйни отасининг қўлидан чиққан уйдан фарқ қилиб бўлмасди. Йиллар ўтган сари Исломжоннинг таърифи кўп усталарни сояда қолдириб кетди. Унинг остонасидан ҳожатмандлар оёғи узилмас, Исломжон ҳам чақирилган жойдан қолмас эди. У маҳаллар кексайиб қолган отаси қанотида эканида бир кунда қиладиган ишини энди бир неча соатда чаплаб ташлайдиган хунар чиқариб олди. Сувоқнинг қанақа бўлишига унча фаҳмлари етмайдиган одамлар ишини қилаётганда газчўп ишлатмасдан, андава билан наридан-бери, гадири-будир суваб қўяр эди. У санъатга одамда яшаш, яхшиликка, гўзалликка интилиш иштиёқи туғдирадиган пок нарса деб эмас, бир нималик бўлиб қолиш, бир нима юлиб олиш воситаси деб қарагани учун қўли пастлаб кетди. Натижада ҳожатмандлар остонасидан ариди, билмай ишлатганлар эса юлғичлигидан қойиди. Қисқаси, Исломжон халқ назаридан қолди. Чунки у ахлоқнинг энг зарурий шартларидан бири бўлмиш ҳалолликни эсдан чиқариб, ҳаромхўрлик йўлига кириб кетди. Энди уни ҳеч ким уста Ислом демайди, ҳатто Ислом сувоқчи ҳам демайди, Ислом халтура дейди!

Мен бошқа бир устани танийман. У киши Ислом халтуранинг тамом тескариси. Мен бир маҳал янги солган уйим хоналарининг шифтларига фанер қоқтирмақчи бўлиб, бир кекса устани уйимга бошлаб келдим. Танишдик. Исм-шарифлари уста Фулом экан. Мен қилинадиган иш ҳажмини кўрсатиб, хизмат ҳақи қанча бўлишини сўрадим. Фулом ака қулдилар.

— Ишни кўнглингиздагидек қилиб бероламанми — йўқми, буни ҳозир ўзим ҳам айтолмайман, сиз ҳам билмайсиз. Шунинг учун байлашмаймиз. Мен ишимга қараб

сўрайвераман, сиз бўнак қилиб бераверасиз. Ишимга ярашасини олганимдан кейин «бас» дейман, сиз ҳам бас қиласиз,— дедилар.

Бу ажойиб одамнинг таңтилиги мени ўзига ром қилиб қўйди. Мен устанинг мухлиси бўлиб қолдим. Танимаган ё чала таниган одамига худди ўзига ишонгандек ишониши у кишининг асил одамлигидан далолат берарди. Иш қарийб бир ярим ойга чўзилди. Бу орада бир неча бор ёнига келиб ўтирдим. Лекин бирон марта шошганини, ишни кўл учида қилганини кўрмадим. Ниҳоят, иш битди. Аммо ишни мен хаёл қилгандан орттириб, бениҳоя чиройли қилиб битирди.

Хайрлашиш дастурхонимиз йиғилгандан кейин устанинг мўмин кўзларига тикилдим. Зийрак одам бу боқиш маъносини дарҳол тушунди.

— Биз сиздан қарз бўлиб қолмаган бўлсак, берган нон-намагингиз учун шукр,— деди уста икки қўлини кўксига босиб. Кейин олижаноб киши табассуми билан жилмайди.— Сиз биздан қарз эмассиз, олганларимиз бас, қуллук.

Мен ханг-манг бўлиб қолдим. Менинг ҳисобимда бу кишига яна беришим керак. Ё билмасдан хафа қилиб қўйдимми? Аразлаяптими?

Бу ваҳм мени кўрқитиб юборди.

— Қандай бўлди, Фулом ака? Мен ахир яна камида...

— Камида-памидаси йўк, домулла, шунинг ўзи бас, ортиги гуноҳ бўлади,— деди у, узр-да, дегандек қўлини кўксига босиб.

Бу одамнинг ҳалоллиги ягона ё нодир ҳодиса бўлмаса ҳам мен у кишини ҳали-ҳали миннатдорчилик билан эслайман.

Биз маънавий гўзалликнинг айрим моддалари ҳақида қисқача фикр-мулоҳазалар юритдик. Бу ҳали кифоя эмас, чунки инсон мазмунида бўлган яхшиликларнинг ҳаммаси — гўзаллик сифатидир. Шу учун одамийлик ҳақида, меҳнат-севарлик ҳақида, одоб-ахлоқ ҳақида, фарзандлик, ота-оналик бурчлари ҳақида, қайси ҳақда гапирмайлик, ҳамма гап гўзалликка бориб тақалади.

Эндиги гапимиз одамийликнинг бошқа тармоқлари устида боради.

## МАДАНИЙЛИК

Бу суҳбатимиз ҳам моҳияти эътибори билан юқоридаги суҳбатларимизнинг мантиқий давомидир. Нимага десангиз, маданийлик, ширинсуханлик, кўнгилхонлик инсон хуснининг шартларидандир. Буларсиз инсонда на гўзаллик бору ва на абадийлик. Дарҳақиқат, ҳар бир одам хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, юриш-туриши, ўзини туттиши, демак, маданий савияси жиҳатидан эл орасида ё яхши, ё ёмон ном колдиради. Хурмат билан тилга олинишига ҳам, нафрат билан юз ўгирилишига ҳам одамнинг ўзи сабабчи. Одам боласи эса дунёга фақат яхши отлиқ бўлиш учун, яъни яхши фазилати, адолати, маданияти билан бошқаларга ибрат бўлиш, бошқаларни яхши йўлдан эргаштириб бориш учун келади.

Яхши фазилат шундай улуг нарсаси, уни одам ҳаётининг маънавий хазинаси деса бўлади. Бу хазинада инсон хуснининг дурдоналари сақланади. Бу дурдоналарни ҳар бир одам ўзи битта-биттадан териб, хусн хазинасига келтириб тўкади. «Инсон» деганда биз шу маънавий бойлик хазинасининг ажойиб соҳибкорларини тушунаемиз.

Маълумки, одам боласи асосан якка-ёлғиз туғилади. Лекин умрини жамият ичида ўтказади. Бу эса одамнинг хатти-ҳаракати, туриш-турмуши эл кўзида бўлади; яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам, ҳатто босган ҳар бир қадамини ҳам эл кўриб туради, деган сўз. Бундан чиқди, элнинг қарғишини эмас, элнинг олқишини ўйлаш, эл ичида қарға бўлиб ажраб эмас, эл ичида кабутар бўлиб бирга яшаш керак.

Эл орасида одам қаддини расо қилиб туттирадиган фазилат дурдоналаридан бири маданийликдир. Одамда шу яхши фазилат бўлмаса, у ҳар қадамда қоканиши, эл назаридан қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун маданийликка фақат ва фақат ўқиш, билим олиш йўли билангина эришилади, деб бўлмайди. Тўғри, илму маърифат маданийликни ортттиради, мустаҳкамлайди, лекин бирдан-бир шарт бўлиб қолмайди. Шунинг учун маданиятни

одамнинг олган илмида, кийган кийимида деб тушуниш нотўғри бўлади.

Ўрта ё олий мактабни битириб чиқиб диплом олиш, суюқтабиат ота-онанинг арзанда қизи ёки калтафаҳм бой-вачча куёвнинг бошидаги «ёруғ юлдуз» бўлиш, қимматбаҳо кийимларга бурканиб, такинчоқлар ичида ярқираб юриш мумкин. Лекин бу сифат одамнинг ички дунёсига, маънавий дунёсига муносибми? Усти шунчалар ялтироқ бўлса-ю, ичи куз япрогидек қалтираб турса, дастурхони йиғиштирилмаган, идишлари, кирлари ювилмаган, уйи супурилмаган, ул-буллари ҳар ерда сочилиб ё моғор босиб ётган бўлса-чи? Одам деган буларга қарамаса ёки буларни тартибга солиш ғамини емаса, уст-бошига, мавқеига ярашадиган гап қилмаса, кўча-кўйда, одамлар орасида уялмасдан шанғиса, бировнинг ғийбатини қилса, эри ё хотини ёнида туриб ҳаёт замбилини бирга кўтаришмаса, бундай одамни маданиятли деб бўладими? Зинҳор, йўк.

«Маданият» магазинда сотилмайди, шунингдек, етуклик шаҳодатномасига ёки дипломига «Бу киши маданиятли» деб ҳам ёзилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган ўрни, меҳнати, одамияти, хулқ-атвори беради. Афсуски, ҳаётда маданийликнинг нима эканини тушунмайдиган одамлар унча-мунча учраб туради. Бундай кишилар умри кишлоқда пахта етиштириш билан ё завод-фабрикаларда моддий бойлик яратиш билан банд бўлган оддий одамларни олий маълумотлари йўк деб назарларига илмайдилар, уларни «маданиятсиз» деб аташ ўтакетган нодонлик эканини фаҳмламайдилар. Холбуки, бундай оддий одамлар билан гаплашсангиз ёки уйларига кирсангиз, саранжомликни, одобни, ширинсуханликни, очиккўнгилликни, одамшавандаликни кўрасиз-у, буларни «маданиятсиз» деб камситганларнинг ўзлари маданиятсиз одамлар эканига ишонасиз.

Ҳаётнинг ичига кирган киши, эл ичида бўлиб, эл билан юрган киши халқимизнинг ажойиб маданиятини кўрмай, бу инсоний маданият неча асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётганини пайкамай иложи йўк. Биз Фарғонада кўп ажойиб одамларни, уларнинг тотув, маданиятли оилаларини кўриб, тасанно ўқидик. Охунбобоев районида коммунистик меҳнат хўжалиги номини олган «Коммунизм» колхозида бир қанча оилаларда меҳмон бўлдик. Бибисора яқинда куёвга чиқибди. Ўзи пахта пайкаларида зўр ғайрат билан ишлайди, эри трактор ҳайдайди. Бу оиладаги аҳиллик, қайнона билан келин ўртасидаги бир-бирига ғамхўрлик, тотув ҳаёт одамни ҳайрон қолдиради. Келин қайнонасига тумшаймай-

ди, қайнона келинига ўқраймайди. Ҳаёт ширин. Ҳаётни ширин қилган тил ундан ширин. Хўш, мана шундай оилаларни, кўнгли оқ, тили ширин одамларни олий маълумотлари йўк, шунинг учун маданиятсиз деб бўладими?

Гап маданият ё маданийлик устида борганда, ҳозирги баъзи ёшларнинг бир бемаъни асовлиги ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Одамнинг ўз она тилисига бўлган меҳру муҳаббат ва ҳурмати, ўз тилини қанчалик билиш-билмаслиги ундаги маданийлик даражасига ўлчовдир. Маданиятнинг том моҳиятини тушунган, яъни маданийлик қонун-қоидалари танасига сингиб кетган ҳар бир одам ўзи гапирган тилнинг софлиги, тантанаси учун ҳаммавақт жон қуйдиради. Бундай одам русча гапирётганда — рус тилининг, ўзбекча гапирётганда — ўзбек тилининг софлигини сақлайди. Маданиятнинг нима эканини англамаган, ўз она тилини кадрламаган латтафаҳм, савияси паст одамгина русча гапириб туриб ўзбекча сўзларни, ўзбекча гапириб туриб русча сўзларни аралаштиради. Бу эса ҳар иккала тилни бузиш, иккала тилнинг юзига оёқ босишдан бошқа нарса эмас! Аслида бундай шудсиз ямоқчиликка Пушкин ва Лермонтовни, Горький ва Маяковскийларни шараф аршига кўтарган улуг рус тили ва на Навоий ва Бобирни, Муқимий ва Абдулла Қодирийни дунёга танитган ўзбек тили муҳтож. Иккаласининг ҳам бунақа диди бузук, қилиғи совуқ маҳмадоналарга эҳтиёжи йўк! Рус тилининг ҳам, ўзбек тилининг ҳам ўзига хос фасохати, жуда нозик нафосати бор. Бу тилларда ҳар қандай фикр ва мулоҳазани жуда чиройли қилиб билдириш, ҳар қандай лавҳа ва манзарани одам ҳушини оладиган қилиб тасвирлаш мумкин.

136-мактабнинг муаллимаси М. Ҳожимқулова «Тошкент оқшоми» газетасининг 67(222)-сонида она тилига ҳурмат масаласини кўтариб чикди. У шу мақоласида: «...Кўпинча ўзбек йигит-қизлари ярим русча, ярим ўзбекча қилиб, ҳар иккала тилнинг ҳам ҳуснига доғ тушириб келаётганларининг гувоҳи бўласан киши. Нима, улар ўзбек тилини билишмайдимми ёки ўзларини маданиятли қилиб кўрсатмоқчиларми? Балки улар атрофидагилар рус тилини билишмайди, деб ўйлашар? Кўпчилик нафратини кўзғатиб, икки тилни бузиб гаплашиш бу ўта маданиятсизлик эмасми?» деб ёзади.

Дарҳақиқат, бир тилда тоза гапиролмаган ё тоза гапиришни менсимаган одамни асло маданиятли деб бўлмайди. Гапнинг қисқаси, маданиятли бўлиш учун одамга фақат билим, кийим, такинчоқ, яхши рўзғорнинг ўзигина кифоя эмас, шулар билан бирга яна ширинсўзлик, тозалик, саранжомлик, оғирлик, ҳаққониятлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик



ва энг мухими, ўз она тилига муҳаббат ва унинг софлигини сақлашга ҳаракат ҳам зарурдир. Одам боласига сув, ҳаво, куёш қанчалик зарур бўлса, унинг чинакам инсон бўлиб яшаши учун ҳам ҳусн хазинасининг мана шу дурдоналари шунчалик зарур. Хулоса қилиб айтганда, маданият — одамча яшашу одамча ишлашда, одамча ўйлашу одамча сайлашда. Ана шундай сифат ва фазилат эгаларини, яъни улғу инсоний маданиятга эришиш учун ўзида вақт ҳам, куч ҳам топган кишини чинакам маданиятли деса бўлади.

## ШИРИНСЎЗЛИК

Дағал, совук гапирадиган, оғзига ёмон сўз оладиган одамни маданиятли деб бўлмаганидек, тилидан бол томиб турган ширинсўз кишини ҳам маданийлик шарафидан маҳрум қилиб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда, айниқса бизнинг социалистик жамиятимизда одам одамсиз яшай олмаганини кўз ўнгимизга келтирсак, ширинсўзлик нақадар зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади. Маълумки, совет кишилари эски дунё фалсафасини ағдариб ташлаб, одамлар муомаласида янги давр очди. Бу инсонпарварлик даврида: «Одам — одам бўриси эмас, одам дўсти», дейилади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги фаровон ҳаётимизга, кишиларимиз чехрасида чараклаб турган бахт нурига разм солсак, буларнинг ҳаммаси халқларимиз дўстлиги, одамларимизнинг бир-бирларига меҳрибонлиги, одамшавандаллиги орқасида раванқ топаётганлигини кўрамиз. Агар «Қарға қарганинг кўзини чўқимайди» дейилган мақол «Одам кўзини одам ўяди» дейилган ақидага таққос этилса, бу гаплар инсон шаънига шафқатсиз бўҳтон бўлганлиги аниқланади.

Бу хулосани ўқиган киши: «Ажабо, ўтмишда инсонпарварлик ҳисси йўқмиди? Ҳамма бир-бирининг кўзини ўярмиди?» деб савол бериши мумкин.

— Йўқ: инсонпарварлик ҳисси, яъни гуманизм ҳамма вақт бўлган. Фақат жамиятда ҳукм сурган тенгсизлик, табақаланиш — одамларни бир-бирларига бўри, бир-бирларининг кўзларини чўқийдиган кузғун қилиб қўйган. Бой камбағалга ачинмасди, кучли кучсизни аямасди. Улар ўз нафс балолари, ўз хузур-ҳаловатлари учун бўри бўлиб одамларни сийшдан, кузғун бўлиб кўзларини чўқишдан тойишмасди. Демак, халқларда оғизлардан оғизга ўтиб келаётган ҳар қандай мақол, жумладан, инсон кадр-киймати ҳақида айтилган юқоридаги мақол ҳам ўз замонасининг ижтимоий муҳитини акс эттиради. Бой билан камбағал,

ёзувчи билан эзилувчи тамом йўқотилган, одамлар миллатидан, ирқидан, динидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқда баробар бўлиб яшаётган бизнинг социалистик ватанимизда одам одамнинг чинакам дўсти бўлиб қолди.

Гоҳо одамлар муомаласида учраб қоладиган дағаллик таъбимизни кўп хира қилади. Баъзилар бу дағалликни кўриб, сабабига тушунолмаб, ҳайрон бўладилар. Бунинг сабаби равшан. Бу ҳам эскилик сарқитларидан бири. Эски дунёда яшаш учун жуда қаттиқ курашиш, курашиш учун эса қўлдан келганини қилиш керак эди. Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажанглик туғдирар, муомалада пардани кўтарарди. Қорни оч, усти юпун, ҳуқуқи поймол қилинган киши баъзан ўзини тутолмай бошқаларга ташланар, оғзига келганини бўғзидан қайтармай ўшқирар эди. Ҳақ гапни айтганда, бундай аҳволга тушиб қолганликлари учун одамларнинг ўзлари эмас, ўша замон, ўша тузум айбдор эди. Бу ўринда капиталистик дунёда бойлик орттириш, очкўзлик, зикналик билан ҳар қандай ҳақоратдан қайтмайдиган корчалонларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу сабабли биз баъзан орамизда учраб қоладиган бетайинликни, қўполликни эскилик сарқити, эски замон иллоти деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир ҳаёт бутунлай бошқача. Ўзаро келишмовчиликларга, бир-бирлари билан қирқишишларга, ҳақсизлик, адолатсизликка ҳеч қандай ижтимоий сабаб йўқ. Демак, қўпол сўз, дағал муомала билан бошқаларнинг кўнгилларини оғритишга ҳам ҳеч қандай асос, ҳеч қандай баҳона йўқ. Агар одам одамга дўст бўладиган бўлса, дўст дўстининг жонини ҳеч қачон оғритмайди. Аксинча, дўсти бирон кайфият орқасида билмасдан дағаллик қилиб қўйса, дўст киши дағалликка дағаллик билан жавоб бермайди, балки ўртага тушган совуқликни яхши муомала билан йўқ қилади. Бошқача қилиб айтганимизда, уни ширин сўз билан ҳовуридан туширади. Бу ҳақиқат исботини ҳаётдан истаганимизча топишимиз мумкин.

Бир мисол. Фарғонада иккита дугона бор. Ёшлари қирқлардан ошиб қолган. Иккаласи ўрта мактабни бирга битиришди. Бири, яъни Эргашой Шукурова, барвақт турмуш қилиб, ўқишни давом эттира олмади. Иккинчиси — Каромат Турғунова эса медицина институтини битириб, дугонаси яшайдиган қишлоққа врач бўлиб борди. Илм даражалари ҳар хил бўлганига қарамай, бу дугоналар ўртасидаги ширинсўзлик, аҳиллик ёшликдаги тароватини йўқотмади. Кароматхон шаҳарда ўқиб юрган кезларида ўртага тушган айрилик ҳам бу ҳис ҳароратини пасайтирмади. Вақт топса

Эргашой, бўлмаса Кароматхон бир-бирини йўқлаб турди. Гапларига кулоқ солсангиз, хавасингиз келади. Бир-бирларига «ўртоқжон» деб муомала қилишади, ҳар гапда оғизларидан бол томизишади. Бир кун суҳбатлари терим долзарбидан кетди. Эргашой терим машинасининг мўъжизаларидан гапириб, қувончини ичига сиғдирилмасди.

Кароматхон билмасданми ё ҳазил қилибми:

— Махтанг-е, ўртоқжон! Жўякларда тўкилиб қолаётган шўрлик пахталарга жиндак жонингиз ачиса-чи!— деди.

У куздан бу кузгача меҳнат қила-қила қанчадан-қанча тер тўккан деҳқон учун бу қалтис ҳазил оғир ботиши табиий эди. Лекин Эргашой нафси ҳар қанча оғрса ҳам ўзини босди. Аввал бир оз бўзрайди-ю, кейин жилмайиб туриб, можарони ширин сўз билан ширингина ҳал қилди.

— Йўғ-е, нимага жонимиз ачишмас экан, ўртоқжон!— деди у очилиб.— Жуда ачишади-да. Жонимиз ачишгани учун машина кўпроқ бўлсин деймиз-да. Ўзингиз биласиз-ку, ўртоқжон, илгарилари қўлда териб улгурмас эдик, талай-талай пахталаримиз қор тагида қолиб, нобуд бўлиб кетарди. Энди, хайрият, унақа эмас. Жўякларда тўкилганини ҳам машинанинг ўзи йиғиштириб оляпти. Буёғидан ҳам хурсандмиз, ўртоқжон.

Кароматхоннинг ўрнида бошка бир жирраки дугона бўлса, албатта: «Сиз кабинетингиздан туриб кўрибсизу, биз йил-ўн икки ой далада юриб ҳам кўрмабмиз-да!» деяр эди.

Суҳбатдагилар Эргашойнинг одобидан, оғирлигидан, яъни дўстлик ипини узмасликка тиришаётганидан хурсанд бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам Эргашой дағал гап қилса, «дард» деганда «бало» дегувчи андишасиз кишининг муомаласини қилса, ўттиз йилдан ортиқроқ умр кўрган кадрдонлик ўйламасдан айтилган бир оғиз сўз қурбони бўлур эди.

Инсоф билан ўйлаб қаралганда, дағалликни оклайдиган бирор далил топилмайди. Нимага десангиз, дағал сўзнинг ҳам, ширин сўзнинг ҳам чиқадиган жойи — оғиз. Агар оғиз назоратсиз қолдирилса, таноби маҳкам ушланмаса, ундан дағал сўзгина эмас, ҳақорат ҳам чиқаверади.

Кўнгил кўп нозик нарса. У ўз табиати билан кўклам гулига ўхшайди. Салгина совуқ яйраб-яшнаб турган гулни нобуд қилганидек, жиндай дағаллик ҳам кўнгил жомини синдиради. Дунёда бирон инсон йўқдирки, кўнгил нималигини, кўнгил раъйи нималигини билмасин. У шундайки, ҳориганда — осойишталикдан ўзгасини истамайди, яйраганда — хафагарчиликдан қилчасини сиғдирмайди. У сал нарса билан ё кўтарилади, ё чўқади. Шу боисдан катта ҳам, кичик ҳам кўнгил табиатини англаса, унга озор етка-

задиган ҳар қандай сўз, ҳар қандай ҳаракатдан ўзини сақласа.

Афсуски, баъзи оилаларда кўнгил андишасини қилмайдиган одамлар учраб қолади. Эри ёки хотини ишдан бир оз кечикиб келса, ўртада шундай жанжал чиқадики, кечикиб келган томон қип-қизил тухматга қолади. Ҳолбуки, бундай пайтларда сўз қиличини яланғочламасдан, кечикиш сабабини ширин сўз билан сўраб билиш, агар кечиккан томон бирон дилисиёхликка учраган бўлса, унга тасалли бериш, кўнгил гашлигини кўтариш, юпатиш гамини еганга нима етсин! Баъзи одамлар бундай қилмайдилар, эр-хотинлик пардасини йиртиб ташлаб, кичик-катта болалари кўзида кирпичок бўладилар. Мана, ўзингиз кўринг:

... Раҳматжон тўртта боланинг отаси бўлибди ҳамки, хотинининг ўринсиз гиди-бидисидан кутулмайди. У молия идорасида ишлайди. Кўпинча маҳаллаларда уйма-уй юриб, олиқ-солиқ ишларини тартибга солиш билан банд бўлади. Баъзан уйига кечикиб, ҳориб-толиб келади-ю, хотинининг дағдағасига учраб, дунё кўзига қоронғи бўлади.

— Ҳой, Хадичахоним, унақа деманг, болалар олдида уят бўлади! Бекор хафа бўляпсиз, мажлис чўзилиб кетди. Ишонмасангиз, эртага ўзингиз бориб суриштиринг,— дейди Раҳматжон жанжални босишга тиришиб.

Эрининг андишаси, ётиқ-босиқ гапи Хадичахонимни бешбаттар жазавалантиради.

— Войдод! Бу мажлис ўлгурдан тўйиб кетдим. Кеча мажлис, бугун мажлис! Қачон тугайди бу ёлғон баҳона!

Эри хотинини жазавасидан тушириш учун совуқ сув келтириб тутади. Хотини итариб ташлаб, яна шанғиллашга туради. Раҳматжон кеча ҳам, илгари куни ҳам уйга барвақт келганини, мажлис ойда бир ё икки мартагина бўлишини айтса ҳам, хотинжон эрининг гапларини инobatга олмайди, тинмай чинқиради, кичқиради, болалар беандиша она шанғисидан кўрқиб бурчак-бурчакка яширинишади...

Ишдан ё мажлисдан чарчаб келган одамни жанжал билан қарши олиш нима-ю, ўлганини устига чиқиб тепган нима. Албатта, бундай оилада ҳаловат бўлмайди. Ақли тинмаган, турмушнинг пасту баландини билмаган, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган катта ёшдаги одам ширин сўзни ўзига фазилат ойнаси қилиб ололмайди? Ораси бузилган одамларни, айниқса, эру хотинни, ошна-оғайнини бир-бирига яна яқинлаштирадиган, ўрталарига яна тотувлик соладиган бирдан-бир таъсир қуроли ширин сўз, ширин муомала эканини эсдан чиқариб бўладими? Ахир, ширин сўз билан олам ширин, ширин сўз билан ҳаёт ширин!

Инсон умри жуда қисқа. Шу қисқа умрни ҳам дағаллик, бемаънилик, ярамас хулқ-атвор билан ўтказиш одамга жуда алам қилади. Қани энди, шу қисқа умр ширин сўз, ширин муомала, чиройли таъб-табиат билан ўтса, бунинг савобига ким етсин!

Шу ерда севикли шоиримиз Толиб Йўлдошнинг бир ажойиб рубойиси жилва тортиб келиб қолди. Мана ўқинг-чи:

Бир сўз билан ҳар киши  
Ўзлигини кўрсатар,  
Сўз гавҳарин кўпинча  
Доно олар, кўр сотар.

Медицина олимлари инсон ҳаётини узайтириш соҳасида анча тажриба ўтказдилар. Улар шу илмий ишларида жанжалнинг умрга завол эканини аниқладилар. Бу хулосанинг қанчалик тўғри эканини яқинда бир табаррук зотдан ҳам эшитдик. Водил марказида Ҳожи ота деган бир хурматли кекса яшайди. У киши Шарқ мамлакатларининг қарийб ҳаммасида бўлиб, бахтини охир ўз ватанидан топган хуштабиат одам. Саксондан ошиб қолган Ҳожи отани Фаргона аҳлигина эмас, республикамизнинг жуда кўп атоқли одамлари хурмат қилади. Биз, у кишининг бетоб эканликларини эшитиб, кўргани бордик. Ҳали ажин тушмаган юзи навқирон йигитниқига ўхшаш тиниқ, кўзлари тетик — булар кўрган кишида ҳаёт нашъасини уйғотади. Шундай бўлса ҳам, докторга кўринганми-йўқми, сўрадик.

Ҳожи ота текис қилиб тарашланган оппоқ соқолини аста силаб жуда ёқимли кулимсиради.

— Ҳа, кўриндик, — деди у киши тагдор қилиб.

— Ундай бўлса, дори ёзиб бергандир?

— Ёзиб берди.

— Истеъмол қиляптиларми?

Ҳожи ота кекса бошини чайқади.

— Бизга керакдиси дорихонада топилмас экан, — деди у яна боягидай тагдор жилмайиб.

Биз ҳайрон бўлдик.

— Наҳотки?

Ҳа. Бизга ичиладиган ё қап отиладиган дори тўғри келмайди.

— Омиладигани керакми?

Ҳожи ота яна бошини чайқади.

— Йўқ, бизга хушмақтлик дориси керак. Бизнинг доримиз шу. Қулсак — ҳам кўрмасак, хурсанд бўлсак — дард кўрмасак. Бизга шуниси кифоя.

Агар Ҳожи ота саксон ёшдан ортиб ҳам қирқ ёшли кишидай қирчиллаб турган бўлса, бунинг боисини хушмақтликдан, табиатидаги ширинсўзликдан, ширинмуомалаликдан қидиришга тўғри келар. Ширинсўзлик отахоннинг вақтини чоғ қилибгина қолмай, айни замонда жонига озиқ бўлиб, умрига умр ҳам қўшибди. Не ажаб, халқимизнинг ҳам бу ҳақда ўз ҳикмати бор:

Яхши сўз билан илон инидан чиқар,  
Ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар...

Кўриб турибсизки, ширин сўзнинг шарофатини халқимиз таърифидан орттириб ифода қилиб бўлмайди.

### КҮНГИЛХОНЛИК

Ҳар бир халқда бўлганидек, ўзбек халқида ҳам киши кўнглини кўтарадиган дилрабо сўзлар исталганча топилади. Фақат бу сўзларни ё қидирмаймиз, ё қидириб топсак ҳам назаримизга илмаймиз. Шунинг учун одамлар муносабатида, яқин кишиларимизга яхши тилак ё ҳамдardлик изҳор этиш пайтида кўп вақт соқовлик қилиб қоламиз. Кейинги вақтларда шундай сўзларнинг ўрни йўқлашиб қолган бўлса керак, одамлар орасидаги турли муносабатда қандай гаплар айтилиши кераклигини сўраб каминага хатлар келиб туради. Ана шу хатлардан бири Тошкент шаҳрининг Октябрь районида яшовчи хурматли Маҳкам Мансуровникидир. У киши ҳаммомдан чиққан ё овқат еб ўтирган одамга айтиладиган истак; касал ётган одамга ё яқини ўлган кишига билдириладиган ҳамдardлик қандай бўлиши кераклигини сўрабдилар. Бошқа бир мактуб эгаси эрталаб, кундузи, кечкурун, кечаси яқин одамларга изҳор қилинадиган истак сўзларини билгиси келибди.

Дабдурустан қараганда, бу ўринли саволларга дарров жавоб бериш қийиндай. Лекин ҳаётга, ҳаётий тажрибага мурожаат қилинса, ҳар қандай мушкулотдан қутулиш йўли топилади. Ҳар бир халқда ҳар қандай ҳолат ё ҳодисага жавоб топиладиган бой хазина бор. Бусиз илож йўқ. Масалан, ҳаммомдан ювиниб чиққан кишини руслар «с лёгким паром!» деб табриклайдилар. Хўш, буни ўзбекчада қандай дейиш керак? Наҳотки ўзбек халқида шунга муносиб ибора топилмаса?

Бу саволга жавоб беришдан олдин баъзи ёшларимиз бетига соладиган катта таънамиз бор. Ўз тилининг бой

имкониятидан фойдаланиш, уни ҳар дам, ҳар соат саводли ибора, чиройли сўз билан бойитиш ўрнига, Тошкент телестудиясининг спорт баёнчиси Файзулла Баҳодировга ўхшаш, ўз она тилисини бағритошлик, фаросатсизлик билан поймол қилиш — баъзи диди паст, бепарво ёшларимизда тез-тез учраб турадиган ёмон қилиқ бўлиб қолди. Тил — дид ойнаси, дид эса маданийлик нишонасидир. Ҳақиқатан ҳам, бирон халқ йўқки, унинг тили маданий савиясидан паст бўлсин. Масалан, улуғ рус тилини олайлик. Бу ажойиб тилнинг ўз миллий табиатидан келиб чиққан темир қонуни бор. Ҳар бир рус кишиси, жумладан, рус тилининг ҳар бир мухлиси бу қонун олдида чин юракдан тиз чўқади. Уни бўлар-бўлмасга бузмайди, қайтага, яна ҳам бойитиш, яна ҳам чиройли, бежирим қилиш гамини ейди.

Биздаги тилтепар гумроҳлар-чи? Булар ўзларининг авомликларини, ўз тилида кип-қизил саводсизликларини «замона тили» деган баҳона билан хаспўшлайдилар. Ўз тилининг ҳам, бошқа ҳар қандай тил қатори, қонун-қоидаси, чиройли ифодаси, ўтмиши, ҳозирги, келажаги борлигини ўйламайдилар. Улар шу хунук қилиқлари билан ўз халқининг, айниқса совет даврида жило топган чиройли тилига, замонасининг юксак маданий савиясига тухмат қилаётганларини англамайдилар. Замона — ҳар қандай ярамас қилиққа йўл қўйверади деган ландахур сўфи эмас, аксинча, ҳар нарсада, ҳар масалада талаби юксак назоратчи. Ўз тилининг кадр-қимматини, бой имкониятини билмаган кишилар русча иборани кўп нўноқлик билан «таржима» қилиб ишлатадилар. Мана, қулоқ солинг, «Пахтакор» стадионида ўйин кетяпти. Радио қулоғида Файзулла:

— ...Тўп билан Абдурайимов... ва унинг оёғидан тўпни Хусаинов эгаллаб олди. Дарвозадан эркин тўпни Пшеничников тегиб ўйинга киргизади... Гол! Йўқ, ошибка, тўп дарвоза ёнидан чиқиб кетди. Ва бурчакдан тўп тепишни Красницкий бажаради...

Шўринг курғур баёнчи ўзбекча гапиряпман деб хаёл қилса керак. Лекин унинг оғзидан чиққан бу тарқоқ сўзлар нўноқ «таржима»дан бошқа нарса эмас. Мана унинг русчаси:

— Абдураимов с мячом... и из-под ног его забрал Хусаинов. Пшеничников введет мяч в игру свободным ударом. Гол! Нет, ошибка, мяч прошел мимо ворот. Теперь удар с угла осуществит Красницкий...

Буни таржима қиламан деб ўзини ҳам қийнаб, тингловчиларни ҳам ғазаблантириб ўтирмасдан тўғридан-тўғри

ўзбекча гапираверса бўлмайдими? Сохта тил билан соф дилларни вайрон қилиш кимга зарур келибди. Агар Файзуллада китдай андиша бўлса, тилини бураб деярди-қўярди:

— Тўп Абдурайимовда. Эсиз, оёғининг остидан тўпни Хусаинов олиб қўйди. Дарвозадан эркин тўп тепилади, Пшеничников тепади. Гол! Йўқ, хато кўрибмиз, тўп дарвоза ёнидан ўтиб кетибди. Энди тўп бурчакдан тепилади, Красницкий тепади...

Энди навбат юқоридаги савол жавобига. Рус тилидаги бу ширин табрик Файзуллага ўхшаган ёшлар оғзидан чиқса, албатта бузилиб, «енгил буғ билан» шаклида «таржима» бўлиб чиқарди. Улар шу кепатага киритиб айтганларида бу чиройли иборанинг русчадаги бутун фасоҳати, бутун латофати ўзбекчада йўқолиб кетишини, мужмал, дағал, хунук шакл олишини ўйламайдилар. Ҳолбуки, халққа муурожаат қилсак, шундай пайтларда ишлатиладиган ибораларни ахтарсак, яъни жонимизни бир оз оғритиб меҳнат қилсак, кидирганимизни топамиз.

Кичик ёшдан тортиб то катта ёшдаги одамлар орасида чўмилмайдиганлар қарийб бўлмайдилар. Сувдами, сойдами, ҳаммомдами, ишқилиб, қаерда чўмилган ё ювинган бўлмасин, ана шундай одам чўмилиб ё ювиниб бўлгандан кейин, «Қушдай бўлдим», дейди. Бунинг маъноси — енгил торганини, қушдай енгил бўлиб қолганини билдиради. Демак, ҳаммомдан чиқиб келган кишини «Қушдай бўлинг», деб табриклаш мумкин экан.

Дуруст, баъзи инжиклар, ҳозирги ҳаётимизда бу хил шаклда табрикламайдилар-ку, дейишлари мумкин. Дейишса дейишар, лекин сиз билан биз ҳаётга олиб кираверайлик, уйимиздагилар олиб киришсин, ўртоқларимиз шундай дейишсин. Бир кун қарабмизки, бу ибора ҳам танамизга сингиб, яхши одат ҳукмига кириб кетибди.

Жойи келибди, ана шундай нолувчиларга бир ҳақиқатни эслатиб ўтмасак бўлмади: ҳозирги маданий ҳаётимиз шундай бой, шундай сермазмунки, назаримизда, ҳамма нарса азалдан бордек. Йўқ, биз ҳозир маза қилиб фойдаланиб келаятган нарсаларимизнинг жуда кўпи Октябрь инқилобидан илгари йўқ эди. Бу янгиликлар ҳозир ҳаётимизнинг маънавий таркибига сингиб кетди. Агар биз «Қушдай бўлинг» иборасини қўллаб бошласак, бу янги шакл ҳам ҳаётимизнинг қон-қонига сингиб кетади.

Овқат еб ўтирган одамга билдириладиган истак ҳам, юқоридаги табрик ибораси сингари, ҳануз ҳал бўлмаган. Қозоқ қардошларимиз шундай пайтда: «Тотти бўлсин!» дейдилар. Биз ҳам «Тотли бўлсин!» десак, мурад ҳосил

бўларди-ю, лекин халқимизда бу истакка ҳам ибора бор. Овқат еб ўтирган одамга «ош бўлсин», дейилади. Демак, энг маъқули шу иборага ўхшаб қолди.

Эрталаб, кундузи, оқшом, кечаси кўришганда ё хайрлашганда билдириладиган истаклар ҳам қолипга туширилиши лозим. Бундай ҳолларда иборанинг узайиб кетишидан кўрқиб, «хайрли эрта», «хайрли кун», «хайрли оқшом», «хайрли тун» деб ўтирмай, «эртангиз (ё сабоҳингиз) хайрли бўлсин», «кунингиз хайрли бўлсин», «оқшомингиз хайрли бўлсин», «тунингиз хайрли бўлсин», деявериш маъқул. Чўлтоқ бўлиб хунук бўлганидан, узун бўлиб чиройли бўлгани яхши.

Хурматли Мансуровни андишага солган иккинчи савол ҳам жуда ўринли. Диний ё илоҳий мазмунда қўлланиб келинган «Бандалик-да» ибораси ҳозирги замонимизга тўғри келмайди. Демак, аза устидаги одамнинг кўнглини топишга ярайдиган замонавий ибора керак. Буни ҳам яна халқ орасидан қидирамиз. Халқда: «Ўлим ҳақ, хафа бўлманг», дейилади. Худди шунга ўхшаш, бетоб ётган одамга: «Бахайр» (яъни хайрли бўлсин), дейилса — мурад ҳосил-да.

#### ФАРЗАНД БУРЧИ

Одамзод ўз ибтидосидан бошлаб ҳозирги кунгача бир ажойиб фазилатини ёруғ юз билан сақлаб келади. Бу фазилат — ота-она олдидаги фарзандлик бурчининг ҳар вақт, ҳамма ерда шараф билан бажарилишидир. Фарзанд, катта ё кичик ёшда бўлишидан қатъи назар, ота-онасининг хурматини, демак, хизматини қилади. Бундан ўзгача бўлишини тасаввур қилиш қийин, албатта. Шунинг учун қийинки, фарзандини не-не умид, не-не интизорлик билан бунёдга келтиргунча, не-не меҳнат, не-не машаққат билан уни вояга етказиб, халқ хизматиغا топширгунча ота-она юзларига ажин, сочларига оқ тушади. Отамисан, онамисан, заршунос шоир Толиб Йўлдошнинг фусункор тўртликларидан бирида айтилганидек:

Кичикларни катта қилгунча  
Кичик бўлиб қолар экансан.  
Дарё бўлсанг оққан хайқириб,  
Кечик бўлиб қолар экансан!

Шунинг учун ота-она олдидаги муқаддас бурчни осдан чиқариш ё бунга бепарво бўлиш — инсон шаънига жуда катта ҳақоратдир. Ана шу юксак ном билан бош кўтариб юрган ҳар бир инсон буни яхши билади, бунга ҳар қандай вазиятда ҳам риоя қилади.

Кўз қадрига етган одам уни ҳар чоғ хас-чўпдан асрайди. Чунки олам ҳусни жамоли шу кўзлар ойнасида жилваланади. Энди айт: сен папалаган шу кўзлар қайдан, кимдан? Биласан, билганинг учун ҳам ота-она қадрига етасан, фарзандлик бурчингни муқаддас англаб, унга доғ туширишдан, оқпадар ё онабезори бўлишдан кўрқасан. Асл фарзанд бурчини шу тариқа англайди. Лекин ота-она хурматини, уларнинг хизматини эл-кўй лаънатидан кўрқиб эмас, йўқ-йўқ, асло бунинг учун эмас, балки виждон даъватига қулоқ солиб, инсонлик қадрини юксак тутиб, оқкўнгиллик билан бажо келтириш керак. Одамлар ҳукмидан кўрқиб, малол келиб қилинадиган хурмат нима-ю,

қумга қурилган омонат қапа нима — бирининг умри жонга теккунча, иккинчисиники шамол тургунча.

Фозил инсонлар ақл дунёсининг тиракларидир. Дунёни ақли, идроки, билими билан мунаввар этиб келган улуг зотлар ҳам ота-она олдигаги таъзимларини қанда қилмаганлар. Мана Владимир Ильичнинг муҳожирликдан онасига ёзган хати:

«Меҳрибон онажоним! Маняша билан Анюталарнинг қамалгани тўғрисида яқинда сенга ёзган эдим. Яна гаплашгим келди. Ҳозир ўзинг ёппа-ёлғиз қолгандирсан, деб кўркаман...

Жон ойи, бир энлик хат ёзиб юбор, соғлигингни, кайфиятингни, янги хабарлар борми; Саратовда танишларинг борми — билай. Тез-тез хат ёзишиб турсак, балки унча зерикмассан...»

Улуг Ленин муҳожирликда, оғир аҳволда эканига қарамай, юртида ёлғиз қолган онасидан ҳол сўраб, кўнглини кўтариб туришни бошидан ошиб-тошиб ётган ишлари орасида ҳам эсидан чиқармасди.

«Дунёда шундай бир гўзал, азиз зот борки, биз ундан ҳамиша қарздормиз. Бу зот — онадир», деди Николай Островский. У шундай дебгина қолмади, оғир дард чангалида жизғанак бўлиб ётиб ҳам ўзини эмас, онасини ўйлади.

Мана у онасига нималарни ёзди:

«Меҳрибон онажон!

Хатларингни ҳаммасини менга ўқиб беришди. Сени озгина бўлса ҳам севинтирганим учун жуда шодман. Сен билан жиддий гаплашмоқчиман. Сендан илтимос қиламан, жон ойи, жуда ўтиниб илтимос қиламан, ҳатто талаб қиламан, ҳеч қандай оғир иш қилма. Такрор айтаман, ҳеч қандай оғир иш қилма... Энг муҳими — ўзингни асра. Сенинг саломатлигинг олдида ҳамма нарса ўтаверсин».

Ана шу онани шоир мадҳ этиб дейди:

Меҳр сути бериб, ўпиб, ардоқлаб,  
Бахт тўла қалби-ла бизни кучоқлаб,  
Тунлари эркалаб, айтиб аллалар,  
Қувончга сизмайин қилиб яллалар,  
Бошимиз устида доим соябон,  
Томиримизда қону танимизда жон,  
Учрасак дардга, дардимизни олган,  
Бахт йўлига бизни меҳр-ла солган,  
Онадек дунёда бормикан азиз,  
Она меҳри каби эзгую лазиз?!

Дарҳақиқат, дунёда онадан азиз, она меҳридан лазиз нарса йўқ! Тўққиз ой раҳмида кўтариб, кечалари уйку роҳатини, кундузлари ҳаёт ҳаловатини демай, иссиқ кўксидан обиҳаёт, ширин лабзидан болу новмай бериб бизни ўстирган, бизга жон берган, бизга тил, онг берган меҳрибон онадан табарруқ зот бўлиши мумкинми, ажабо? Ахир шу табарруқ зот:

Жигаргўшасин тушганин кўрса  
Зарра аламини, зарра хатарга,  
Айланур бағри шафқат, дили шерга,  
Қайтмас ҳатто йўлида ўт турса!

Чақалоқ тили шу табарруқ ном билан чиқар, инсон қувонган ё қайғурган пайтларида шу азиз сиймо кўз ўнгига келар экан; бола бошига қайғу-алам ё хавф-хатар тушганда, уни шу қайғу-аламдан ё хавф-хатардан қутқазиб учун ўзини ўтга ташлашдан қайтмас ё шер бўлиб олишидан тоймас экан, дунёда онадан яқин, онадан табарруқ нарса йўқ фарзанд учун!

Она муҳаббатини бизда «меҳр» дейдилар. «Меҳр» сўзининг қадимги маъноси эса «куёш» демакдир. Табиат куёш ҳарорати билан яшнаганидек, фарзанд ҳам она меҳри билан гулгундир. Тананга зирапча кирганда киприклари билан суғуриб оладиган — она! Кўзингга нам келганда, кўз ёшларини дарё қилиб қайғунгни тортадиган — она!

Мана шу табарруқ зотнинг фарзанд учун нақадар азиз эканини уруш йилларида яна ҳам равшан кўрдим.

Қишнинг қаҳратон совуқларида куёш бўлиб иситган, қоронги тунларида ой бўлиб ёритган, даҳшатли жангларда фарзандларини шер этган шу она, шу табарруқ зот бўлганини кўрдим.

Келинг, сиз ҳам кўринг. Жанглар, одатда, кунларга улашиб кетади. Лекин орада гоҳо қисқа сукунатлар ҳам бўлиб туради. Жанг майдонидаги сукунат — чопонини тесқари кийиб олган бузук ҳавода йилт этиб кетган кунга ўхшайди. Шундай пайтларда жангчи кўнгли равшанлашиб, эзгу тилакларга берилади.

Мен олдинги окоплардан бирига тушганимда, қорачадан келган бир солдат, эндигина қуйиб ўтган селда тиззагача лой бўлиб кетган окоп четига чўккалаб олиб, учи тиш билан чиқарилган тўмтоқ қаламни ғижим, четлари йиртиқ қоғозга қитирлатиб бир нималар ёзаётган эди. Тиришиб қалам юритишидан, ел қорайтирган кир юзида

сирли жилмайиш ўйнашидан: «Севгилисига!» деб ўйладим. Шу ғанимат фурсатда ҳордиқни эмас, ўзини ўйлатган, ўзига хат ёздираётган қиз жозибасига кўнглимда тасанно ўқидим. Йигит ўзи шу ерда бўлса ҳам, хаёли ўшанда эканми, лой шопиллатиб келаётганимни пайқамасди. Яқинида бир оз ўйланиб турдим. Мен уни мафтун қилган қизни, шу қизга бўлган муҳаббатини узоқ юртларда ҳимоя қилиб юрган азамат йигитни ўйлар эдим. Жангчиларимизнинг оғир меҳнатларини енгил қилган шундай ажойиб қизларимиз борлигини ўйлаб қувонар эдим. Бир маҳал солдат бошини кўтарди. Мени кўриб дарҳол ўрнидан турди. Ўнг қўлини чаккасига келтириб салом берди. Танишдик. Тошкентлик йигит экан.

Жанг меҳнатининг оғир машаққатида қорайган дағал қўлида меҳр-ла ушлаб турган қоғозга ишора қилиб:

— Оқопдаям-а! Роса юрагингиздан урган экан,— дедим ҳазил-мутойиба аралаш.

Йигит шамани тушунди. Юзига сезилар-сезилмас қизил югурди. Кейин кўзларини шукуҳ билан порпиратиб жилмайди-ю:

— Онамга,— деди.

«Уҳ!» деб юбордим. Мен бояги нотўғри ўйларим учун ўзимни койишим керак эди. Койидим, фақат кўнглимда. Агар эғнимда форма бўлмаса, ҳарбий қоида тақик этмаса, бу онаизорни кучоқлаб пешонасидан ўпар, таассурот ихтиёрига ўзимни таслим қилиб, кўзларимга ёш олардим. Тор, зах окопда, ажал ўқлари қаҳқаҳа уриб турган бир қарич ерда онани ёдлаган, она хотирини ўйлаган яхши фарзандни ўпиш у ёқда турсин, кўзга суртиш керак эди. Лекин мен унинг ҳамон бахтдан порпираган кўзларига ошқор бир тасанно билан тикилиб, юрагимни тўлқинлантирган ҳаяжон зўридан йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб туриб, фақат: «Кам бўлманг!» дея олдим. Овозим қалтираб кетди. Буни у ҳам сезди. Кўзларимга ҳайрат аралаш бир маъюслик билан қараб олгач, бирон нарса билан хаёлимни тарқатмоқчи бўлди шекилли, қўлидаги хатни авайлаб тахлай бошлади. Мен бу орада ўзимни бир оз ўнглаб олдим. Ўнғайсиз аҳволдан чиқиш учун зўр-зўракисига жилмайдим.

— Ойингизни соғинибсиз-да?

Йигитнинг кўзлари чакнаб кетди.

— Соғинмай бўладими? Она ахир...

Ҳа, она! Ҳар ерда мадакдор... совуқ тушса совуқдан, бўрон турса бўрондан, ўқ учиб келса ўққа кўксини қалқон қилиб фарзандини қазодан сақлайдиган балогардон!..

Мен улуғ инсон номига кўнгиладан мадҳимни ўқиб бўлмади, солдат бахтиёр киши севинчи билан юзимга тикилди.

— Хоҳлайсизми, сизга бир нарса кўрсатаман,— деди-ю, мендан жавоб кутиб ўтирмай, гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан сув ўтмас қоғозга ўроғлиқ бир нарса чиқарди. Қоғозни очди — комсомол билети. Муқовасидан танидим. Билет ичидан дорига ўхшатиб қоғозга ўралган бошқа бир нарсани олди. Қоғозни авайлаб оча бошлади. Мен бутун вужудим билан ҳайрат кўзларига айланиб тикилиб турдим. Йигит очилган қоғозни менга узатди:— Мана, ойимнинг сочларидан бир тола...

Мен табаррук нарсага қўл уришдан қўрққан, юраги эзгу ҳислар билан титраган киши ҳаяжони билан қоғозни олдим. Унда бир тола оқ соч кумушдек товланиб ётарди. Мен уни лабларимга келтирдим. Гўдаклигимда кўз юмган, мен меҳрига тўёлмай қолган азиз онамнинг табаррук сочларини ўпаётгандек жўшқин ҳарорат, оташин муҳаббат билан ўпдим, кўзларимга келтириб суртдим. Кўнглим бузилиб кетди, томоғимга бир нарса тикилди. Мен энди солдат олдида турган офицерлигимни, сочларига оқ оралаган катта ёшли одам эканимни унутиб, йиғи аралаш бир товуш билан:

— Қандай бахтки, дунёда она номли улуғ зот бор! Шу зот бор, шу табаррук инсон бор — фарзанд ҳамиша бахтли!— дедим. Ўз сўзимдан ўзим таъсирландимми, ўпкам тўлиб, бир неча минут жим бўлиб қолдим. Кейин:— Ойингизнинг ўзлари юбордиларми сочларини?— деб сўрадим.

Солдат кўзида яна бахт ўти чакнади.

— Ўзим сўраб олдим. Шу биргина тола билан ойимларнинг ўзлари ҳам ёнимга келиб қолгандай бўлдилар. Сочларини кўксимда... йўғ-е, жонимда сақлайман... тез-тез хидлайман... Ойимларнинг бўйлари келади.

Орадан қарийб чорак аср ўтибди ҳамки, она хурматини, она олдидаги муқаддас бурчини қонли жанглар оташида ҳам бажо келтирган бу ўғилнинг ёрқин хотираси ҳамон қалбимда чўғдай ёниб, кўз ўнгимда ёруғ сиймоси кўриниб туради. Мен уни эслаган сарим онага бўлган чуқур хурмати, эзгу муҳаббати билан она сутини оқлаб келган фарзанднинг бу чинакам инсоний фазилати халқ орасида унга хурмат тожи кийгазишини ўйлаб, танамга сигмай қувонаман.

Биз бу ўринда чорак аср илгари бўлиб ўтган ҳодисани мисол келтирдик. Энди шу кунларимизга мурожаат қилайлик. Мана бир мисол.

Техника фанлари кандидати Хусния Ризкиевани маҳалланинг каттасидан кичиги ҳурмат қилади. Ҳақ гапни айтганда, бундай ҳурматга сазовор бўлиш жуда катта бахт. Хусния бу бахтни қандай топди — буни эл оғзидан эшитамиз. Бирон қиз ё қизалоқ, бирон бола ё ўсмир ота-онасига бепарво бўлса ёки ота-онасининг гапини қайтарса: «Ҳой бола, Хусния опангдан ибрат олсанг-чи! Қара, онасини қандай ҳурмат қилади-я! Илмини айтмайсанми, вой, умридан барака топсин! Илмим ундақа, ўзим бундақа деб димоғ қилмайди!» — дейишади.

Тўғри, Хусния баъзи бўлмағур қизларга ё бебош ўғилларга ўхшаш онасини беҳурмат қилмайди, оғзидан гапини олмайди, ҳолидан хабар олмай ташлаб қўймайди, бирор муҳим иш қиладиган бўлса, «Онамдан нима ҳам маслаҳат чиқарди — ўқимаган, авом хотин бўлса!» деб ўзи билганича қилавермайди. Албатта маслаҳат солади. Мабодо онаси берган маслаҳатдан кўнгли тўлмаса, буни дарров юзига солмайди. Аксинча, оғир-босиқ туриб: «Ойижон, бундоғ қилсак қалай бўлар экан?» деб ўз кўнглидагини ўртага ташлайди.

Хусния яхши билади — фарзанд учун ота-онадек яқин, кадрдон, ғамхўр одам йўқ. Ота-онанинг бутун ҳаракати, ҳаётининг бутун ҳаловати, мақсади болаларининг бахтига қаратилган. Шунинг учун бўлса керак онаси Хусниянинг тилак-истакларига, солган маслаҳатларига ҳаммавақт ҳам қарши чиқавермайди, ҳаммавақт ҳам ўзиникини маъқуллаб оёқларини тираб туриб олмайди.

Ҳозир ўрни келибди — Хусния билан онаси ўртасида бўлиб ўтган бир можарони сўзлаб берай. Хусния олий мактаблардан бирини битириб, корхонага инженер бўлиб борганда, у ерда чилангарлар бригадасининг бошлиғи вазифасида ишлайдиган ўрта маълумотли Шодмонбек билан танишди. Хусния бу ёш ишчининг илмий савияси ўзиникидан пастр эканига парво қилмадими ё «Ҳали ёш, ўкиса менга етиб олиши мумкин», деб ўйладими, ҳар нечук, Шодмонбек билан астойдил гаплашиб юрди. Бу орада Шодмонбек уни, у Шодмонбекни яхшилаб ўрганди. Гап пишиб, қарор қатъийлашганда, Шодмонбек Хуснияларникига одам юбормоқчи бўлган эди, Хусния онаси билан аввал ўзи гаплашмоқчи эканини айтди.

— Ойим нима дейдилар — билмайман. Мабодо йўқ десалар, бир ёқдан, юборган одамларингиз хафа бўлишади, сиз хафа бўласиз, мен ёмон аҳволда қоламан. Иннайкейин, «Шунақа майлинг бор экан, мундоғ учини чиқариб қўй-мабсан-да, қизим!» десалар... — Хусниянинг андишаси.

Шодмонбекка ҳам маъқул тушди.

Лекин қизи бориб айтганда, онаси бирдан йиғлаб юборди.

— Тенгинг эмас, қизим! Сенинг илминг катта, уники кичик. Йўқ, тўғри келмайди. Умр қилиб кетолмайсизлар! Қиз боланинг эрга тегиши осон, лекин уй куриб кетиши қийин, жон болам! — деди онаси.

Онасининг гапларига Хусния куйиб-ёнмади, жаҳл ҳам қилмади. Фақат Шодмонбекнинг ёшлигини, олий маълумот олиши мумкинлигини ётиғи билан айтди.

Онасида бунга ҳам эътироз тайёр эди.

— Олий маълумотли эркалар чала ўқиган ё ўқимаган қизларни олишади. Бунақаси бўлади. Лекин олий маълумотли қизнинг чала ўқиган ё ҳеч ўқимаган кишига текканини дунё бино бўлиб ҳеч ким эшитмаган. Сен ўша йигитга тегсанг одамлар нима дейишади? Тенги топилмагандирки, ўзини ишқаб тегиб олибди, дейишмайдими? Йўқ, бу шаштингдан қайт, болам.

Фарзанд ота-онасига, уларнинг меҳрига, мадақкорликларига ишонса-ю, ота-она фарзандининг интилишига, манфаатига тушунмаса — бундан оғир нараса йўқ. Ўзларини тутиб олмаган, ота-оналарининг меҳру шафқатига, қалблари тош эмаслигига ишонмаган, калта ўйлайдиган баъзи бир хил фарзандлар шундай пайтларда қалтис иш қилиб қўйишдан тоймайдилар. Хусния ўрнида ана шундай калта ўйлайдиган, андишасиз қиз бўлса, онасининг нотўғри хулосасидан кейин йигити билан ЗАГСдан ўтарди-ю, онаси ёнига қўлтиқлашиб кириб:

— Қани, тўйни қилинг, кампир, биз никоҳдан ўтиб келдик, — деярдди.

Бундай ноҳўя ҳаракат билан онасининг иккиланиб турган гумон тўла қалбига, она ҳурматиға қакшатқич зарба берган бўларди. Лекин Хусния бунақа пасткашлик қилмади. Ўша куни ҳам, кейин ҳам онасига ёмон гапирмади. Чунки у инсон қалбида ҳақиқат тамойили кучли эканини биларди. Фақат орадан бир ойча ўтказиб туриб:

— Ойижон, Шодмонбекнинг уй томонларини, ўзини суриштириб кўрдингизми? — деб ўсмоқчилаб сўради.

Онасининг бекор ўтирмаганига, ўша эътирозимдан кейин қизим алоқасини узиб юборди, деб хотиржам бўлиб қолмаганига, аксинча, Шодмонбекни, ота-онаси қандай одамлар эканини суриштириши муқаррарлигига Хусниянинг имони комил эди. Буни юраги сезиб юрарди.

— Ўзи ҳам, ота-онаси ҳам ёмон одамлар эмас экан,



лекин сенга тўғри келмайди, болам,— деди онаси аввалгидан сал бўшашиб.

Хусния энди ғалати қилиб кулди. У ҳамма ота-она ҳам болаларининг бахтини ўйлайди, агар бунинг учун жон бериш керак бўлса, жонларини беришдан ҳам тоймайди, деб ишонар, ишончи тўғри чиққанидан қувонар эди.

У онасини маҳкам қучоклаб:

— Қани, нимаси тўғри келмайди? Бунисини ҳам айтиб юборинг, ойижон,— деди.

Онаси Шодмонбекнинг учта акаси, учта келинойиси борлигини, агар Хусния Шодмонбекка тушса, овсинлари чўкиб ташлашлари турган гаплигини айтди.

Хусния бу сафар калласини беозоргина чайқаб қўйди. Аслида эса ўзининг ҳам учта акаси борлигини, келинойилари бир-бирлари билан чўқишмаганлигини, қайтага, бир қозондан овқат еб, бир ҳовлида аҳил яшаб келишаётганлигини айтиши керак эди. Айтмади, сабр қилди.

Хусния Шодмонбекка розилик сўраганда, онаси дарров «хўп» деб қўя қолмаганининг сабабини бир кун қизи билан бафуржа ўтириб тушунтирди:

— Ойим унақалар, ойим бунақалар деб мендан асти койима, қизим. Нима қилай, бу ахир умр савдоси, шошиб бўлмайди. Аданг раҳматли бошимизда бўлганларида ҳам бошқа гап эди, маслаҳат берардилар, йўл-йўриқ кўрсатардилар. Қайдам, ота-она учун қиз чиқариш ё ўғил уйлантиришдек бахт бормикан шу жаҳонда? Бордию чиқарган қизи ё уйлантирган ўғли ковушгани билан бахтини топиб, тиниб-тинчиб кетса-чи? Вой, айланай қизим-ей, ота-она турзусининг ушалгани шу, жон болам! Шунинг учун ота-она орзушун кураётган ўғил-қизидан ортик ҳаяжонга тушади, ҳар томонини ўйлайди, чамалайди, ишқилиб, боласининг бахтини қидиради. Мен билмай сени ўтга солсам, у ўтда сендан кўп ёнадиган яна менман, жон қизим. Кел, акаларингдан маслаҳат олайлик. Қани, улар нима дейишар экан?

Она айтганини қилиб, ўғилларига маслаҳат солди. Учала ўғли ҳам, Хусния сингари, она ҳурматини жойига қўядиган ниҳоятда баодоб йигитлар. Катта ўғил онасининг иштибоҳларини диққат билан тинглади. Айниқса, овсинлар тўғрисидаги гапи ноўрин бўлса ҳам, яна: «Она-да, қизининг ташвишини қилади», деб ойисига каттиқ-қуруқ гапирмади. Фақат кулимсираб, ярим ҳазил — ярим чин қилиб:

— Ўзингизнинг ҳам учта келинингиз бор-ку, ойи,— деди.

Шу гапнинг ўзи кифоя эди, лекин кенжа ўғли одатдаги беозор ҳазилкашлигини қилиб:

— Ойимиз қизларини куёвга бермоқчилар-у, лекин йигитнинг келинойилари бўлмаса... сабабки, овсинлари чўкиб ташлашларидан кўрқадилар... Шунинг учун сўққабош йигит бўлса совчи юбораверсин, деб газетага битта эълонча берамизми, а?— деб қолди.

Шу-шу — гап битди, юракни хижил қилган ваҳм кетди. Хусния Шодмонбекка тегди. Овсинлари уни чўқишмади, аксинча, аспирантурани битириб, техника фанлари кандидати бўлишига, Шодмонбекнинг эса олий маълумот олишига қўлларидан келганича ёрдам беришди. Ҳозир буларнинг икки ўғилу бир қизчалари бор. Хусния — она, Шодмонбек ота бўлди. Лекин буларнинг ўз ота-оналари олдидаги фарзандлик бурчларини адо этиш одатлари боягидек сақланиб қолди. Шодмонбек ота-онасига қараш, уларнинг хизматларини қилиш бурчини акалари ё келинойиларига ташлаб қўймай, ўзи қилади. Хусния ҳам, худди қизлик вақтларидагидек, ойисини йўқлаб, холидан хабар олиб туради, буни у ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Ҳар гулнинг ўзига хос бўйи бўлганидек, ота-она учун ҳам ҳар бир фарзанднинг ўз ўрни бўлади. Бу ўрин бўш бўлса, ҳаммавақт ҳувиллаб туришини Хусния ҳам, Шодмонбек ҳам яхши билади. Шу сабабдан бўлса керак, Хусния кўлида бир нима бўлмаганда ҳам, қуруқ бораманми, деб бормай, онасидан хабар олмай қўймайди. Тўғри қилади, чунки ота-она фарзанди кўтариб келадиган нарсани эмас, ўзини кутади, соғ-саломат кўришга зориқиб, кўзлари кўчада бўлади.

Хусниянинг ажойиб фазилатлари кўп. Акалари, келинойилари ойисининг бошида ҳар қанча парвона бўлишса, уни эъзоз қилиб бошларида кўтаришса ҳамки, яна онаси келинларига айтишни эп кўрмаган нарсаси бўлиши мумкинлигини назардан қочирмайди. Агар шундай аҳволни пайқаса, онасининг айтишини кутиб ўтирмай, дарров эпини қилади.

Маълумки, ёшларга ўйин-кулгидан ташқари яна емоқичмоқ ҳам керак. Худди шунинг сингари, кексаларга емоқичмоқдан ташқари яна кўнгилхушлиги ҳам керак эмиш. Нимага десангиз, одамнинг баҳри очилса, хурсандчилик қилса, кўнгли кўтарилиб, яшаш иштиёқи кучаяр экан. Шунинг учун театрларда янги спектакллар қўйилса, Шодмонбек билан Хусния тўртта билет олади-ю, оналарини ҳурмат билан томошага олиб боришади.

Хуснияларнинг ҳаракати ота-онанинг моддий фаро-

вонлигини, уларнинг хурмат-эътиборларини ўйлашнинг ўзи кифоя эмаслигини, шулар билан бирга маънавий озикларини ҳам ўйлаш кераклигини кўрсатади...

Сиз яхши фарзанднинг яхши фазилати ҳақида кичик бир лавҳа ўкидингиз. Не бахтки, бундай фарзандлар халқимиз орасида ўзи бир халқ. Улар ота-она хурмати-ни бажо келтириш, бу хурматли зотлар олдидаги бурчларини сидқидил адо этиш зиммаларидаги узилмас қарз эканини яхши биладилар. Шунинг учун бу эзгу қарзни дам сайин, кун сайин узиб бориш зарурлигини, яъни ота-оналарини қариганларида қаровсиз, касал бўлганларида ёрдамсиз қолдириш кегириб бўлмайдиган катта гуноҳ эканини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар.

Ота-она фарзандини ҳаёт йўлига солиб юборгунча йўлида ўт бўлса ўзини ўтга ташлашдан, боласига ажал чанг солса ўз жонини беришдан қайтмаслигини юқорида ҳам эслатиб ўтган эдик. Энди шу ҳақда бир эртагимиз бор. Майли, бу афсона бўла қолсин. Лекин ҳар қандай афсона ҳам ҳақиқат булоғидан сув ичади.

— Бир муштипар она не-не фақирлик, не-не ҳақирлик билан болоғатга етказган ўғли, нима бўлади-ю, бир инжик қизни яхши кўриб қолади. У ярамас қиз ошиқ боладан кулади. Уни совутиш учунми ё масҳара қилиш учунми, қалинимга онангнинг юрагини олиб келиб берсанг тегаман, дейди. Бояқиш ошиқ ҳанг-манг бўлиб қолади: «Онамнинг юрагини? Во дариғо, қандай қилиб?!»

Йигитча уйга хомуш, беҳуш келади. Онаси гиргиттон бўлиб, хафалик сабабини сўрайди. Бола бир неча кунгача сўлиб-сарғайиб юради. Онаси кўярда-қўймай, ахири сабабини айттиради. Онаси хафа бўлиш, у ярамас қизни қарғаш ўрнига чак-чак уриб кулади.

— Шунга ҳам хафа бўлиб юрибсанми, жон болам? Агар менинг юрагим бахтингни очадиган бўлса, ма, ол!— дейди-да, ўғлига пичоқ тутқазиб кўксини очади.

Ўзи бир маҳаллар сут эмган табаррук кўксига наинки пичоқ уриш, ҳатто она юзига қаттиқ гапириш катта гуноҳ эканини ёмон бола фарқ этмайди. Ишқ пардаси остида қилинган пасткашлик унинг кўзларини кўр қилиб қўйган эди. Бетамиз ошиқ онасининг кўксини ёради-ю, уриб турган иссиқ юракни чангаллаганича севгилсиникига қараб чопади. Қиз остонасидан ҳатлаб ўтаётганда, бола қоқиниб йиқилади. Чангалдаги она юраги шу аҳволда ҳам боласига ачинади:

— Вой болам бечора-ей, ёмон йиқилдинг, жонинг оғриди-я!— дейди.

Шунақа, орамизда она сутининг киясига учраган галамислар гоҳи-гоҳида кўриниб қолади. Булар тоза чашмадан оқиб чиққан зилол сувга ахлат тўккан бедаволар сингари кўзимизга хунук кўринадилар. Бундайлардан ҳамма жирканади, ҳамма нафратланади. Бу хиллар ота-она орзу-ҳавасини, тилак ва интилишини, меҳнат ва заҳмати-ни бағритошлик билан оёқ ости қилган юзи қаролардир! Одамшаванда жамиятимизда ана шу тахлит онабозори, отабозори бадхулк одамлар учраб қолса, болаларидан хўрлик ё парвосизлик кўрган ота-оналар ёнида туриб биз ҳам қайғураемиз. Биз бу хил ярамаслар турмуш ҳақиқатини англамаганликлари, фарзандлик бурчини унутганликлари учун бир қайғурсак, хўрланган ота-оналар қадри учун минг қайғураемиз. Бугун булар ёш, лекин ёшлик умр охиригача етиб берадиган боқий неъмат эмас. У шундай бевафоки, у ёқ-бу ёғингни йиғиштириб олишга улгурмай сени ташлаб кетади. Ана ундан кейин сен ҳам ота ё она бўласан, бугун сен қақшатаётган ота-оналаринг сингари сен ҳам болаларингдан иззат-хурмат кутасан, зориқиб, муштоқ бўлиб кутасан. Бордию кутганинг бўллади?..

Андижондаги олий ўқув юртиларидан бирида Тўлан Т. деган бир йигит ўқийди. Кўриб турибсизки, у эртақ киши эмас, шу замонда яшаб турган бир ўсмир. Аммо у «Болам! Болам!» деб сарғайган она қалбини пичоқ билан ёриб олгани йўқ, баттарини қилди.

Тўлан қишлоғида эканида ноппа-нозин бола эди. Ота-онасига меҳру оқибатли, ака-укаларига шафқатли эди. Шаҳарга келди-ю, нўхтасини бўшатиб юборди. Тез орада кипритиканга ўхшатиб соч қўйди, оёқлари зўрға сиғадиган тор шим кийди. Майли, агар одамийлиги жойида қолса, нима қилса қилсин эди. Лекин Тўлан одам учун энг зарур бўлган худди шу нарсани эсдан чиқариб қўйди. Шу сабабдан ҳамқишлоқлари уни кўрганларида ёқаларини ушлаб ажабланишадиган, «Э, тавба, Тўланни нима жин урди? Нахотки шаҳар одамни шу кепатага киргизиб қўйса!» дейдиган бўлдилар. Аслида айб шаҳарда эмас, одамнинг ўзида, маданиятни, одамиятни тушунмасликда, ўзини эл орасида масҳара, кулги ҳолатига айлантириб қўйишда.

Тўлан худди шундай хилидан экан. У шаҳарда ўзлигини йўқотди-ю, одам учун ниҳоятда зарур бўлган андишани ҳам, қишлоқдаги ота-онасини ҳам унутди. Шанба-якшанба кунлари вақти бўш бўлса ҳам, касалманд отасидан, майда болалари, рўзгор ишлари билан ўралашиб қолган ёлғизқўл онасидан хабар олмай қўйди. Тўлан икки йилдан бери шаҳарда туради, қишлоғига фақат ёзги таътилдагина

боради. Борганда ҳам қўлини совуқ сувга урмай, бемаза қилиқлар билан ота-онасини куйдириб қайтади. Шу қайтганича қорасини кўрсатмайди. Фақат онаси келиб, кўриб-қетиб туради. Отаси ҳам кўргиси келади. Иложи қанча, бир оёғи йўқ, касалманд.

Яқинда онаси уни касал деб эшитиб, бир рўмол туршак, жийда, ёнғоқ кўтариб келди. Яқшанба куни эди. Бетоб деб эшитган ўғлини ётоғидан тугул, ердан ҳам, кўкдан ҳам тополмади. Балки сиз, озроқ шамоллаган бўлса, тугулиб ўртоқлари ёнига дарс тайёрлагани кетгандир, деб ўйларсиз? Йўқ, ўйнагани, кайф сургани кетибди. Она бечора боласини ярим кечагача кутди. Кўрмай кетишга кўнгли бўлмади. Эшик тик ётса, ўғлим келдим, деб йўлига қарар эди. Студентлар сарсон онага чой-нон қилишди, иззат-хурматини жойига қўйиб ўтиришди. Аммо Тўлан... бир маҳал кайфи тарақ, гандираклаб кириб келди. Онасига салом бериш, ўзини она бағрига отиш ўрнига оғзидан муз пуркади:

— О, кампир! Келибдилар-да... сизни кўрамизми деб кўзимиз учиб турувди!— деди.

Она бу совуқ гапдан ўзини бир зум йўқотиб қўйди. Кейин, она экан, юраги илиб, боласини кучоқлагани югурди. Тўлан яқин йўлатмади.

— Э, шу қилигингиз ҳеч қолмади-да! Нарин туринг!

Она бечора, студентлар олдида изза бўлиб, секин орқасига қайтди. Тўлан столдаги тугунчакка чанг солди.

— Бобой юборгандир-да, а?

Онанинг хўрлиги келди, у пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Болам, нимага «бобой» дейсан? Отанг-ку у ахир, айланай! Отангни ота, онангни она десанг бир нима бўлиб қоласанми, жонимни қоқай? Мени ҳам «кампир» дейсан, мен ахир онангман, кўкрагимдан сут бериб, кипригим билан дардингни олиб катта қилган онангман, бўталоғим!..

— Э-э, кишлоқдан келиб ақл ўргатмаган энди сиз қолувдингиз, бўлди! Фи, кўтариб келган матосини қаранг: курт тушган қоқи, сасиган жийда! Куллуқ, буни кишлоғингизга олиб бориб, чолингиз билан баҳам кўраверасиз!

У тугунчакни бир туртиб, ичидаги меваларни сочиб юборди. Кейин гандираклаб бориб ўзини каравотга ташлади...

Ётоқдаги студентлар бу ярамас боланинг ёмон хулқига бефарқ қолмадилар. Улардан иккитаси келиб, Тўланни зарб билан каравотидан турғизди. Бири ёқасидан олиб кичқирди:

— Бор, онаизорингнинг оёғига йикил, аблах! Ўп у табаррук оёқни! Тавба қил, тиз чўк!

Она жағиллаб ўртага тушди:

— Қўйинглар, жон болаларим, тегманглар Тўланимга! Майли, мен рози, ётиб ухласин...

Она уст-бошини ечириб, ўғлини жойига ётқизди. Кейин, уни пешонасидан, икки бетидан ўпиб, йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетди.

Шу аянч воқеадан кейин нима дейиш мумкин? Наҳотки бу фақат ота-онанинггина шўри бўлса?

Йўқ! Фақат ота-она шўригина эмас! Бу энг аввал фарзанднинг тубан кетганлиги, ота-она олдидаги муқаддас бурчни унутганлиги, одамийлик башарасини йўқотганлиги фожиасидир! Бундайларга она сути ҳам, ота тузи ҳам ҳаром! Бундайларга халқ одам қиламан деб сарф этаётган моддий-маънавий куч ҳам ҳаром!

Одамнинг асили ҳар қандай вазиятда — яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ўзини йўқотмайди. Агар бошига бирон ёмон нарса тушса, у шу ёмон нарсадан яхшилик тантанаси учун фойдаланади. Бунинг учун одамда ирода, чидам, сабр-тоқат, идрок бўлиши лозим. Одам боласига сув, ҳаво, қуёш қатори ниҳоятда зарур бўлган мана шу тўрт шартнинг биронтасидан айрилган киши бора-бора тошкентлик Фазлиддин И.га ўхшаб қолади. Унинг отаси бир фалокат оқибатида халок бўлди-ю, рўзгор ташвиши, болалар тарбияси она зиммасида қолди. Фазлиддин у вақтлар 15—16 ёшлик мактаб боласи эди. Ҳадемай ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига кирди. Аммо яхши ўқимади. Ёмон юриб, ёмон турди. Онаси куйди, ёнди, йиғлади:

— Айланай болам, ўкигинг келмаса ишга кир. Ҳеч бўлмаса ўз қорнингга топиб келарсан,— деди.

Она фиғони қор қилмади. Ишга ҳам кирмади. Онасидан кейин оиланинг энг катта аъзоси шу бетамиз эди. Демак, укаларини ўйлаши, онаси пинжиги кириши керак. Бундай қилмади, аксинча, текин еди, текин ичди, укаларини урди. Онаси инсофга чақирганда онасини ҳам урди! Ҳолбуки, оиланинг бошидаги шу оғир кунларда ўзини оғир тутиши, онасига меҳри, укаларига шафқати яна ҳам ортиши, ҳам ўқиб, ҳам ишлаши керак эди. Ахир, ишлайман деса ҳар қандай ишни гуллатиш қўлидан келадиган кучли, ўқийман деса фақат «аъло»га ўқиши мумкин бўлган истеъдодли йигит эди.

Агар у ёмон юриб кетган бўлса, балки бошида отаси йўқлигидандир? Йўқ, сабаб фақат бунда бўлмаса керак.

Ахир ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит-қизларга қачонгача ота-она ақл бўлиши, у ёқдан юрма, бу ёқдан юр, уни қилма, буни қил, деб туриши керак! Эл қатори яшаш, эл юрган йўлдан юриш учун ёшлар бошида нахотки фақат ота-она бўлиши шарт? Отаси ё онасидан, ёки буларнинг ҳар иккаласидан айрилган болалар ҳаммавақт ҳаётда адашиб, юрган йўлларида чалишиб қоладиларми? Йўқ, асло бундай бўлмайди. Аксинча, бу хил болалар аввало ўзларига суянадилар, тақдирлари ўз қўлларида эканини яхши биладилар, шунинг учун бахтларини ҳалол меҳнатдан, яхши одобдан, катталарга хурмат, кичикларга шафқатдан кидирадилар. Шу боисдан бўлса керак, халқимиз: «Ақл ёшда эмас, бошда», дейди. Фазлиддин эса ақл билан иш тутмади. Ғанимат умрини кўча-кўйларда бемаъни нарсаларга исроф қилди. У билан олий мактабга бирга кирган ўртоқлари ўқиш каби оғир меҳнат заҳматидан қочмадилар. Оқибат, бирови инженер, бирови физик, бирови яна бир ихтисос кишиси бўлиб чиқди. Булар ота-онани қакшатиш каби гумроҳликни эмас, ота-она хурматини, эл хизматини қилиш каби олижаноб фазилат ғамини ўйладилар. Фазлиддин эса бунинг тесқарисини қилди. У яқинда яна ичиб келиб, онасини энг тубан ҳақоратлар билан тупроққа қориб ташлади. Онадек азиз инсонни ўзи хўрлагани, қон-қон йиғлатгани етмай, нарёқда томошабин бўлиб, иржайиб турган бетамиз хотинини ҳам келиб қайнонасини уришга даъват этди.

— Ольга, кел, қўлини ушлаб тураман, ур! — деди бу она сути кўр қилғур «ўғил!»

Бу қандай даҳшат! Бу қандай суттепкилик! Илтимос, кулоқларингизни беркитманг, бу ёзувчи хайҳоти эмас, ўғлидан ҳақорат кўрган, хўрланган, оёқ ости қилинган шўрлик она фарёди! Бу фарёд ҳамма ерга эшитилсин! Она хурматини ерга урган ярамас ўғилдан ҳамма нафратлансин!

Биламан, она каби табаррук инсон қалбининг ноласини эшитган киши ўзини босиб ололмайди. «Эвоҳ, нечун осмон йиқилмайди-ю, мана шундай ярамас ўғилларни янчиб, эзиб, йўқ қилиб ташламайди!» деб қичқиради.

Шундай, Фазлиддин, энди сен мана бу оташин сатрларни ўқи! Булар она кадрига етган асил фарзанд қўли билан ёзилган, йўқ-йўқ, дили билан қуйланган она мадҳидир:

«Ойи, ойижон! Мен дунёга келганимни ҳис этган пайтимдан бери сенинг юмшоқ қўлларинг эсимда. Ёз кунлари қўлларинг офтобда қуйиб қораяр, ҳатто қишда ҳам шундай, қоралигича қолар эди. Бу қоралик терингни би-

рам мулойим, чиройли қоплаб олар, фақат томирлар устидаги ранг қуюқроқ тусда бўларди. Балки қўлларинг бирмунча дағаллашгандир ҳам, лекин менга ҳамиша юмшоқ, мулойим туйилар, мен бўртиб чиққан томирчаларингдан ўпишни яхши кўрардим», — деб ёзган эди онасига Олег Кошевой.

Энди мана бу ажойиб ашулага қулоқ солинглар, адашган ўғил-қизлар. Музика санъатимизнинг кекса отахони академик Юнус Ражабий басталаган бу мафтункор ашулани республикамизнинг хушхон навозандаси Фароғат Раҳматова айтяпти:

Бормикан онадек азиз, ширин сўз,  
У бир куёш бўлса, фарзанд бир юлдуз,  
Қандай бахт фарзандлик бурчин ўтамоқ,  
Кумушдек сочингиз ўпиб, силамоқ!

Фарзандим дедингиз, чекдингиз заҳмат,  
Онажон, онажон, сизга минг раҳмат!  
Она, сиздан беҳад бўлдим миннатдор,  
Бахт келтирган менга сиз ҳам ҳур диёр!

Шаънингизга минг-минг қуйласам арзир,  
Она хурматига бош эгмоқ фарздир.  
Бахтимизга яшанг, соғ бўлинг абад,  
Онажон-онажон, сизга минг раҳмат!

Келинг, она хурмати ҳақидаги суҳбатимизга ўзбек совет адабиётининг кўрқларидан бири, классик шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг куйидаги икки сатри билан хулоса берайлик:

Фарзанд бир гулдир, она бир бўстон,  
Шунинг учун жаҳон гулистон!

Фарзанднинг ота-она олдидаги хизмат ва хурмат бурчи устида анча батафсил гаплашдик. Лекин қанча гаплашмайлик, бари бир, фарзанд зиммасидаги муқаддас бурчнинг интиҳосига етиб бўлмайди. Чунки, ота-она фарзандларининг дунёга келишларида шунчаки бир сабабкорлар бўлибгина қолмай, айни замонда, бутун умрларини, бутун ҳаловатларини, юрак ўтларини, оғир меҳнатларини болалари бахтига бағишлаган энг меҳрибон, энг жонқуяр жигарбанд-

лар ҳамдир. Кечагина ота-она бағридан чиқиб, мустақил ҳаёт бошлаган ёш келин-куёвлар биринчи фарзандлари туғилган кунни умрларининг охирларигача эсдан чиқармайдилар. Чунки бола билан бирга ота-она умрининг тилак ва орзуси, қувонч ва севинчи ҳам туғилади. «Мижозимиз бир-биримизнигига тўғри келмаяпти», деб эру хотинлик ҳаловатларини уззукун уриш, уззукун жанжал билан заҳарлаб ўтказаётган ёш оилаларда фарзанд туғилиши билан ҳар хил галва-ғишавалар ҳам йўқолиб, мустақкам оила биносининг пойдеворига ғишт қўйилади. Кўриб турибсизки, фарзанд ота-она учун фақат зурриёдгина бўлиб қолмай, яна ота-онани бир-бирига аҳиллик, тотувлик, меҳру оқибат ҳисси билан маҳкам боғлайдиган узилмас ип ҳам экан.

Ота-онага ёшликларида, яъни билакларида куч, белларида қувват борлигида фарзанд қанчалик азиз, қанчалик зарур бўлса, кексайиб, билакларидан куч, белларидан мадор кетганда, фарзанд улар учун яна ҳам азиз, яна ҳам зарурдир. Булар ёш ота-она қалбига гужур-гужурлари билан қувонч, жаранглаган кулгилари билан нур киритишса, кейин, вояга етиб, ўзлари ҳам ота-она бўлганларида кексаларнинг хира кўзларига нур, мадорсиз белларига қувват бўладилар.

Афсуски, ота-она олдидаги фарзандлик бурчларини тушунмайдиган ё нотўғри тушунадиган ўғил-қизлар ора-мизда учраб туради. Бундай фарзандлар ўз бурчларини энг аввал ота-оналарига фақат пул билан ёрдам беришдан иборат деб биладилар. Масалага чуқурроқ қаралганда, фарзандлик бурчини бу тахлит тушуниш тамоман хатодир. Фарзандларнинг ота-оналарига меҳру оқибатлари ҳар хил бўлганидек, ота-оналарнинг моддий ёрдамга эҳтиёжлари ҳам ҳар хилдир. Бир хил ота-оналар касаллик ё қарилик натижасида болаларининг моддий ҳимоятларига муҳтож бўлсалар, бошқалари бунга эҳтиёж сезмайдилар. Аммо бу ташқи фарқдан қатъи назар, ҳамма ота-она боласини ҳар дам кўриб тургиси, унинг орзу-истакларига, интилишларига шерик бўлгиси келади. Фарзанднинг туғилган кунидан бошлаб ҳаётда босиб ўтган бутун умри ота-она қалбига жонли суратлар тасмасидек ўрнаб қолади. Агар фарзанд бирон сабаб билан бошқа ёққа кетса, ота-она бу айрилиқни оғир кечиради. «Болам нима бўлди экан, нима қилиб юрибди экан?»— деб минг ташвиш билан этини ейди, соғиниб-сарғаяди. Иложини топса, шундай кезларда орқасидан бориб кўриб келади, иложини топмаса-чи, ўз қалбида боласи қолдирган умр сурат-

ларини ҳар кун, ҳар дам кўз ўнгидан неча бор ўтказиб, интизорлик дардини чекади. Фарзанд учун ота-оначалик меҳрибон, ота-оначалик кадрдон, бегараз дўст йўк дунёда. Модомики, бу рад этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат экан, демак, ота-онани фарзанд доғида куйдирадиган нарса тама деб аталган пасткашлик эмас, меҳру оқибат, инсоний муҳаббат деб аталган олижанобликдир.

Маълумки, боғбон экан ниҳолини экканича ташлаб қўймайди, аксинча, уни ҳар хил касалликлардан, офатдан сақлаб, мевага киритиш учун атрофида минг парвона бўлади. Шунинг сингари, ота-она ҳам ўз пуштикамаридан бўлган азиз боласини бефарқ ташлаб қўймайди, аксинча, яхши одам бўлиб ўссин, дард кўрмасин, ёмон йўлга кирмасин, орзу-ҳаваслари рўёбга чиқиб, бахтли бўлсин, дейди, деганини юзага чиқаришга ҳаракат қилади. Шу сабабли фарзанд ўзининг ота-онасига зарурлигини фақат тамага, шу паст тушунчага боғлаб қўйса, уни вояга етказиш йўлида ҳеч нимасини аямаган, табаррук ота-она меҳнатини кадрламаган, бу олижаноб меҳнат эгалари юзига оёқ босган бўлади. Бу хил тушунчага йўл қўйган фарзанд ўзининг юзини қора қиладиган жуда ёмон хатога йўл қўяди.

Инглиз ёзувчиси Жек Лондон: «Умидсиз яшаган одам ўлимдан кўрқмайди», деб эди. Шунга ўхшаш, орзу-ҳавас-сиз яшаган одам нимага яшаётганини билмайди. Ҳолбуки, дунёда орзу-ҳавасдек ширин, унинг ушалишидек тотли нарса бўлмаса керак? Севганинг билан қовушсанг, чуғур-чуғур болалар кўрсанг, уларни тарбия қилиш, вояга етказиш ташвишини тортсанг, қизларингни куёвга чиқарсанг, ўғилларингни уйлантирсанг, ширин-шакар неваралар, чеваралар кўрсанг, болаларинг, невараларинг эл хизматида, эл ҳурматида бўлишса, уларнинг яхши ишларига, яхши фазилатларига одамлар ҳавасланиб: «Э, бу фалончининг ўғли, фалончининг қизи, э, отасига раҳмат!» дейишса, бундай бахт савобига ким етсин?

Келажакда ўзи ҳам ё ота, ё она бўлишини қани энди ҳар бир фарзанд билса, шу оддий ҳақиқатни тушунса, шунга қараб оёқ ташласа! Афсуски, баъзи бир хил нодон болалар ота-она қалбининг дукурини эшитмайдилар, бу қалблар қувончи нимада эканини билмайдилар, болалари кўчада бўлишса, ота-она кўзлари ҳам кўчада эканини, болалари қошларида бўлишса, ота-она кўнгли ҳам оромда эканини англамайдилар.

Бир мисол. Мен бир маҳал Москвадаги «Ўзбекистон» ошхонасига овқатлангани кирган эдим. Бу ер ҳаммавакт

Ўзбек таомларининг шинавандалари билан тўла бўлади. Бу сафар ҳам шундай экан. Бўш жой қидириб юриб, кўзим ойнабанд айвончада ўзбекча қилиб тузалган шинам хонтахта орқасидаги бир кекса чолга тушди. Эгнида оҳори кетмаган оқ ятак, бошида қати бузилмаган яп-янги тус дўппи билан ярақлаб ўтирган бу чолнинг юзидан қуйилиб турган нур ичимга чироғ ёкиб юборди. Дарҳол ёнига салом бериб бордим. Чол ўрнидан оғир кўзгалиб, ёнидан жой кўрсатди. Ўтирдим. Танишдик. Армияда хизмат қилаётган ўғлини кўраман деб Марғилон атрофидаги қишлоқларнинг биридан келибди.

— Бола экан, кўрмасак туролмасак. Марғилонни-ку кўрганмиз, бозор-ўчарга тушиб турамиз. Лекигин, шу ёшга етиб Фарғона шахрини дуруст-куруқ кўрмаганман, десам, албатта, ишонмайсиз. Рости шу. Боламнинг кўзига кўзим тушармикан, деб мана шундоғ узоқ жойларга қидириб келдим. Оҳ, бола, бола! — деди чол чуқур тин олиб.

Ота меҳрининг сеҳрловчи кучи мени қамраб олди. Хаяжонли миннатдорлик қалбимни тўлдирди. Мен бу отанинг оппоқ соқолларидан ўпишга тайёр эдим. Шу ҳис, шу хаяжон билан сўрадим:

— Ўғилни кўрдингизми?

Чолнинг юзи яна чарақлаб кетди.

— Ҳа, кўрдим.

— Қаерда экан? Шу, Москвадами?

— Йўк. Калинин деган шаҳарда.

— Ўҳ, ҳа, бу ердан анча нарида-ку!

— Иложимиз қанча! Ота эканмиз, боламизни кўргимиз келар экан. Ҳали-ку Москвадан нарида, дунёнинг нариги бурчида бўлганда нима қилардик? Борардик у ерга ҳам. Бола бўлади-ю, ўҳ-хў...

Оталик бурчини бажариш — ота учун қанчалар бахт эканига ишора қилиб айтилган бу гап юрагимдаги хаяжонни тоширди. Чол мени шу аҳволга солиб қўйиб, энди хотинидан гап очди:

— Онаси мени кузатиб, кўчада йиғлаб қолди. «Болаги-намни кўзларидан ўпинг, бувинг соғинибди, денг. Кўзлари йўлингда тўрт, денг. Аскар боламдан айланай, тезроқ келса, тўйлар қилиб қайлик олиб берардим, деяпти, денг», дейди.

Ота-она «Болам! Болам!» деб умри ўтганини, қариб, ҳилвираб қолганини шу тариқа билмайди. Негаки, у ўзини демайди, боласини дейди. Қани энди болалар ҳам ота-оналарини меҳру оқибат, катта ҳурмат билан қамраб

олиб, кўзларига нур, белларига қувват бўлишса! Ана шундай қилмайдиган ёшлар бор-да, мана биттаси.

Андижонда Урайим ота деган бир кекса киши яшайди. Урайим ота уруш йиллари меҳнат армиясида хизмат қилди. Иккита азамат ўғли фронтда ҳалок бўлди, урушдан сўнг хотини Сарви хола ҳам кенжаси Шарифжонни отаси билан ёлғиз қолдириб, дунёдан ўтди. Ёлғиз ота кўзининг бу оқу қорасини кўп заҳматлар билан балоғатга етказди. Қариганда хотин парваришига ҳар қанча муҳтож бўлса ҳам, болам ўксимасин, деб уйланмади. Болажонимни уйлантирай, ўзи ҳам, келиним ҳам қошимда бўлади, деди-ю, бутун топган-тутганини сарф қилиб Шарифжонни уйлантирди. Лекин у қари отаси қутгандай иш тутмади. Марҳума онасидан кейин бева ўтаётган қари отасини эски ҳовлисига ташлаб, ўзи қайлиги билан янги дангиллама уйга кўчиб кетди. Тўғри, Шарифжон вақт топса отасидан хабар олиб, топмаса «сабр» қилиб юради. Аммо қариганда етимча бўлиб қолган Урайим ота сабр қилолмайди. Ўғлини, келин қизини, энди-энди тетапоя бўла бошлаган неварачасини кўргиси келади, соғинади, сарғаяди. Жуда бўлмагандан кейин ўзи бориб, кўриб келади. Урайим ота эски ҳовлисини ташлаб ўғли қошига кўчиб кетай деса, Шарифжон индамаганидан, ҳар хил ўйларга боради. Шунанга қилсакми, деб бир неча бор ўғлига айтмоқчи ҳам бўлади. Лекин оғзи бормади. Иннайкейин, ўзининг бутун умри шу ерда ўтган, фронтда ҳалок бўлган ўғиллари шу уйда ўсган, марҳума хотини ҳам шу ерда узилган. Қандай ташлаб кетади? Ким билади, ўғли олиб кетай деб ёрилса, балки ташлаб ҳам кетармиди? Хуллас, Шарифжон ота дардининг унсиз фарёдини эшитмади. Ёшлик кучини, юрак ўтини, ҳаётдан олиши керак бўлган барча ҳузур ҳаловатини болалари бахтига бағишлаган ота мана энди — фарзандлари суяб суркаши зарур бўлган пайтда ёлғиз қолди.

Шарифжонни бағритош, бемеҳр деб бўлмайди. У ўғилчасини яхши кўради. Ишдан кела солиб уни бағрига босади, юзчасидан, кулиб турган кўзчасидан ўпади. Лекин ўзини ҳам, шундай кичкина, жажжилигида, чақалок эканида бағрига босиб ўпган, зўр умидлар билан катта қилган отасини танҳолик ялмоғизига топшириб қўйди. Мана энди чол қарилик бахту ҳаловатидан маҳрум. Қозонини ўзи осади, чойини ўзи дамлайди, жойини ўзи солади, кирини...

Йўк, бу одамгарчилик эмас, Шарифжон! Сиздан «Кимнинг ўғлисан?» деб сўрасалар, «Урайим отанинг ўғ-

лиман», деб жавоб берасиз-ку, а? Ҳа, балли! Энди «Отангга нима хизмат қилдинг?» деб сўраб қолишса-чи! «Исмини, фамилияю жисмини бегона қилдим», деб жавоб қиласизми? Яхши эмас.

Йўк, қочманг! Сизга берадиган саволимиз кўп ҳали. Айтинг-чи, ўзингиз ғариб қилиб кетган бир бечора чолни қайси юзингиз, қайси виждонингиз билан «отам» дейсиз? Сиз уни ташлаб кетибсиз, балки безор қилгандир у сизни? Ё сизни шу ёшга етказгунча сарф қилган оғир меҳнатлари учун ҳақ талаб қилдимиз? Пул сўрадимиз?

Йўк, Шарифжон, сиздан ҳеч нима талаб қилгани йўк. Аксинча, сиз гаштини сураётган оилавий бахтингизга оталик улушини кўшди. Сизни болам, хотинингизни қизим, ўғилчангизни овунчоғим деб кўшди. Шунинг учун у сизлар билан бўлишни, сизлар билан қувонишни истар эди. Сиз бўлсангиз бир маҳаллар кучоғида иссиқ-иссиқ ухлаб, ширин-ширин тушлар кўрган меҳрибон отангизга шу кичкина бахтни ҳам раво кўрмадингиз!

Урайим ота бир ошнамининг кўшнисини. Ошнамдан шу аянчли воқеани эшитиб, Урайим отаникига чиқдим. Ҳовлисидида қитирлаб ишлаб юрган экан. Мени ўзидан ҳам дарахтлари таажжубга солди. Ҳаммаси пастдан каллак урилган. Бақалоқ шоҳларига одам югуриб чиқса бўлади. Гаплашиб ўтириб, шуни сўрадим. Урайим ота ичидан эзилгандай бўлиб жилмайди.

— Биз ёш бола вақтимизда ҳам эшикда мева дарахти кўп эди. Дарахтга чиқсак, йиқилиб кетмасин, деб отам раҳматлик тағида жонини ҳовучлаб юрарди. У дарахтлар йўк, ҳаммаси қуриб кетди. Буларни ўзим экканман. Неваралар чиқишга қийналишмасин, йиқилиб-нетиб жонлари оғримасин, деб шунақа пастдан каллак урдик...

Отанинг гапи юрагимни эзиб юборди. Невараларга мослаб ўстирилган дарахтларда мевалар шиғил-у, лекин на неваралар, на келин ва на ўғил бор бу дарахтлар тағида!..

Гул ошиғининг бир яхши одати бор. Гулшанга энг асил, энг гўзал гулларни экиб, уни кўз қорачиғидай папалайди. Одам хушини оладиган бу чиройли гуллар орасида ёввойи ўтлар, ёмон кўкатлар бўлмаслиги учун бутун чораларни кўради. Шундан кейин ҳам кўздан хилват бирон жойда ана шундай ёввойи ўт қорасини кўрсатиб қолса, уни дарҳол юлиб ташлайди. Биз ҳам жамиятимизда гулшандаги ёввойи ўт сингари кўзимизга ёт кўринган ёмон хулқ-атворлар бўлмаслигини истаймиз.

Таъбимизни хира қиладиган ана ўшандай ёмон хулқ-атвор эгалари устида кўпроқ тўхтаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Яхши сақланган гулзорда битта-иккита кўкат кўринса кўринади, бўлмаса йўк. Шунга ўхшаш, биз ёмон хулқли одамлар тўғрисидаги мисолларимизни қанча кўп келтирмайлик (ёки кўзимизга кўпдай кўринмасин), улар ҳам жамиятимизда, гулшандаги якка-дука ўтлар сингари, бармоқ билан санарлидир. Ҳақиқатан ҳам, турмушимизга, воқелигимизга синчиклаб қарасак, совет кишиларининг, айниқса ёшларимизнинг яхши фазилатлари ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида кучли жозибага айланганини кўраемиз. Ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, ватанга муҳаббатда, халқ ва партияга садоқатда ёшлар кўрсатаётган жонбозлик юракларимизни ғурур ҳисси билан тўлдирди. Гуркираб ўсаётган халқ хўжалигимизнинг қайси бир соҳасига назар ташламайлик, ҳамма ерда энг оғир, энг шарафли меҳнатни ёшларимизнинг навқирон елкаларида кўраемиз. Бу тасодифий нарса эмас. Чунки улар совет ёшлари бўлиш, айниқса доҳий Ленин номи билан боғлиқ комсомол аъзоси бўлиш — ёшлар зиммасига жуда катта масъулият юклашини бир зум ҳам эсдан чиқармайдилар.

Шунинг учун совет ёшлари ўзларининг ота-оналаридан, мураббийлари ва катта ёшдаги биродарларидан ҳалол меҳнатнигина эмас, яхши ахлоқни ҳам мерос қилиб олмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам ахлоқи яхши, одамияти баланд киши ўз зиммасидаги бурчига парвосиз қараганини ҳали ҳеч ким эшитмаганидек, вазифасини бошқаларга ибрат бўладиган қилиб аъло ё яхши бажарадиган кишининг ҳам ахлоқ бобида оқсаганини бирон одам кўрган эмас. Сабаб — ҳалол меҳнат билан яхши ахлоқ — бири иккинчисини ўзида акс эттирадиган тиниқ ойналардир. Чиндан ҳам, ҳалол меҳнатга қараб яхши ахлоқни, яхши ахлоққа қараб ҳалол меҳнатни кўриш мумкин.

Лекин, афсуски, ҳаммавақт ҳам шундай бўлавермайди. Онда-сонда бўлса ҳам, юқорида афсусланиб айтганимиздек, тоза гуллар чаманида ёввойи ўтлар учраб қолади.

Маълумки, одам боласининг табиатида яхшиликка интилиш майли бор. Одам ёшми ё қарими, ижтимоий погонанинг юқорисидами ё пастидами, булардан қатъи назар, яхши бўлишга, одамларга яхшилик қилишга интилади. Агар жамиятда бундай интилишларга замин бўлса, яъни жамият уни қўллаб-қувватласа ҳаёт лаззати, одамлар бахти яна ортади. Бизнинг социалистик жамиятимизда худди шундай замин бор. Яхши фазилатли, яхши ахлокли, меҳнатсевар, жонкуяр, одампарвар ёшларимиз ана

шу замин чашмасидан гўзаллик сувини ичган гулчехралар-дир.

Биз юкорида яхши фазилат чаманида учраб қоладиган ёввойи ўтдан оғиз очдик. Келинг, ана шу ҳақда бир мисол келтирайлик.

Қаршибой комсомол ёшида бўлса ҳам, афсуски, унга аъзо эмас. Бунга Қаршибойнинг ўзи айбдор. Ахир у ўқиш пайтида ўқимади, ота-онасининг насиҳатига кулоқ осмади, аксинча, кўча чангитиб, ҳаммани қақшатиб юраверди. Охири, йигирма ёшларга етганда тўқсондан ортиб қолган қари отасига хитоб қилди:

— Менга ҳар кун уч сўмдан пул топиб берасан!

Тошмурод отанинг эсхонаси чиқиб кетди.

— Уч сўмдан?!

— Ҳа, уч сўмдан!— деди без бўлиб Қаршибой.

— Ҳай, жон болам, ўзим пенсия олсам, шунча пулни қаердан топиб бераман сенга?!

— Униси билан ишим йўқ! Ўзингни гаровга қўйиб бўлса ҳам топиб берасан!

«Ўғил» шу тахлит отани сенлаб хорлади, ота эса ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Қаршибой одамгарчиликнинг энг муҳим шартини, яъни ота-онани ҳурмат қилиш бурчини эсдан чиқарди.

Бу хунук можаро шу кўнгилсиз тўқнашув билан босди-босди бўлиб кетса жон қошки эди. Афсуски, ундай бўлмади. Қаршибой, айтганимни қилмадинг, деб чопонини тескари кийиб олди. Энди бечора чолни хўрлаш, ҳар қадамда камситиш пайига тушди.

Орадан кўп совуқ кунлар ўтди. Қаршибой ковоғидан ёға бошлаган қор ҳеч тинмади. У отаси билан саломлашмас, отаси салом берса алик олмас эди. Ана шундай кунларнинг бирида у кўчадан кайфи тарақ кирди.

— Пулми? Мана пул!— У чангалидаги бир неча уч сўмликни пеш қилиб, отасига ўдағайлади.— Энди йўлимни топиб олдим. Бор, пулинг ҳам керак эмас, ўзинг ҳам! Жўнаб қол уйдан!

Тошмурод ота кўриб турган кўзларига ишонмади. Бу тушим-ўнгими эканини билмас эди. Ҳайратидан қўллари ўз ёқасига ёпишди.

— Ё тавба! Қаршибой, сенмисан, бўтам? Ё мени танимаяпсанми, а, ўғлим! Мен ахир отангман, жон болам, отангман!

Ота шундай деди-ю, кекса бошини сараклаб, йиғлаб юборди.

— Сени шу умидда катта қилганмидим, болам... Ти-

ригимда тиранчик, ўлигимда обрў бўларсан девдим... Шу қари бошим билан қайга бораман энди, жон ўғлим!— деб қақшаб йиғларди ҳамон ҳайдалган ота.

Боякиш чолнинг зору зор ялингани, кўз ёшларини дарё-дарё тўкиб илтижо қилгани ҳам бағритош болани инсофга келтирмади. Рўпарасида ёшлигининг бутун куч-қувватини, умрининг бутун хузуру ҳаловатини фарзандлари этагига келтириб тўккан табаррук ота эмас, жирканч бир махлук тургандек, Қаршибой уни туртиб, итариб чиқарди.

Қаршибойнинг оқпадарлиги шу соатиёқ эл оғзига тушди. Шу маҳалгача бирон яхши иш билан эл ҳурматини қозонмаган бу ярамас бола қишлоқда ҳамманинг нафратини уйғотди. Колхоз раиси, қишлоқнинг катта-кичиги уни ўртага олиб роса мулзам қилди. Ота-онани беҳурмат қилиш, ота-онага ўшқириш, уларга егизган-ичгизганини таъна қилиш ё оғир тутиш эски замонда қандай катта гуноҳ ҳисобланса, одам қадрининг минг чандон ортан ҳозирги янги замонда ўн барабар ортик гуноҳ эканини уқтиришди.

Қаршибой одамлар гапи таъсир қилган, эти ўлган кишидай ерга қараб ўтирди. Бир оғиз ноҳўя гап қилмади, отасига ҳам, насиҳатгўйларга ҳам қаттиқ тегмади. Шу ҳайфсайфдан кейин ўз майли, ўз ихтиёри билан: «Отамга қаттиқ тегмайман. Бундан буён бошимга кўтараман», деб ваъда қилди, ҳатто шу ваъдасини бир парча қоғозга ёзиб ҳам берди.

Сиз шу охирги сатрни ўқиб, «хайрият», дерсиз? Йўқ, ҳали шошманг, вақт бор. Вақт эмас, афсус ейдиган жой бор. Қаршибой оқпадаргина эмас экан, сўзида турмайдиган аҳди ёлғон, алдоқчи ҳам экан. Қаранг, эл кўзига чўп суқиб, отасини уйидан ҳайдаб чиқарди!

Ота қариганда ўғли паноҳига сиғмаган ғариб бошини қаерга сукишни билмай, Муллахўжа қишлоғига сарғайиб борди. Саргардон отани шу қишлоқ активларидан Жаббор Шукуров, Шоназар ва Абдулла Саломовлар ўз паноҳларига олдилар, уларидан жой бериб, бошларида кўтардилар. Улар, бешарм ўғил ақлини топиб олади, хунук қилмишидан уялади, бугун бўлмаса эртага кўзи очилиб, отасини олиб кетади, деб ўйлаган эдилар. Минг афсуски, ундай бўлмади. Қаршибой отасини олиб кетмадигина эмас, бирон марта «Ҳолингиз нима бўлди?» деб йўқлаб ҳам келмади.

Шу хунук қилиғи, ярамас оқпадарлиги билан у ижтимоий танбеҳга, ҳатто суд орқали жавобгар қилинишга лойиқ эди. Шундай бўлди ҳам. Тошмурод ота бемехр, бешафқат ўғли устидан Оқдарё участка халқ судига ариза бериб,



оталик ҳукуки ва ҳурматининг ҳимоя қилинишини талаб этишга мажбур бўлди. Судда бебурд ўғил қилмишига тавба қилди, отасини кўз қорачиғидай асрашга, ҳурматини бажо келтиришга сўз берди. Лекин бу сўз виждони, орияти, белида белбоғи бор йигит сўзими ё отадек ҳурматли зотга қўл кўтарган гумроҳ «ўғил» сўзи — буни келажак кўрсатади...

Ҳурматли китобхон, сиз бу воқеани ҳойнаҳой ёзувчининг уйдирмаси деб ўйларсиз. Зотан, бошқача ўйлаш қийин. Нимага десангиз, муҳитимизда, орамизда бундай нонтепки, отабезори болалар ё учрамайди, ё учраса ҳам, жуда кам учрайди. Чиндан ҳам, бу воқеа китобхонларда бағри-тош ўғилга нафрат уйғотиш, шу билан бепарво оқпадар фарзандларни огоҳ қилиш мақсадида ёзувчи ўйлаб чиқарган ҳикоя эмас. Бу Иштихон районининг «Колхоз ҳақиқати» номли газета редакциясида ишловчи Эркин Ҳожикурбонов газаб билан ёзиб юборган воқеий фожиадир.

Ҳа, бу чиндан ҳам фожа! Лекин давр ё замон фожиаси эмас. Бу, айни замонда, отанинг ҳам фожиаси эмас. Бу энг аввал ва тўлалигича фарзанд фожиасидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: оталар, боболар юрган, даврлар, замонлар юрган, тарихлар, тўлқинлар юрган кенг одамият йўли четда қолиб, инсон кадрини бир чақа қилиб кўядиган худбинлик, тубанлик сўқмоғида адашиб юриш — одам боласининг номига чиндан ҳам исноддир!

Шарқ файласуфларидан Абулқосим Фирдавсий:

...Агар ерга урса ота номини

Кеч ундай ўғилдан, дема номини!—

дейишда у қанчалар ҳақли эди!

Қаршибой отасининг номинигина эмас, ўзини ҳам ерга урди. У одам боласига, айниқса бугунги ёшларимиз шаънига ярашмайдиган хунук иш қилди.

«Инсон вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб тубанликка юз тутса, одамгарчилигини йўқотиб ахлоқ доирасидан чиқса — бунга ҳайратланиш лозим». Улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино шундай деганларида, у зоти муборак Қаршибойга ўхшаганларни назарларида тутган бўлишлари керак. Начора, Қаршибой ўзига қарши иш қилиб кўйди. Бир парча гўшт бўлиб дунёга келганидан бери иссиқ бағрида иситиб ўстирган отасини судлашиш даражасига етказди. Ўғил шаънига бундан ҳам ёмонроқ шармандагарчилик бўлмаса керак. Яна у ёш бола эмас, йигит бўлса,

белида белбоғи, билагида ўнта отани боқа оладиган куч бўлса, отани қариганда парваришлаш зиммасидаги муқаддас бурч бўлса!

Қаршибой ана шу одамийлик бурчини бажаришдан қочди! Хўш, уни бунчалик номард бўлишига нима мажбур қилди?

Сабаби равшан: аввало, Қаршибой ўзининг кадру қимматини эсдан чиқариб кўйди. Қолаверса, ота-онадан воз кечиш, ота-онани қақшатиш — одам боласига ёт қилиқ эканини назарига олмади.

Биз Қаршибойни ўз кадрини билмайди дедик. Тўғри айтдик. Нимага десангиз, ўз кадрини билмаган одам бошқалар кадрини ҳам билмайди. Бу кўп ёмон нарса. Бундай одам охири эл орасида бадном бўлади, эл-юрт назаридан қолади. Ҳамма ундан ўзини олиб қочади. Демак, унинг ўтаётган умри бекор, тутган йўли нотўғри экан-да?

Ҳа, Николай Островский: «Инсон учун энг қимматли нарса ҳаётдир. Дунёга у бир марта келади; киши шундай яшаши керакки, самарасиз ўтган йилларига кейинчалик ачинмасин, разил ва паст ўтмишнинг уяти юракни ёндирмасин», деб бежиз ёзмаган.

Биз юқорида Қаршибойнинг хатти-ҳаракатини қаттиқ қораладик — ҳақлимиз, албатта. Лекин уни тўғри йўлга солиб юбориш ғамини еяпмизми?

Энди шу ҳақда гаплашсак. Шараф — турганни йиқитишдами ё йиқилганни турғизишдами? Ҳамма гап шунда. Қаршибой ўз қилмишлари ботқоғига ботиб ётибди. Нима қилайлик, ҳазрати Абулқосим Фирдавсий айтганларидек, ота номини булғаган ахлоқсиз ўғилдан бир умрга воз кечайликми ё муҳтарам шоирдан узр сўраб: «Кечирсинлар, ҳазратим, бизнинг социалистик жамиятимиз қонунда одамни ботиб қолган ботқоғида ташлаб кетаверилсин, дейилган эмас. Адашганни тўғри йўлга солиш, йиқилганни турғизиш, ботганини қутқариш зарурлиги қайд этилган», деяйликми? Ҳа, худди шундай дейишимиз керак. Ахир, ҳозирги нурафшон жамиятимизда одам одамга дўст, одам одамга ғамхўр-ку! Шиоримиз шу бўлгандан кейин иштихонлик Қаршибойни ҳам, бошқа ерларда учраб қолиши эҳтимол бўлган қаршибойларни ҳам тўғри йўлга солиб юбориш бурчимиздир. Улар, бир кун кўзлари очилиб, эс-хушларини топиб олганларида: «Аттанг, шунча умрим зое кетибди-я! Бирон раҳнамо топилмаганидан ҳафман», дейишмасин.

Фарғоналик Ҳалима Эгамбердиева икки акасининг ота-онасига муносабати ёмон эканидан хафа бўлиб ёзибди:

«Акаларим уйланганларидан кейин ота-онамизни ташлаб чиқиб кетишди. Айб чиқиб кетганларида эмас, албатта. Агар ўзларига яхши макон топишган, яхши яшай бошлашган бўлишса биз хурсандмиз. Лекин бизни бу нарса эмас, бошқа нарса хафа қилади. Иккала акам фарзанд кўрганига, яъни ўзлари ҳам ота бўлганларига карамай, ота-онанинг қадрига етмайдилар. Отам бор эди, онам бор эди, қариб, бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлиб қолишган эди, деб ўйлашмайди. Шунақаям бемехр, беоқибат фарзанд бўладими ахир?!»

Турмуш қурмаган ё фарзанд кўрмаган ёшлар бирон нодонлик орқасида ота-оналарининг ҳурматларини жойига қўйишмаса, уларни фарзандлик бурчинини ўтамадинг, деб айблаймиз. Албатта, бу ишлари ёмон, жуда ёмон. Аммо ўзлари ота ё она бўлиб қолганларидан кейин болалари кўзида ота-оналарини хўрлашса — бунга асти чидаб бўлмайди. Гумроҳликнинг энг баттари-ку бу! Бу хил феъл бадкаср, оқибатсиз кетмайди. Шунинг учун Ҳалимаҳоннинг ғазоби ўринли. Бева отасини ёлғиз ташлаб қўйгани учун андижонлик Шарифжондан қанча хафа бўлган бўлсак, Ҳалимаҳонда норозилик уйғотган акаларининг қилиқларидан ҳам қаттиқ хафа бўлмай иложимиз йўк.

Ота-она фарзанд кули, ширин сўз гадоси. Шунинг учун юқорида ёмон қилиқлари қоралаб ўтилган болалар ва уларга ўхшаганлар ота-оналаридан узр сўрашса, йўл қўйган хатоларини тузатишга астойдил киришишса, ишонамиз, номлари ҳавас билан тилга олинган яхши хулқли замондошлари қаторидан жой оладилар.

Энди суҳбатимизга қадим бир шоирнинг куйидаги тўртлиги билан хотима берсак:

Яша, ўғлон, минг йил яша, даврон сур,  
Лек волидинг кайғусини е, огоҳ юр.  
Алар, билсанг, сени деган инсонлар,  
Сени дебон ўзни қилган қурбонлар!

Фақат узр. Андак таҳрирга эҳтиёж туғилиб қолди. «Ўғлон» сўзи ўрнига «фарзанд» десагу буни ҳамма ўғил-қизлар қулониға баралла эшиттирсак.

Болаларнинг ота-оналари олдидаги фарзандлик бурчлари ҳақида сира чарчамай гапирамиз. Тўғри қиламиз — гапириш керак. Баъзи бир нобоп болаларнинг ёмон қилиқларини, ота-оналарини хўрлаганликларини кўрсак — ғазабланамиз. Буни ҳам тўғри қиламиз — ғазабланиш керак. Аммо шундай пайтларда бир адолатсизликка йўл қўямиз. Болада пайдо бўлган ёмон хулқ-атворда ота-онанинг ҳам айби борми-йўқми — буёғи билан ишимиз бўлмайди. Ҳолбуки, хулқ-атвори ёмон болаларнинг маълум қисми асосан ота-онанинг парвосизлиги ёхуд ёмон тарбияси натижасида шундай аянч аҳволга тушиб қолади. Баъзи ота-оналар фарзандларининг уст-бошлари, қоринлари ғамини ейишади-ю, лекин, афсуски, маънавий ва жисмоний эҳтиёжларини аввал боғчага, кейин мактабга ҳавола қилиб қўйиб, фарзанд тарбиясидаги бениҳоя катта бурчларини бўйинларидан соқит қиладилар.

Бола тарбиясини булардан ҳам ёмонроқ тушунадиган бошқа тоифа ота-она ҳам бор. Бу хиллар болаларининг маънавий ва жисмоний тарбияларигагина эмас; ҳатто оддий тозаликларига ҳам эътибор бермайдилар. Болалари бурунлари оқиб, лойларда булганиб ётсалар ҳам, «ҳеч-қиси йўк, ерда юмаланиб юриб катта бўлиб қолишади, биз ҳам чанг тўзигитиб юриб катта бўлганмиз», дейишади. Улар тоза танда тоза ақл бўлишини эсдан чиқарадилар. Ҳақиқатан ҳам, болалар гўдакликдан тозалikka ўргатилса, ёш, ўсувчан таналари ювилиб, парвариш қилиб турилса ақллари ҳам яхши раванқ топади, ўзлари ҳам кўзичоқлар сингари яйраб ўсишади.

Боланинг кийимига қараб онасини биладилар, деган гап бор. Бу жуда тўғри гап. Бола эғнидаги кийимнинг тозалиги, бенуқсонлиги она назоратида бўлади. Ўзлигини, оналик қадрини билган она боласини ҳеч қачон моғор, кир, йиртик, тугмасиз, ғижим кийимда кўчага чиқармайди. Оналик шаънига ёмон иснод бу. Агар ҳозирги пайтда оналар ҳам оталар сингари ижтимоий хизматда эканларини назарга олсак, бола кийимидаги майда нуқсонда отанинг ҳам айбини онаникидан кам деб бўлмайди. Бу масалада ота ҳам қўлидан келганини қилиши мумкин.

Маълумки, лойни пиширмай ғишт қўймайдилар. Акс ҳолда ғишт ёрилади, қиммати камаяди ё бутунлай ишга ярамай қолади. Шунинг учун уни олдин роса пиширадилар. Шунга ўхшаш, болаларни ҳам маълум шакл олгунларича маънавий жиҳатдан пишириб бориш лозим.

Маънавий жиҳатга эса болада оқ билан қорани фарқ қила бошлаган кунидан тортиб то онги юксак поғонага кўтарилгунча юз берган бутун сифат ўзгаришлари киради. Биз бола тарбиясида кўпинча шу муҳим томонни эсдан чиқариб қўямиз. Натижада болалар гап уқмас, ўзбошимча, баъзан характерлари ёмон бўлиб ўсадилар. Ана ўшандай бепарво ота-оналарга А. С. Макаренконинг «Ҳозирги ота-оналар болаларини тарбиялаш билан мамлакатимизнинг келажак тарихини, бинобарин, жаҳон тарихини тарбиялайдилар», деган ниҳоятда доно сўзини эслатиб ўтгимиз келади.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, ҳар бир ота-она ўзининг тарих яратувчилик ролидан фахрланса арзийди. Дарҳақиқат, тарихда из қолдирган ё жуда муҳим ўрин тутган улўғ кишиларнинг бу юксак мавқега етишларида ота-онанинг хизмати шубҳасиздир. Ана шу шубҳасиз шарафга эришадиганлар болаларини тақдир ихтиёрига ҳавола қилиб қўйиб, ўз ишлари, ўз маишатлари билан банд бўладиган бепарво ота-оналар эмас, болаларини бир парча гўштлик чоғларидан тортиб ақл-идрок, одамият йўлига солиб юбориш учун ҳеч нарчасини аямаган болажон ота-оналардир.

Эсизки, бола тарбиясини нотўғри тушунадиган ота-оналар анча-мунча топилади. Уларнинг назарларида бола тарбияси — қоринларини тўйдириш, уст-бошларини бут қилиш, эс ўргатишдан иборат, холос. Тўғри, бу нарсалар ҳам ота-она зиммасидаги вазифа. Аммо бола тарбияси талаб қиладиган катта вазифанинг бир учирғи, холос бу. Асосий вазифа эса — болани жамиятга муносиб, етук одам қилиб етиштиришдадир.

Ота-она олдига шундай талаб қўйилганда, баъзилари ўзларининг бевосита бурчларини удаларига олишдан қочибми ё тутаётган ишлари янглиш эканини англамайми: «Йўқ, ҳозир бола тарбияси фақат мактаб зиммасида. У ерда пионер, комсомол ташкилотлари бор. Ана шулар тарбия қилишсин, одам қилишсин! Биз ишда бўлсак, қачон боламиз орқасидан кўз-қулоқ бўлиб юрамиз!» деб тўнгиллашади.

Тўғри, бола тарбиясида мактабнинг ҳам, пионер, комсомол ташкилотининг ҳам ўринлари катта. Лекин ижтимоий ишда эканини баҳона қилиб, бола тарбиясидек шарафли бурчдан қочиш, уни бўйиндан соқит қилиш ярамайди. Ахир ҳозирги кунда давлат ё жамоат иши билан банд бўлмаган ким бор? Инсоф билан айтганда, идора ё корхоналарда, дала ё қурилишда ўтадиган хизмат соа-

тимиз боладек азиз жигаргўша тарбиясига асло ҳалақит бермайди. Баъзи ота-оналар ана шундай асоссиз баҳонани рўқач қилишиб, болаларининг юриш-туришларида, ҳатто маънавий ва жисмоний жиҳатларида юз берган ўзгаришни пайқамай қоладилар. Улардаги шу хил ўзгаришни кўриб: «Тавба, бу зингирча шунча ақлни қаердан топди!» — деб ёқаларини ушлайдилар. Бунинг сири шунда — боладаги маънавий ва жисмоний ўсиш бир хилда кетмайди, яъни маънавий ёшлари билан жисмоний ёшлари барабар тараққий этмайди. Бола жисмонан бир неча йил яшаган бўлса ҳам, маънан анча илгарилаб кетади, яъни бола кичик бўла туриб ақли кўп нарсага етадиган бўлиб қолади. Мана шундай ақлий ва жисмоний тараққиёт ўртасидаги фарқни англамаслик орқасида баъзи ота-оналар болаларини жуссаларига қараб, ҳали ёш, ақллари ҳеч нимага етмайди, деб ўйлайдилар-да, болалари олдида бўлар-бўлмас гапни оғизларига олаверади. Дунёнинг оку қорасини тушунмаган бола учун яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам янгиликдир. У бунисини ҳам, унисини ҳам барабар ҳазм қилаверади.

Яхши гап қулоққа мойдек ёкиб ўтади. Яхши гапни айтган кишида ҳам, эшитган кишида ҳам унча руҳий ўзгариш содир бўлмайди. Ёмон гапнинг эса йўриғи бошқа. Айтган ҳам, эшитган ҳам ҳаяжонга тушади, кўзлари олаяди, юзлари қийшаяди. Бир ё бир неча оғиз ёмон гапнинг алғов-далғови болада ваҳм, кўрқишдан кўра кўпроқ кизиқиш уйғотади. Ёмон гап билан одамларни ҳаяжонлантириш мумкин экан, деган қаноатга келади-ю, ёмон сўзни аввал ўйин қилиб, кейин эса одат қилиб олади. Шунинг учун болани ёш, ақли ҳеч нимага етмайди, деб ўйлаш — боланинг ҳар кун эмас, ҳар соат ўсишини, кеча ақли етмаган нарсага бугун ақли етиб қолган бўлиши мумкинлигини писанд қилмаслик деган сўздир.

Мана шу ерда Лев Толстойнинг ўз хотира дафтарига ёзиб қўйган бир ҳикматли гапи эса тушади. «Болалар — ёмонликни катта қилиб кўрсатадиган ойнадир», дебдилар. Ҳақиқатан ҳам, болалар олдида қилинган пашшадек ёмонлик уларнинг кўзига туядек бўлиб кўринади. Шунинг учун ота-она болалари олдида ўзларини ҳар қандай пастбаланд гапдан, айниқса болалар ахлоқиға ёмон таъсир қиладиган бемаза қилиқлардан қаттиқ сақланиши керак.

Ҳар ким экканини ўради: бугдой эккан — бугдой, арпа эккан — арпа. Бола ҳам ота-онасидан олган тарбиясига қараб ўсади. Баъзи ота-оналар тарбиянинг мана шу қалтис томонини эсдан чиқариб, парвслари фалак бўлиб юравердилар. Бир вақт қарасаларки, болалари безори, ўқиш-юриш-

лари ёмон! «Ия, бинойидек бола эди, нима жин урди?» — деб хайрон бўладилар.

Мана шу ерда битта мисолимиз бор.

Тошкент шаҳрининг Киров районидаги милиция бўлимига қарашли болалар хонасига Женя деган бир ўғил бола келтирилди. У ҳали гўдак — иккинчи синфда ўқир эди. Ҳаётда тажрибасиз, оқу қоранинг фарқига бормади. Лекин ёмон иш қилиб қўйди. Магазин ойнасини синдириб кириб, бир пачка шоколадни олиб чиқиб кетаётганида қўлга тушди.

«Ширинлик егиси келиб, болалик қилгандир-да», деяр-сиз. Йўқ, ҳамма бола ҳам бунақа бемаъ依лик қилмайди. Женя магазинга ойнани синдириб кириш — шунчаки нодонлик эмас, ҳатто оддий безорилик ҳам эмас, кўп ёмон жиноят эканини тушунмаган. Мана шу ерда бир савол туғилади: айб бошида ота-онаси бўлатуриб шундай ёмон иш қилган боладами ё боласининг шу аҳволга тушишидан беҳабар қолган ота-онадами?

Мана шу саволга жавоб олиш учун болалар хонасининг бошлиғи Женянинг отасини суҳбатга чақирди. У боласининг милиция идорасида эканини эшитиб дарҳол етиб келди. Лекин боласининг қилмиши уни қизартирмади, аксинча, нашъа қилган кишидай, хахолаб кулди.

— Э, бор бўлинглар! Шунга ҳам ота гўри — қозихонами! Болалик қилибди-да. Хўп, энди қилмайди! — деди беғам ота.

Шу ҳам жавоб бўлди-ю! Боласини бу ёмон қилмиши учун койиш, ўзини бепарво қолганидан қоралаш ўрнига боласини ҳам, ўзини ҳам оппоқ қилиб кўрсатишга тиришди. Кўп ёмон аҳмоқчилик қилган бола олдида унинг шу қилмишини ҳар хил баҳоналар билан оқлаш ўша аҳмоқчиликни қўллаб-қувватлаш бўларди. Бундай кўр-кўрона ҳимоянинг оқибати болани хароб қилиб қўйиши мумкин. Бола отасининг ана шундай ноҳақ ҳимоясидан ҳаволанади, бари бир, отам кутқазиб олади, деб энг ёмон хулқ-атвордан ҳам тоймайдиган бўлади. Шу сабабли бу аянчли ҳодисада боладан кўра ота-она кўпроқ айбдор экани кўриниб турибди.

Яна бир мисол. Тузуккина амалда ишлаб келаётган ўртоқ М. бобош боласининг тарбиясига бутунлай бош қўшмай қўйибди. Унинг ўғли Тошкент мактабларидан бирида ўқийди. Йўқ, ўқувчи номи остида безорилик қилиб юради. Унинг дастидан дод демаган бола, ҳурмати ерга урилмаган муаллим қолмади. Мактаб маъмурияти, ўқитувчилар коллективи уни инсофга келтиролмаганларидан кейин

ёрдам сўраб отасини суҳбатга чақиришди. Бир эмас, бир неча марта қаттиқ илтимос билан чақиришди. Бола бу орада қуйилиш ўрнига бешбаттар суйилиб, мактабини иснодга қолдириш даражасига етиб борди. Шундан кейин милиция бўлимининг болалар хонаси раҳбарлари боланинг отасини ўз хузурларига чақиришга мажбур бўлдилар. Аммо бепарво ота вақти йўқлигини баҳона қилиб келмади.

Балки, ўғлининг хулқ-атворини маъқуллагани ё бола тарбияси билан шуғулланишни ўзига ортиқча юк деб билгани учун келмагандир?

Бунинг сабаби нимада бўлса бўлсин, лекин ёмон йўлга тушиб қолган боланинг отаси шундай кезларда хотиржам бўлиб қолмаслиги, боласини кутқариш йўлида ўт бўлса ҳам қайтмаслиги керак эди. Афсуски, ўртоқ М. оталик шаънига доғ тушириб, бола тарбиясида ўзини томошабин қилиб қўйди.

Биз болаларининг тақдирлари қизиқтирмайдиган баъзи бемехр оталарни мисол келтирдик. Энди ота-оналик меҳрини меъёридан ошириб юбориб, болани эрка, арзанда қилиб қўйиш оқибати ҳақида бир мисол келтирмоқчимиз.

Бир нуроний отахоннинг яккаю ягона ўғли Тошкентда ўқиб юриб, бир қизни яхши кўриб қолди. Қиз ҳам майли билан йигит ишқига олов қалар эди. Кўп ўтмай, икки ёш бир-бирига ошиқ-маъшук бўлди. Қизнинг ота-онаси ҳам оғизларидан бол томизишиб, йигитни куёвликка қабул қилди. Лекин битта шарт билан, «тўёна» қилиб икки ярим минг сўм келтириб берса...

Ҳа, рост гап бу! Сиз бу гапни эшитиб ажабландингиз, мен ҳам бошда сиз сингари ажабланган эдим, лекин «тўёна»нинг асл маъносини билганимдан кейин ғазабландим. Тўёна номи билан қалин сўраётган бу уятсиз ота-онани сиз билмайсиз, шунинг учун уларни замонамизнинг бармоқ билан саналадиган қолоқ фикрли одамлари, деб ўйлайсиз. Йўқ, асло ундайлардан эмас. Қизнинг ота-онаси жамият ҳавозасининг анча баланд поғонасида турадиган, оқу қорани яхшигина тушунадиган пешқадам одамлардан эди. Ҳар ҳолда жамоат кўзида шундай эди. Уларни нима жин урди? Қизи билан бир ёстикка бош қўядиган, эртага ўзлари ҳам «куёвболам» деб атайдиган яқин кишисидан қалин сўрашса-я! Ахир, бу ота-она кадрини, инсон шаънини ерга урадиган кўп ёмон шармандалик-ку! Бу пасткашликни кўрган ё эшитган киши қандай қилиб ғазабланмасин?!

Йигитнинг отаси худди шундай аҳволга тушди. Ўғли кўтариб келган гапга у аввал ишонмади, ишонгандан кейин

эса нима қилишини билмай қолди. Уй-жойини сотиб «тўёна»ни тўла берсинми ё илиниб қолган тузоғидан ўғлини қутқарсинми? У кейингисини қилди. Икки ярим минг сўм тамаси билан келган ўғлини «тўёна»сиз қайтарди. Бу тўғри муомала қизнинг ота-онасига ёқмади. Улар «ҳап сеними!» деб кўнгилларига тугиб қўйишди. Йигитнинг отаси бошқа йўл тутди.

У хотини билан маслаҳатлашиб яшаб турган шахридаги ҳовлиснинг ярмини сотди-ю, ўғли билан бўлғуси келинга Тошкентдан баҳоли қудрат бошпана сотиб олиб берди. Аммо қизнинг ота-онасига ёшлар учун бошпана эмас, нафси балолари учун икки ярим минг сўм керак эди. Улар очикдан-очик шунга талаб қилишди. Йигитнинг отаси инсон номига иснод келтирувчи бу жон савдосига тиш-тирноғи билан қарши турди.

— Ўғлим билан келинимга бошпана керак эди, олиб бердим. Бунинг устига яна қалин талаб қилиш уят эмасми?— деди йигитнинг отаси хит бўлиб.

Қизнинг ота-онаси дўқ-пўписага, муттаҳамликка ўтди.

— Агар сўраган нарсамизни бермасанг, ўғлингни ҳам, ўзингни ҳам қаматиб юборамиз! Яхшиликча бер, бўлмаса турмада чирийсанлар!— дейишди.

Йигитнинг отаси бу гапни қўрқитиш учун айтилган шунчаки бир дўқ деб ўйлади. Дарҳақиқат, дўқдан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас эди. Ахир, тўёна бермаган киши қамалсин деган қонун йўқ-ку бизнинг жамиятимизда! Шунинг учун у қудаларининг тузоғига яна илинмади.

— Йўқ, дўқ-пўписа билан иш битмайди, куда,— деди у.—Келинг, ўртага пул говини ташлаб қўйиб, ёшларни саргайтирмайлик. Йигит томонидан бўладиган тўй харажатини мен кўтарай, қиз томониникини сизлар кўтаринглар.

Қудачанинг жон-пони чиқиб кетди. У ёнида ўтирган эрига қачқирди:

— Қизингизни сувтекин олиб кетишмоқчи, гапирсангиз-чи лаллайиб ўтирмай! Йўқ, сиз берсангиз ҳам мен бермайман қизимни!— деди ноинсоф она.

Хотинининг шанғиси қудани ўдағайлантириб юборди. У, худди тутиб урадиган кишидек, қудасига ўшқирди:

— Ҳали шунақами?

Йигитнинг отаси ўзини босди. Мулоим товуш билан беозоргина қилиб:

— Ҳозир таомил шу, жон куда,— деди.

— Таомил! Таомил! Бўлди, сенларга берадиган қизимиз йўқ!

Гап шу билан битди. Йигитнинг отаси хомуш чиқиб кетди. Орадан икки кун ўтмай, йигит тухматга учради. Йигитнинг отаси боласини қуруқ тухматдан қутқариш учун бошини ҳар ёнга урди — бўлмади. Ахийри «қудалар»никига бошини эгиб борди. Қизнинг ота-онасига шу керак эди.

— Нодон одам экансиз, тўй харажатини сиз ўзингиз қилдингиз нимаю биз қилдик нима. Пулни чўзаверинг!— дейишди.

Йигитнинг отаси ўғлига ҳам, бўлғуси келинига ҳам ачинди. Улар не-не умид билан қурмоқчи бўлган бахт уйлари бузилиш хавфида эди. «Шу балоҳўр ота-онанинг оғзига пул билан урсам, болаларнинг бахти сақланиб қолармикан», деди-ю, йигитнинг отаси ошна-оғайниларидан минг сўм кўтариб келиб қудаларига берди.

Йигит тухматдан қутулди. Тўй бўлди. Аммо тўй ўтар-ўтмас, қудалар қолган бир ярим минг сўмни талаб қила бошладилар. Орада қаттиқ жанжал чиқди. Қизнинг онаси келиб қилди тўполон, қилди тўполон! «Қарзингни тўламайдиган бўлсанг, мана сенга!» деб янги уйнинг яқинда солинган дераза ойналарини битта қўймай синдирди. Нодон хотин қизидан, куёвболасидан уялмай қудасини кўп беҳурмат қилди. Қизини ҳам қайраб, жанжалга солди. Шу ота-онанинг тарбиясини олган, шу ота-онасига ўхшаб қолган қиз бирдан ўзгарди. Энди у ҳам қайнотасига қарши чопонини тесқари кийиб олди. Охирида «келин» қайнотасини уйдан ҳайдади. Бечора чод, «мен кетсам, ўғлимнинг қулоғи тинчирмикан», деб уйдан чамадонларини кўтариб чиқиб кетаётганида «келин» йўлини тўсди:

— Қарзингни тўлаб кет, муттаҳам! Бўлмаса, бу ердан ўлигинг чиқади!— деди у онасидан ўрганган бешармлик билан.

Қайнота ўзини хоксорликка солиб бўлса ҳам чиқиб кетмоқчи бўлди. «Келин» қайнотасининг кўзи аралаш бурнига мушт туширди. Чолнинг бурнидан шариллаб қон кетди. Ияги, уст-боши кип-қизил қон бўлди. Аммо шунда ҳам у бир нима демади. Аламини ичига ютиб чиқиб кетди.

Биз келтирган мисол — замонамиз кишилари томонидан аллақачонлар лаънат тамғаси босилган қора ўтмишнинг қора доғларидан биридир. Феодализмнинг бу хил сарқити қаерда, қандай вазиятда зуҳур этмасин, биз бундан қаттиқ нафратланамиз. Шу учун бу ярамас ҳодисанинг бошқа томонларини қаламга олиб ўтирмадик. Нуроний ота бошига тушган қатта бахтсизликнинг шу кичкина лахтагининг ўзиёқ нафс балоларини болаларининг бахтларидан юқори

қўйган худбин ота-оналар бола тарбиясида жуда катта хатога йўл қўяётганларини кўрсатади.

Биз бешарм «келин» қилигини кўриб: «Тавба, бундай бетайин ёшлар қаерда етишгану қаерда тарбия олишган?» деб ёкамизни ушлаймиз. Бундай ярамас хулқ-атворни ўқиган мактабларида ё ишлаб турган коллективларида орттирган эмаслар, албатта. Юқоридаги мисолимиздан ҳам кўриниб турибдики, улар бунақа ёмон қилиқни, бузуқ одобни бола тарбиясининг нима эканини тушунмаган баъзи фаросатсиз ота-оналари бағрида орттирадилар. Минг афсус, ана ўшандай фаросатсиз ота-оналар фарзандларини бахтли қиламан деб бахтсиз қилаётганларини англамайдилар. Шунинг учун болаларини бирдан-бир бахт манбаи бўлган меҳнатга, садоқатга, ҳалолликка, вафога, турмушнинг оғир-енгилликларига кўниктириш, ўргатиш ўрнига қўлларини совуқ сувга урдирмай папалайдилар, уларни ширин оила қуришга яроқсиз қилиб ўс-тираётганларини пайкамайдилар, демак, мухит талабини ё тушунмайдилар, ёки писанд қилмайдилар. Калта ўйлайдиган мана шу хил ота-оналар ўзлари ҳам билмасдан болаларига жабр қилиб қўядилар. Ҳар қандай мартабага ҳалол меҳнат билан, ҳар қандай яхши фазилатга заҳмат билан эришилади. Бундай нарсалар ҳеч қачон ота-онадан фарзандга мерос бўлиб қолмайди. Фарзанд ўз мартабасини ҳалол меҳнати билан, одамийлик фазилати билан, жамият ишига жонкуярлиги билан, катталарга беғараз ҳурмати, кичикларга олижаноб шафқати билан, ватанига, халқига гардсиз садоқати билан топади. Ота-оналар шу ҳақиқатни тушунишлари, ўғил-қизларини биз юқорида мисол қилиб келтирган «келин»га ўхшатиб қўйишдан сақланишлари керак. Чунки оила ишини ёлчитмаган киши жамият ишини ҳам ёлчитмайди. Гўдакликларидан ота-она тарбиясини кўрмаган киши тор инида ўрганган дағалликларини, кеккайишларини коллективда ҳам қўймайди. Натижада у ҳамманинг назаридан қолади, бадном бўлади. Хўш, бунда ким айбдор? Бу хил одамлар ёмон хулқ-атворни қаердан оладилар?

Очигини айтганда, булар бурунларини кўтарган баъзи оилаларда, турмушнинг паст-баландини кўрмай, тирикчилик чиғиригидан ўтмай ўсган «арзанда»лардир. Буларнинг она-оналари эса амал ва мартабалари билан димоғлари шишиб болаларини тарбиялашга вақт тополмай қолган латтабиат кишилардир. Катта маошга таяниб яшайдиган бу хил оилаларда, афсуски, болалар ҳаёт кадрига кўпинча етмайдилар. Улар ота-оналарининг анча-мунча нарсани

менсимаганликларини кўриб, турмушни осон деб ўйлай бошлайдилар.

Бундай ота-оналар болалари кўзида пулнинг кадрини ошириш ўрнига уни шартта-шуртта сарф қилиб қимматини туширадилар. Улар болаларни пулга ўргатиш кўп ёмон нағса эканини англамайдилар-да, арзандаларининг чўнтакларига «майда харажатлар» учун катта-катта пуллар солиб қўядилар. Бола ҳам бемехнат, беташвиш чўнтакка кирган пулни ҳеч аямай совуради, чунки ота-онаси яна беришини билади. Бу нарса ақли тинмаган болани меҳнат қилмай ҳам яшаш мумкин экан, деган ғоят хатарли тушунчага олиб келади. Оқибатда, бола ишга бўйни ёр бермайдиган, тайёрга айёр бўлиб яшайдиган чинакам текинхўр бўлиб ўсади.

Ота-онадаги латтафаҳмлиқнинг касри шу билан тугаса — бу ҳам бир шўр. Аммо бу шўр фожиага айланиши мумкин. Ота-оналаридан оладиган мўмай-мўмай пулларни ўзларининг маънавий равнақлари учун зарур бўлган фойдали нарсаларга эмас, ҳаром-хариш ишларга, ҳавойи маишатларга, бачкана кийим-кечакларга сарф қилиб ўрганиб қолган бу хил болалар ота-оналарининг моддий эътиборлари сал сусайди дегунча жамият қонунларини бузишдан ҳам тоймайдилар. Оқибатда, ота-онанинг нотўғри «тарбияси»нинг қурбони бўлиб, жиноятчиларга айланадилар. Бу — бола тарбиясининг нотўғри йўли.

Ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечирадиган оилаларда эса бола тарбияси бутунлай бошқача. Буларда болалар муштдайликларидан турмуш ташвишларига ўрганадилар. Чунки пешона тери билан топилган пулнинг ҳар бир тийинини ота-оналари тежаб-тергаб сарф қилганларини кўриб, кўзлари пишиб боради. Бундай оилаларда тирикчилик эҳтиёжларига сўмлаб эмас, тийинлаб сарф қилинади.

Болалар ҳам сўмларни эмас, тийинларни кўрадилар. Шунинг учун улар тийин кадрига, шу тийинни топиб келган ота-она меҳнатининг кадрига етадилар. Бу — бола тарбиясининг тўғри йўли.

Ёш бола нимаю юмшоқ мум нима. Мумдан хоҳлаган шаклингизни ясай биласиз. Шунга ўхшаш, болани ҳам ёшлигида истаган йўлингизга солишингиз мумкин. Бола яхши билан ёмонни катталардек равшан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам ёмон нарса қилаётганида ичидан эзилмайди, қилаётган нарсаси ёмонлиги ҳатто парвойига ҳам келмайди. Агар вақтида ёмон қилиқлардан тортиб, яхши хулқ йўлига солиб юборилса, болада ёмон нарсадан

қочиб, яхши нарсага интилиш ҳисси кучаяди. Бу ҳис бора-бора уни ўз ҳукмига олади.

Энди юқоридаги саволларга жавоб берайлик. Албатта, у кишининг шунақа дағал, бадфеъл бўлиб қолишига энг аввал ота-онаси айбдор. Уни болалик чоғларидан тўғри йўлга солиш ҳаракатида бўлмаганлар, ёмон хулқ-атвордан вақтида сақламаганлар. Хулоса қилиб айтганда, ота-онанинг энг зарур, энг муҳим вазифаси — болаларини ёшликдан меҳнатда тоблаш, суякларини меҳнат билан қотириш, меҳнат билан топилган моддий бойликни қадрлашга ўргатиш, уйда ҳам, коллектив орасида ҳам бир хилда жонбозлик кўрсатадиган қилиб тарбиялашдир.

Юқоридаги сатрлар жамият ҳавозасининг баланд поғоналаридан бирида туриб, бола тарбиясини унутиб қўйган баъзи парвосиз ота-онадан шикоятимиз эди. Энди ана ўшандай баланд ҳавозада туриб ҳам бола тарбиясини, ўзлигини унутмаган асил инсонлар ҳақида ҳикоямиз бор.

Хурматли Акмал Икромовнинг сеvimли номини ё шонли ишини эшитмаган киши кам бўлса керак республикамизда. 1917 йилдан бошлаб инқилоб йўлига кирган, буюк Ильичдан таълим олган, Ленин партиясининг содик фарзанди, коммунизм ғояларининг жонкуяр курашчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлмиш бу тоза қалб, тоза виждон эгаси иш жойида ҳам, оила даврасида ҳам ўзини ҳаммавақт бир хил тутар, болаларини ҳам ўзига ўхшаш содда, меҳнаткаш, ҳалол, соф виждон кишиси бўлиб етилишга ўргатар эди. Акмал аканинг ўғли Ургут Икромов ота тарбиясини эслаб ёзади:

«Ўттизинчи йилларнинг бошида мамлақатимизда аҳвол оғир эди. Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат етишмасди. Ўшанда биз ҳам тўйиб овқат еёлмасдик. Бир куни нима бўлди-ю, уйимизда жиз-биз маъмур бўлиб қолди. Икки кунгача отам ҳайрон бўлиб, уй бекамизнинг ширин таомини мақтаб юрди. Сўнг кўкқисдан овқат маҳалида сўраб қолди:

— Буларни қаёқдан оляпсиз?

— Даладан, ёрдамчи хўжаликларингиздан келтириб беришяпти,— деди Лиза опа.— Ахир, қачонгача тўйиб-тўймай ўтирамыз, ўртоқ Икромов?

Отам қаттиқ тегди:

— Иккиламчи бунақа қилманг. Ўша ёрдамчи хўжалик мудурига айтиб қўйинг — бунақа иш учун партиядан ҳайдашади!

Ўша очарчилик йилларида отам ҳатто биз фарзандларига ҳам қаттиқ қўл эди. Ҳар йил ёзда мени оддий пионер

лагерига жўнатишарди. Болалар санаторийларига ёки бошқа жойларга юбориши мумкин эди-ю, лекин ҳар доим: «Ҳамма бола қанақа бўлса, ўшанақасиз», «Сизларнинг ортиб кетган жойингиз йўқ», «Арзанда бўлиш керак эмас», деярди...

Отам бизнинг ўқишимизга ҳар вақт кўз-қулоқ бўлиб турарди. Нимани ўқиётганимизни суриштирарди, ўзи билан кино-театрларга олиб борарди... Кийим-кечакнинг ҳам яхшисини кийдирмасди. Ўзига ўхшаш содда кийинишни талаб этарди. Эсимда, укамга узун, ростмана шим олиб беришди. Укам бирам суюндики! Ўша куниёқ деворга осилиб, тиззасини йиртиб олди. Кейин ана шу тиззаси ямоқ шимни то тор келиб қолгунча кийиб юрди...

Ҳаммамиз ёшликдан меҳнатга ўргатилдик. Кўп ўқиш-ёзишдан ташқари, жисмоний меҳнат билан ҳам машғул бўлардик. Ҳовлимиздаги сабзавотларни, кўчат тағларини чопардик, ўтин ёрардик, ишқилиб, уй ишларининг ҳаммасини ўзимиз эплардик. Пахта бўлмай қолган йили (совук эрта тушган эди) Тошкентдаги ҳамма хонадонлар сингари бизникида ҳам кўсақ чувилган. Ҳаммамиз олдимизда уйилган кўсақ атрофида ўгириб олиб чувир, пахтасини қуришиб топширар эдик. Ҳар йили ипак қурти олиб, ҳовлимиздаги улкан тут барги билан боқардик. Бу ишлар биз болаларнинг вазифамиз эди...»

Юқорида ўқиганингиз сатрлар бундан 30—32 йил аввалги воқеаларни кўз олдимизга келтирса ҳам, лекин таровати билан ҳозирги кунимиз талабидай жаранглайди. Биз ана шундай жарангни Турғун ота мисолида кўрамыз.

Бу табаррук кексанинг умри халқ ва партия хизматида ҳалол меҳнат билан ўтаётгир. Кексайиб шахсий пенсияга чиқсалар ҳам, ўзларини ҳамон эл хизматидан тортмайдилар. Ўз болаларигагина эмас, маҳаллаларидаги ёш-ялангларга ҳам отахонлик қиладилар. Ана шу табаррук чол катта ўғил-қизларини уй-жойлик қилди-ю, Кенжасига келганда ипнинг учини узун ташлаб қўйди. Ташқаридан қараганда кишига яна битта келин кўриш малол келаётгандек туйилиши мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, хотини: «Ўғлимизни уйлантириб қўяйлик, ёш умри ўтиб кетяпти», деб бир неча бор гиди-биди ҳам қилди. Турғун ота эса ҳар гиди-бидида: «Хотин олиш қочмайди, олдин ўқиб, бирон ихтисос эгаси бўлиб олсин, кейин», деб қўя қолади. Шунинг учун Кенжамиз кўнглига ёққанини ўзи топар дебми, она ҳам қиз қидирмади. Ниҳоят, Кенжа олий мактабни битириб, инженер бўлиб чиқди. Ана шундан кейин ота ҳам, она ҳам, Кенжанинг ўзи

хам ҳаракатга келди. Она ўғлидан танлаган қизи борми-йўқлигини сўраган эди, у бир профессорнинг қизи билан яқинлигини, агар қиз рози бўлса ўшанга уйланиш майли борлигини айтди. Онаси: «А-а?»— деди-ю, ўйланиб кетди. Унинг сачрайдиган, болаларига бақирадиган одати йўқ эди. Ўғли онасининг меҳр ёғилиб турган иссиқ юзидан кўзларини узмай ўтирарди. Охирида она секин гап бошлади:

— Профессорнинг қизи, дейсан, қанақа бўларкин, болам? Рўзғор ишларига уқуви бормикин, суриштирдингми?

Кенжа билмас эди, шунинг учун елкасини қисиб:

— Қайдам, ойи,— деди. Кейин кулимсираб ҳазиллашди:— Уқуви бўлмаса ўргатасиз-да, ойижон. Катта келинларингизни ҳам болам-бўтам деб юриб йўлга солиб олдингиз-ку.

Она яна ўйланиб кетди: «Катта келинларим баланд охурдан ем еган катталарнинг қизлари эмас эди. Бу профессорнинг қизи бўлса... Катта мартабали кишилар уй ишларини хизматкор солиб қилдиради, дейишади. Хизматкор бор уйда арзанда киз қўлини совуқ сувга урармиди?..»

Бу ўй онанинг юрагини ўйнатиб юборди. Кўнглига келган гапни жуда эҳтиётлик билан ўғлига айтди:

— Келинчак деган супурги ушлашни билмай ё супурги ушлашдан ор қилиб, ахлатга беланиб ўтирса, уяг-да, жон болам. Шунақа келинчаклар йўқ эмас, бор. Қозон осишни билишмайди, қайнанаси пишириб берса ейишади, мабодо қайнанаси бўлмаса-чи? Эрлари ишдан келиб пишириб беришлари керакми? Профессорнинг қизи ҳам ўшанақа тайёрхўрлардан бўлса-чи?

Кенжа, чиндан ҳам, қизнинг қанақалигини билмас эди, шунинг учун бир нима демади.

Она кўнглига келган гумонидан чолига ёрилган эди, у киши «соддасиз-да», дегандай қилиб кулди.

— Профессор бўлса нима? У ҳам сизу бизга ўхшаган одамми? Одам. Шундоғ бўлгандан кейин одамлик шартини унутиб қўймагандир?

Хотини елкасини қисди.

— Қайдам.

— Йўқ, онаси, қайдам-пайдам деманг. Кўнглини тўқ тутаверинг. Ҳа, агар профессорликка етган бўлса, биласиз, бу кичкина мартаба эмас, ҳалол меҳнат билан етгандир? Ҳа-да. Эл юрган тўғри йўлдан юргани учунки шу мақомга эришибди, ҳа, болалари ҳам ўзига ўхшаган боодоб, меҳнаткаш, одамиятли деяверинг. Ўзи ундоғ бўлса-ю, боласи бундоғ бўлса, унақа одамга садқаи профессорлик!

Хотини мулзам бўлган кишидек жим бўлиб қолди. Турғун ота хотинининг феълини яхши биларди. Демак, хотини нимадандир норози.

— Кўнглингиз тўлмади-а гапимдан, онаси?— деди Турғун ота, хотинининг кўнглидагини билмоқчи бўлиб. Хотини аста бошини кўтарди.

— Нимага? Гапингиз тўғри. Лекин анови бухороликка тушган келиннинг қилиғи мени чўчитяпти. Эшитгандир-сиз, у ҳам бир каттакон олимнинг қизи эмиш.

Турғун отанинг жаҳли чикди.

— Қизини шундай бетамиз қилиб қўйган отанинг олимлигига вой, ҳа! Асил олим бўлса-чи, қизи қайнатасини қувиб чиқарса бир чеккада томошабин бўлиб турмас эди. Ҳайф олимлиге!

— Шунини айтаман-да, дадаси,— деди кампир қуйиниб.

Турғун ота жаҳлидан тушиш учунми, узоқ жим ўтирди. Кейин узр сўраётгандек, хотинига қараб жилмайди.

— Йўқ, хавотир қилманг, онаси. Кенжангиз топган қизнинг отасини мен яхши биламан. Тўғри, жуда катта олим. Шахримизда тўртта катта олим бўлса, у киши биттаси. Аммо асил одам, қўрқманг, ҳаракатингизни қилаверинг,— деди Турғун ота ўрнидан туриб.

Шу-шу тўй ўтди, профессорнинг қизи бинойидек келин бўлди. Қайнанасининг қўлидан ишини олди, уй ичларини ёғ тушса ялайдиган қилиб тоза тутди, идиш-оёқларни вақтида ювди, ҳамма ишни бир зумда саранжомлаб қўйди. Кенжанинг онасига шундоғ жон кирди-қолди. Кимни кўрса, қаерда бўлса келинини мақтайди:

— Профессор қудамдан айланай! Қиз тарбияламабди, ҳури тарбиялабди. Қани энди фалончи олимнинг қизиман, фалон мактабни битирганман, фалон ерда ишлайман, деб димоғ қилса! Йўқ, ой деса — ой, кун деса — кун!

Кенжанинг онаси келинини мана шу тақлид бошига кўтаради. Демак, келин профессорнинг талтайган қизи бўлиб қолмаган, аксинча, баланд мартабада туриб ҳам одамшавандаликни унутмаган ота-онасидан чиройли ахлоқни, меҳнатсеварликни, одамларга одамларча муомала тартиқини ўрганиб келибди.

Мана шу ерда битта савол туғилади:

— Фарзанди ана шундай боодоб, одамшаванда келин ё куёв бўлиб етилиши учун ота-она албатта олим бўлиши шартми?

Йўқ, шарт эмас. Аммо ота-она фарзанд тарбиясини ўзининг зиммасидаги муқаддас бурч деб биладиган онгли мураббий бўлиши шарт. Бу масалада ота-она қанчалик



синчков, қанчалик ўткир бўлса, фарзандлари ҳам шунчалик одамшаванда, шунчалик заршунос бўлиб етиладилар.

Бола ҳам катталар сингари ширин сўз гадоси. Ширин сўз билан бола ичида яшириклик ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. Бу эса бола ҳам катталарга ўхшаш ҳурматгалаб деган сўз. Ҳурмат билан қилинадиган муносабат болада ишонч, очиқ гапга майл туғдиради. У юрагида пайдо бўлган ҳар қандай ҳавасни яширмай айтади. Ҳаваси яхши бўлса — ота-онасидан мадад олади, ёмон бўлса — тушунтиришгандан кейин қайтади.

Борди-ю, бола кўнглининг нозиклигини қадр қилмай кўпол муомала этдик? Унда бола ўжарлик қобифига кириб беркинади. Зўрласангиз ҳам кўнглидагини айтмайди, айтадиган гапи «ўзим»дан нарига ўтмайди. Ҳар қанча уринсак ҳам, бу «ўзим» тагида нима маъно борлигини билолмаймиз. Бу ҳол унинг кўнглига қараб иш тутиш имконидан бизни маҳрум этади. Оқибатда, биз болани қизиқтирган ё бездирган нарсадан беҳабар қоламиз.

Ота-онадан лозими эса юмшоқ муомала билан бола кўнглига йул топиш, унинг юриш-туришига дурустроқ зеҳн солиш эди. Кўпинча биз бундай қилмаймиз. Ё бепарво қоламиз, ё кўпол муомала қиламиз. Бир вақт қарасакки, бола бўларича бўлиб бўпти. Яхши бўйса-ку — хайр, ёмон бўлса сочимизни юлиб, нима қиларимизни билмай, нуқул болани қийимиз, сен унақа, сен бунақа деймиз, ҳатто уни ҳақорат қилишдан ҳам тоймаймиз. Инсоф билан айтганда, бу ахвол бизнинг ҳушёр, тадбиркор ота-она эмаслигимизни билдиради.

Тўғри-да, бола хулқи — ачиган қатик эмас, ўз-ўзидан бузилмайди. У ёмон қилиқни кўчадан, беодоб болалардан ўрганайди. Бунда яна ота-она айбдор. Шунинг учун айбдорки, бола тарбиясида мактаб, оила ва муҳит билан бир қаторда кўчанинг ҳам аҳамияти катталигини эсдан чиқарадилар. Ҳолбуки, бола мактабда — муаллимлари, уйда — ота-оналари назоратида бўлса, кўчада — ўз ихтиёрида бўлади. Шунинг учун бола тарбиясида кўча ахлоқи нақадар муҳимлигини ота-оналар назарларидан қочирмасликлари керак, акс ҳолда...

Собир ака ўглининг ерда юришига кўнгли бўлмай, уни бошида кўтариб юради. Бу нарса эркатой болани ҳаволантирмай қўймайди. Шунинг оқибати бўлса керак, у кўнглига нимаики келса қилади — яхши нарса бўлса ҳам, ёмон нарса бўлса ҳам ўйлаб ўтирмайди. Яхши нарса қилса-ку дуруст, баракалло, дейиш керак, ёмон нарса қилса-чи?

Собир ака терговчи кабинетининг эшиги ёнидаги стулда

мулзам бўлиб ўтирибди. Миясига бирдан-бири ваҳимали ўйлар келади. Терговчининг довдиратиб қўювчи саволларига қандай жавоб берар эканман деб ваҳм ейди. Шу эзилиб ўтиришда ўглининг ҳамма шўхликлари, ҳатто ёмон хулқлари кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Илгари ўгли тўс-тўполони билан осмонни бошига кийиб юрган пайтлари, Собир ака ҳеч қачон бунақа ўйларга берилмаган эди. Агар қўшниларидан биронтаси:

— Собир ака, Ғофиржонингизни тийиб қўйсангиз, боламни уриб, оғзи-бурнини қон қилиб юборибди,— деса, у асло пинагини бузмай:

— Урса нима қилибди! Ёш бола, уришади, ярашади, шунга ҳам ота гўри — қозихонами! Боринг, ўглинг унақа, ўглинг бунақа, деб ҳадеб менга кўз ёши қилиб келаверманг. Ҳа, ўглингизга айтиб қўйинг: калтак егиси келмаса Ғофиржоннинг жиғига тегавермасин! — деярд эди.

Энг ёмони шу эдики, у бу ноҳақ гапни ўғлидан хилватда эмас, ўглининг олдида айтарди. Ғофиржон бундан ҳаволанар; кўчада ўзидан кичикни тағига босиб дўппосласа, каттага тош отиб безорилик қилар эди.

Бора-бора болалар безиб, у билан ўйнамайдиган бўлишди. Бу нарса Ғофиржоннинг кўзини очиши керак эди. Лекин ундай бўлмади. Ғофиржон бошқа маҳаллардаги ўзига ўхшаш бебош болалар билан дўст тутиниб, ёмон кўчага кириб кетди. Аввал ҳар хил мишмишлар тарқалди. Биров: «Собир аканинг ўгли киссавур бўлиб кетибди», деса, яна биров: «Кечалари хилват жойларда йўл тўсиб, одамларни талар эмиш», деярди. Бу хунук гаплар Собир аканинг қулоғига етмади эмас, етди. Лекин у парво қилмади. «Биров қўлидан ушлаб олибдими?! Одамлар гапираверишади-да!» дерди.

Собир аканинг хотини боласининг ноҳўя ҳаракатларидан ҳар вақт ташвишда юрарди. Кейинги мишмишлар она қалбини чилпора қилиб ташлади. У зору зор йиғлаб эрига ялинди:

— Жон дадаси, менга раҳмингиз келмаса, болангизга раҳмингиз келсин! У ёмон йўлда юрибди, ҳамма айтяпти, ўзим ҳам сезяпман. Ҳали кеч эмас, қўлга олайлик. Насиҳат қилинг. Нимаики ёмонлик қилса, ёш дедик, ўғил бола шўхлиги дедик, мана, оқибати нима бўлди? Келинг, жон дадаси, ёмон йўлдан қайириб олинг, бир кун эмас, бир кун қақшаб қолмайлик тагин!

Собир ака:

— Э, бор-э, нафасингни совуқ қилма! — деб хотинини жеркиб ташлади-ю, парвойи фалак бўлиб юраверди.

Гофиржон кеча кечқурун кўчага чиқиб кетганича уйига келмади. Сахарлаб эшикни бир милиционер келиб тақиллатди.

— Тез кийиниб чиқинг, участкага чақиршияпти сизни, — деди у.

Собир аканинг ранги ўчиб кетди.

— Ўзи нима гап? — деди эсхонаси чиқиб.

— Ўглингиз...

Собир ака кўз ўнги тиниб қичқирди:

— Йўғ-е?

— Ха.

Мана, Собир ака милиция участкасида ўтирибди. Уни бу ерга милиционер эмас, бола тарбиясига бепарво қараганлиги келтирди...

Бола тарбиясига оид ҳар хил мисоллардан анча-мунча келтириш мумкин эди, лекин болаларни ёшликдан талтайтириб, эрка қилиб ўстириш, уларнинг хулқ-атворларига, ўқиш-ўрганишларига, юриш-туришларига бепарво қараш нақадар ёмон оқибатларга сабаб бўлиши шу биргина мисолдан кўриниб турибди. Шунинг учун бола тарбиясида кўча таъсирига ҳушёр бўлиш, унинг заррача зарари сезилганда болани бу ёмон таъсирдан қутқазиб пайига тушиш керак.

Маълумки, ҳар бир ота-она, ҳар бир мактаб болани тарбиялаб катта ҳаётга узатади. Ҳаёт эса жуда талабчан. Шу сабабли, унинг баданимиздаги хилма-хил томирлар ва томирчалар сингари ҳар ёкка чўзилиб кетган чигал йўлларида адашиб қолмасликлари учун болаларимизнинг қадамларини ёшликларидан тўғри ташлатиришимиз, бу масалада раҳнамо бўлишимиз зарур. Ёшликда чалишган қадам умрни армонда ўтказиши. Ҳа-да, ҳаётга очиқ кўз, равшан ақл билан кириш, омонсиз зарбаларга учрамаслик чораларини кўриш, яъни ёмон йўлни қўйиб, яхши йўлдан бориш — абадийлик йўлидир. Шу йўлдан борган кишининг номи ўчмайди, унинг шони умридан узоқ яшайди.

### ОҚКЎНГИЛЛИК

Ота-онадан лозими — бола дилини гавҳардек тоза, тилини новвотдек ширин қилиб тарбиялаш экани ҳақида анча батафсил сўзлашиб олдик. Лекин бу мавзу ҳам ўзича бир дунё, бу ҳақда қанча далил, қанча мисол билан баҳс этмайлик, яна айтадиган гапимиз қолади. Ана шундай гаплардан бири — оқкўнгиллик масаласидир. Бу масалага юқоридаги суҳбатларимизнинг мантикий давоми деб қара-

сак тўғри қилган бўлармиз. Келинг, одамларимиздаги оқкўнгиллик каби яхши фазилатлар ҳамда уларга доғ туширадиган баъзи иллатлар устида ҳам тўхтаб ўтайлик.

Маълумки, оқкўнгил одам ҳар қачон бошқалар бахтига, уларнинг хизматдаги ё шахсий ҳаётдаги ютуқларига худди ўз бахти, ўз ютуғи каби қараб қувонади. Агар бу қувонч замирига чуқурроқ разм солинса, юксак, олижаноб бир маъно тантанаси кўзга чалинади. Оқкўнгил одам шахслар бахтида жамият бахтининг инъикосини кўради!

Лекин ичиқора, бахил, зикна одам бировнинг бахтини ҳам, ютуғини ҳам кўролмайди. Бундайлар ичиқоралик қилиб: «Менда-ку йўқ, сенда нима учун бўлиши керак!» дейдилар-да, бахиллик қуткусининг қуллари бўлиб қоладилар.

Хўш, бундай ярамас қилик, яъни бахиллик қаердан пайдо бўлади?

Албатта, бахиллик қон ё жон билан ўтадиган физиологик ҳодиса эмас. Ҳар қандай чақалоқ яхши фазилатни ҳам, ёмон иллатни ҳам кейин — яшаш, ўсиш жараёнида орттиради. Агар шундай бўлмаса, ёмон хулқ-атворли ота-онанинг боласи ҳар вақт ёмон, яхши хулқ-атворли ота-онанинг боласи ҳар вақт яхши бўлиб ўсиши керак эди. Аммо ҳаётда, ҳақиқатда бундай эмас. Аслида болани чинакам инсон қилиб етиштирадиган, уни ёмон хулқ-атвордан сақлаб тарбияладиган энг катта, энг бообрў мураббий — ота-она, оила муҳити ё шу оилада ота-она ўрнини босган катта ёшли одамлардир. Булар назорати бўлмаса, мактаб ҳам, пионеркомсомол ташкилоти ҳам қийин аҳволга тушиб қолади. Шуниси ҳам борки, ҳар бир ота-она боласининг хулқ-атвори, ақлий-жисмоний томони қандай бўлишидан қатъи назар кам-кўстсиз ўсишини, оилада, ҳаётда бахтли бўлишини истайди. Шу табиий истак майли билан баъзи оилаларда ота-оналар болаларини кичикликларида қўғирчоқдек ясатишади, қўллари совуқ сувга урдирмай папалашади, эркатой, тантик қилиб ўстиришади. Натижада бундай болалар инжиқ, ичи тор, зикна бўлиб етилишади. Буларда бориға қаноат қилиш, йўғига кўникиш хислати бўлмайди. Аксинча, кўнгиллари туссаган нарсани ҳар қандай тадбир билан, ҳаром-хариш йўллар билан бўлса ҳам муҳайё қилиш тараққий топади. Агар мана шундай майл томири вақтида қирқилмаса, у болани охирда маънан майиб қилади. Бунақа бола ота-онанинг қудратли паноҳидан ҳаволаниб, уйда ҳеч кимнинг гапини қулоққа олмайди, мактабда синфдошларини, ҳатто муаллимларини ҳам назарига илмайди, коллективда ҳамма ўзини барабар тутиши кераклигини писанд қилмайди. Бу

хулқ-атвор болани катта ҳаёт қийинчиликларидан, яъни ҳар қандай бола катта бўлганида дуч келадиган меҳнат машаққатларидан қўрқадиган қилиб қўяди.

Меҳнат қийинчилигидан қўрқадиган одамнинг психологияси маълум. У осон, енгил йўл билан тирикчилик қилиш пайига тушади. Охирда у ҳавойи, енгил-елпи ҳаётга ўрганиб, ўзининг инсонлик шарафини ҳам, жамият олдидаги бурчини ҳам унутди-да, майда, бачкана, қирриқ одамга айланади. Бундай қирриқлар ҳаётда шараф тополмаганлари, тева-ракдаги одамларнинг ҳурмати қозонолмаганлари учун бошқаларнинг ҳаётдаги, меҳнатдаги ютуқларига, эл орасида топган ҳурматларига ҳасадланиб, ичлари куйиб қарайдилар.

Баъзи оталар кўпинча оналар болаларига бўлган меҳрларининг қуллари бўлиб қолиб, бу меҳр нотўғри изҳор қилинганда келтирадиган зарарни кўрмайдилар. Агар шу тақлид нотўғри меҳр чуқурроқ таҳлил қилинса, бунинг касри ўз болаларигагина эмас, бошқа болаларга ҳам урганини кўрамыз.

Мана бу воқеага бир диққат қилинг-а. Яқинда бир танишим қизининг туғилган куни муносабати билан меҳмончақирқ қилди. Иккита камбағалнинг тўйини бемалол обод қила оладиган тўкинлик тўғрисида гапирмаёқ қўяйлик. Майли, юртимиздаги маъмурчиликнинг нишонаси бу. Дастурхонда одам жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Меҳмонлар ҳам кўп. Ҳали қўл урилмаган дастурхон атрофида нуруний чолу кампирлардан тортиб, мийиғи энди сабза ура бошлаган йигитчалар, бўйларига етган қизларгача бор. Ҳамма ниманидир ё кимнидир кутади. Ҳеч ким чурқ этмайди. Биронтаси юраги сиқилиб кетиб гап бошласа, гап гаплигича қолади — қовушмайди. Нариги хонада бир қизалоқ чинқириб йиғлар, аллакимни бемаза сўзлар билан сўқар, бу эса ўртага ноқулайлик солар эди. Узоқ тортишувдан кейин қўшни хона эшиги тарақлаб очилди-ю, ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир қиз, асов тойчоқдек орқасига тисарилиб тирхишлик қилиб чиқди. Тинмай йиғлар, кўз ёшлари юзини ювар эди. Бир томонидан онаси, яна бир томонидан отаси суяб, эркалаб юриб қизчани тўрдаги бўш стулга ўтқазиди. Қизча меҳмонларга салом ҳам бермади, теварагида кимлар борлигига парво ҳам қилмади. Меҳмонлардан баъзилари уни юпатмоқчи бўлишган эди, қизча бўрсиқиб кетган лабларини буриб, «Бар! Бар!» деб жеркиб ташлади. Онаси: «Ҳай, унақа дема, қизим, уят бўлади», демади. У бутунлай бошқа гапни айтди.

— Вой, шу замоннинг болалари-ей, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! — деди.

Мен қизининг бетамизлигидан фиғони чиқяпти шекилли, деб ўйлабман. Йўқ, ундай эмас экан. У гоҳ қизининг тўзғиб кетган ўжар сочларини силаб, гоҳ ёш ювиб тушаётган лўппи юзидан ўпиб сайрай кетди:

— Хонзодамнинг туғилган кунига атаб би-ир кўйлак тиктирувдим, ҳай-ҳай-ҳай! Кийгизиб кўрдим, бирам ярашдики, келинчакнинг худди ўзгинаси бўлди қолди! Қаранглар, ўртоқларининг бир кўзларини куйдирсин, деб мактабига кийгизиб юбормайманми? Бир қоранг ўчкур шундоғ кўйлакка сиёҳ сочиб юборибди-да! Бечора қизим қон йиғлаб келди. Йиғламасинми, метрини йигирма сўмдан олиб тиктирганман-да!..

Бу онанинг баланддан туриб ҳовриқиши, муштумдай қизчасини келинчакка ўхшатиши ота-она шаънига исноддан бошқа нарса эмас эди. Агар қизини ўн уч яшаридан келинчак безакларига ўргатса ў келинчак бўлганда чинакам остонаси тиллодан уйда тураман, деб хархаша қилмасмикан?

Меҳмондорчилик менга татимади. Узр айтиб чиқиб кетдим. Лекин бу можарода ким айбли, қизига ўхшаш бетамиз онанинг сўзи билан айтганимизда, «бир қоранг ўчкур» нима учун яп-янги кўйлакка сиёҳ сочи, уни сиёҳ сочишга нима мажбур қилди, деган саволлар мени безовта қиларди. Ҳақиқатан ҳам, бу кўпол ҳазил ё шумлик оқибатимиди? Ё бўлмаса болалар қўлидан кела оладиган бир норозилик ё нафрат аломатимиди?

Синфдош кийимига сиёҳ сочиш ё унинг ўқув қуролларига зарар етказиш ёмон нарса, албатта. Бу қаттиқ қораландиган, йўл қўйилмайдиган бебошлик. Лекин ҳеч нарса бебабаб бўлмаганидек, бу бебошликнинг ҳам сабаби бордир? Келинг, шундай бебошликни, яъни айни ҳолда унинг замирида ётган зикналикни туғдирадиган сабабни қидириб кўрайлик.

Маълумки, мактабнинг ўз қонун-қоидаси бор. Ота-онанинг имкониятидан қатъи назар, ҳамма бола мактабга бир хил кийиниб бориши, ўзини бир хил тутуши керак. Агар Хонзоданинг онасига ўхшаб, мактаблар қонунини менсимайдиган оналар мактабга ўз арзандаларини бугун бир хил, эртага иккинчи хил, индинга яна бошқа хил кийдириб юбораверишса, бундай қонунбузарларга мактаб маъмурияти ҳам индамаса, ё бирон андишага бориб, ўзини қўрмаганга солса, мактаб қоидасигина эмас, болалар қўнгли ҳам бузилади. Бу хил ясан-тусан айниқса қизларга ёмон таъсир қилади. Улар синфда ё қаторларида Хонзодага ўхшаган ясан-тусанли қизларни кўрганларида, ўзлари ҳам шунақа кийиниб, шунақа безаниб юришни хоҳлаб қоладилар. Бу хо-

қиш ота-онасининг қўли калтароқ қизларни ўқитса, бошқаларни, менга ҳам олиб беринг, деб ота-оналарига хархаша қилдиради. Шунинг учун Хонзода можаросида энг олдин онанинг ўзи айбдор. «Метрини йигирма сўмдан олувдим-а!» деб куйиниб-ёниб зорланган бу она муштумдай қизига сарф қилган пулини кўради-ю, тумшуғи ёнидан наридаги нарсаларни кўрмайди. У ўз боласини мана шундай эъзозлаши, пахтага ўраб папалаши орқасида бошқа болаларда ўқисиниш уйғотаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. У билмайдики, ўқисиниш — одам кўнглини кир қиладиган ёмон иллатлардан бири.

Дарҳақиқат, мундоғ ўйлаб қаралганда, бола ҳадеб ўқинаверса куйгунчакка, куйгунчаклик ҳасадга, ҳасад эса бахилликка, ниҳоят, бахиллик зикналикка айланганини кўриш мумкин. Тўғридан ҳам, Хонзоданинг онаси қизини мактабга ясантириб юбормаса, қимматбаҳо кўйлакка сиёҳ ҳам тўқилмас, сиёҳ тўққан бола кўнглига зикналик қурти ҳам кирмас эди. Шу биргина мисолдан ҳам кўриниб турибдики, боладаги бахиллик иллатида даставвал катталар, жумладан, ота-она, уларнинг бола тарбиясига масъулиятсиз қарашлари айбли.

Бахилликни туғдирувчи иллат асосан бола тарбиясига нотўғри қаралган жойда учрайди. Қўлимиздаги бир тўда мактуб шу жойдан шикоят қилади.

«Ўқитувчимизнинг қилиқлари ғалати. Катта амалда ишлайдиган одамларнинг болалари ёмон ўқишса ҳам, яланг аъло баҳо кўяди...» (Ўш. ... мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Кароматхон Расулева.)

«Мактабимиз колхоздан анча йироқ. Биз ҳаммамиз яёв борамиз-у, колхозимизнинг раиси болаларини колхоз «Волга»сида элтиб кўяди...» (Ҳазорасп. ... мактабнинг саккинчи синф ўқувчиси Ҳаким Ниёзметов).

«Тарих ўқитувчимиз шу йил курортга борган эканлар, қайтишларида Москвадан қизларига тилла соат олиб келибдилар. Ёкут тошчалар билан безатилган, билагузукли тагин! Синфимиздаги қизларнинг ҳеч биттасида йўқ бунақа ажойиб соат. Дугонам мактабга тақиб келади. Ҳар кўрганимда юрагим жиғиллаб, менинг ҳам шунақа соатим бўлса, дейман. Ахийри ойимларга йиғлаб ялиндим, менга ҳам олиб беринг, деб. Ойимлар билан адамлар яхши ойлик олишади. Иккаласиникини қўшсак, икки юз сўмдан анча ортади. Пуллари бўла туриб олиб бермаганларига жуда ёмон хафа бўлдим.

— Мактаб боласига тилла соат ярашмайди, қизим. Ҳали кичкинасан, ўқишингни ўйла, мактабингни битир,

олий маълумот ол, ишга кир, кейин соат бир гап бўлар, — дедилар.

Ҳайронман, дугонам хоҳласа, ота-онаси дарров муҳайё қилади. Адалари курортга кетаётганларида, дугонам: «Тилла соат олиб келинг», деб тайинлаган эканлар, сўзларини қайтармай, бирам чиройлисини олиб келибдиларки, кўрган киши яна бир кўрсам дейди. Ё менинг ота-онам ҳасисми, мендан пулларини кизганишадими ёки мени дугонамнинг ота-оналаричалик яхши кўришмайдими?» (Тошкент, Октябрь район... мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Шарифа Камолова.)

Йўк-йўк, Шарифахон, ота-онангиз сизни дугонангизнинг ота-онасидан кўпроқ, тўғрироқ яхши кўрар экан. Улар сизнинг бугунингизни эмас, эртангизни ўйлашади, ёмон оқибатларга олиб бориш эҳтимол бўлган янглиш ҳавас қурбони бўлиб қолмаслигингизни исташади. Шунинг учун ҳайрон ҳам бўлманг, ота-онам мени кам севади, деб кўнглингизни ҳам чўқтирманг. Фарзандга, айниқса мактаб ёшидаги болаларга ота-она севгиси худди шундай қаттиққўл бўлиши керак.

«Нечун бундай?» саволлари билан тугаган юқоридаги бир неча мактуб парчалари кўрсатиб турибдики, болалар ўзларига бўладиган муносабатдаги ҳар хилликдан эзиладилар, кичкина юракчаларига нотўғри муносабат хўрлигини сиғдира олмайдилар. Натижада, уларнинг ғаму ғусадани, тенгсизлик аламиндан мусаффо холда яйраб туриши лозим бўлган тоза юракларига ёмон дард чўқади, кейин бу дард бора-бора бахиллик, зикналик қуртига айланади.

Ажабо, бундай ҳоллар фақат мактабдагина бўладими? Оилада-чи?

Ўзбек оилаларининг аксарияти аёлманд келади — бу ҳеч кимга сир эмас. Яна шу ҳам сир эмаски, мана шундай кўп болали оилаларда ота-оналар ўз фарзандларига баъзан бир кўз билан қарамайдилар. Ё отанинг, ё онанинг, ё бўлмаса ҳар иккаласининг эркатойи, яъни арзандаси бўлади. Улар бошқа болаларининг кўзларини бақрайтириб туриб, ана шу эркатойни бошларига кўтарадилар, бошқа болаларининг шўхликларига ё инжикликларига йўл қўймайдилар, аммо арзандаларининг ҳар қандай қилиғини, ярамас хулқини кечирадилар. Унга яхши, қимматбаҳо кийимлар олиб берадилар, уни шоколадлар билан сийлаб турадилар. Оқибатда: ота-она эътиборидан четда қолган болаларда ҳалиги эркатойга нисбатан кўролмаслик, оиласига нисбатан эса ўғайлик ҳисси туғилади. Бундай болалар вояга етиб, мустақил ҳаёт кечира бошлаганларида ота-

оналарига меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб қоладилар. Бола тарбиясининг темир қонунини билмаган ё вақтида писанд қилмаган ота-оналар бир кун келиб болаларидан оқибат кўрмасалар, тепа сочлари тик бўлиб, болаларини айблайдилар. Тўғри, бола ҳар қандай вазиятда ҳам ота-онасини унутмаслиги керак, бу унинг бўйнидаги мукаддас бурч. Аммо ота-она болалари ёшлигида уларга ҳар хил қараб кўнгилларини совутиб юборган бўлса-чи? Ота-она боланинг суянган тоғи. Бола учун ота-онадек яқин, меҳрибон, ғамхўр одам йўқ. Шу боисдан бўлса керак, ота-она кучоғи — бола ўчоғи, дейдилар. Ана шундай яқин, дилбар кишидан олалик кўрган бола юрагида умр бўйи ювилмайдиган доғ қолмайдими?

Ақл-идроки пухта бўлмаган баъзи нодон болалар, кичиклигимизда бизни хўрлашган, деб ота-оналаридан қасос олишгача борадилар. Гоҳо қасддан, гоҳо муруввати йўқлигидан ота-оналарини қўмсамайдилар, касал бўлсалар қарамайдилар, улуғ айём кунларида йўқламайдилар. Болаларини гўдакликдан бир хилда кўрмай, олалаб қараган ота-оналар кейинча, болалари катта бўлганларида, улардан оқибатсизлик кўриб, дудлари осмонга чиқади. Аммо бу оқибатсиз қаердан келганини, ниманинг меваси эканини пайқамайдилар.

Болаларимизни жамиятга, меҳнатга ҳар тарафлама соғлом, етук қилиб топширишда мактаб, шубҳасиз, етакчи роль ўйнайди. Бу эса болалар тарбиясидаги бениҳоя масъулиятли бурчини мактаб бир зум ҳам унутмаслиги керак, деган сўз. Агар баъзи кам фаросатли ота-оналар болаларини Хонзодага ўхшатиб ҳаволантириб юборсалар, мактаб қонун-қоидасини бузсалар, Ўшдан Кароматхон ёзганидек, айрим муаллимлар ўқувчиларига ҳар хил кўз билан қарасалар, ўзларига яқин кишиларининг болаларини тўғри йўлга солиб юбориш ўрнига нотўғри йўлларда рағбатлантирсалар, бундай болалар охирда жамиятга нафи эмас, зарари тегадиган такаббур, сиркаси сув кўтармайдиган жирраки, ниҳоят, текинтомоқ бўлиб етишадилар. Кўп афсуски, бундай болалар катталарнинг нотўғри муносабатлари натижасида ўзларигина майиб бўлиб қолмай, соғлом ўсаётган болаларни ҳам гоҳо захарлайдилар. Демак, муаллимлар, мактаб маъмурлари шундай ҳолларда ҳеч кимнинг юзига қарамай ҳамма учун барабар бўлган мактаб қонунини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари, уни бузувчиларга қарши шафқатсиз бўлишлари лозим. Гап битта ё иккита боланинг тартибсизлиги устида кетаётгандек туйилса ҳам, қонидани қаттиқ туриб талаб қилиш замирида ижтимоий манфаат борлиги бундай масалаларда бизни чиндан ҳам қаттиққўл бўлишга мажбур этади.

Шу сабабли синф раҳбарлари бундай ҳолларда жуда ҳам ҳушёр, жанговар бўлсалар тузук. Синфга бирон қиз ё ўғил бола қонидан ташқари кийимда ё алфозда келса, уни дағаллик билан эмас, ётиғи билан тартибга чақирриш, агар бола буни уқмаса ё ўз далилини келтириб гап қайтарса, у ҳолда боланинг ота-онаси билан тезда суҳбат ўтказиш, уларга мактаб қонун-қоидасини тушунтириш лозим бўлар.

Бу талаблар мактаблар учун янгилик эмас, албатта. Мактаб раҳбарлари олдида ҳаммавақт бурч бўлиб келаётган ҳаётий масалалар булар. Фақат шуниси ачинарлики, мактабларда бу талабларга ҳаммавақт ҳам риоя қилинавермайди, кўп вақт эсдан чиқарилади ёки ортиқча ташвиш деб қўл силтанади.

Истар эдикки, ҳар бир бола яшаб турган ёруғ кунлари сингари чеҳраси чароғон, дили пок — оққўнгил бўлиб етилсин!

## БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Тушса бошинга мушкул —  
Ақл кенгашига тушқил.

Баҳор — фаслларнинг энг қайноқ, энг серташвиш, айни замонда энг завқбахши. Унда гуляпроқларнинг атри, жонбахш елларнинг шўхлиги, уйғонган ҳаётнинг жилваси... Дарахтлар гуллайди, қушлар куйлайди... Уларнинг гулларида ҳам, буларнинг куйларида ҳам зурриёд истагининг таронаси. Небаҳт, табиат тақозоси бу!

Бу тақозодан инсон ҳам баҳраманд. Унинг ҳам баҳор ўсимликлари каби қийғос гуллайдиган, қушлар каби севги таронасини куйлайдиган олтин даври бор. Бу давр унинг ўн саккиз ёши. Буни «балоғат» ё «севги ёши» ҳам дейдилар. Майли, гап унинг нима дейилишида эмас, моҳиятида. Дарҳақиқат, ўн саккизга кирганки бор, қалби муҳаббатнинг ё алами билан жароҳатланган, ё лаззати билан баҳт дукурига тўлган. Демак, севги ҳамманинг бошида бор гап.

Хўш, ҳамманинг бошида бўлган бу савдога ҳамма ҳам бир хил қарайдимми?

Афсуски, йўқ. Баъзи ёшлар севгига шунчаки кўнгилахушлиги деб енгил-елпи қарашса, баъзи кексалар севгини, унинг боғловчи, яратувчи, бахт-саодат келтирувчи кучини тан олмайдилар. Улар ёшлар севгисини афсона, ота-она раъйини қайтариш учун бир баҳона деб биладилар. Лекин шуниси қувончлики, севгини муқаддас, чинакам инсоний ҳис деб биладиган ва шунга астойдил амал қиладиган хулқи чиройли ёшларимиз жуда-жуда кўп. Булар ёш ниҳолларнинг гуркираб ўсишлари учун тоза ҳаво, оқин сув, чароғон қуёш қанчалик зарур бўлса, қалбларда энди-энди уйғона бошлаган севги куртақларининг камоли учун ҳам тоза юрак, тоза тилак, тоза муносабат кераклигини яхши биладилар. Шунинг учун булар бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб дарров уйланиш пайига тушмайдилар, чунки уйланиш — ота ё она бўлиш демакдир. Бу эса балоғатга етган, уйланиш олдида турган ҳар бир ёш-яланг зиммасига катта масъулият юқлайди. Зеро, келажақ оиланинг бахтли ё бахтсиз бўлиб қолиши ана шу масъулиятнинг тўғри ё нотўғри тушунилишига боғлиқ. Шу боисдан кўп ёшларимиз оила қуриш масаласига бениҳоя

жиддий қарайдилар. Йигит оилани тебратишга қодирманми, бунга илму ҳунарим етадими деб ўйласа, қиз болаларига яхши она бўлиш гамини ейди. Шуниси ҳам борки, бу хил ёшлар уйланиш тилақларини ота-оналаридан махфий тутмайдилар. Чунки улар фарзанд учун энг кўп жонкуяр, энг тўғри маслаҳатгўй, энг яқин дўст — ота-она эканини яхши биладилар.

Дарҳақиқат, ота-она розилиги, айниқса маслаҳати билан қурилган ёш оила қарийб завол кўрмайди.

Битта афсус ейдиган жойимиз бор. У ҳам бўлса баъзи ота ё онада учраб қоладиган асовлик. Улар севги ёшига етган, турмуш қуриш арафасида турган қизлари ё ўғилларининг бўлғуси қайлиги билан бирон ерда гаплашиб турганларини кўриб қолишса, уларни беҳаёликда айблаб, дарров чопонларини тескари кийиб оладилар. Бундай ота-оналар жигарбандларининг бахтларини ўзларининг диний ё урфий одатлари йўлида қурбон қиладиганларини жаҳолат устида сезмай қоладилар. Фарзанд надон бўлса, шундай пайтларда «Ҳап сеними!» дейди-ю, ўчакишиб бориб ЗАГСдан ўтиб келади. Қасдма-қасдликка қилинган бу ярамас қилиқ жаҳолат устидаги ота ё онанинг аламини бешбаттар орттиради. Оқибат, ўртага совуқчилик тушади, ота ё она боласи билан юз кўришмас бўлиб кетади. Холбуки, ярани бу қадар мадда боғлатиб юборишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди. Нимага десангиз, бир томон оёқ тираб туриб олгани билан иккинчи томон ўртага тушар, уни ахийри инсофга келтирарди. Демак, шундай пайтларда шошма-шошарлик билан иш тутиш эмас, сабр-қаноат билан кутиш керак экан.

Биз юкорида, баъзи ота-оналар болаларининг бахтларини ўзларининг диний ё урфий одатлари йўлида қурбон қиладилар, дедик. Келинг, шу гапимизни мисол билан қувватлайлик.

Бу воқеа Ўшда бўлиб ўтди. Бир хўжа қизи ўрта мактабни ўзи билан бирга битирган «қорача» йигитга кўнгил берибди. Бу севгини бир қарашда хуштор бўлиш ё эр қилишга шошиш оқибати деб бўлмайди. Улар ўртасидаги бу муҳаббат ўзлари билан бирга ўсган, ўзлари билан бирга вояга етган, неча йиллик синовдан ўтган чин муҳаббат. Йигит хўжа оиласининг тақводорлигини, фукарога қиз бериш у ёқда турсин, унинг совчисини ҳам остонадан ҳатлатмаслигини билар, шунга қарамасдан, қалбида қулф урган севги гунчасининг очилишидан умидвор юрар эди.

Қиз-чи? Қиз ҳаммадан ҳам кўпроқ катта бувисидан кўрқарди. Сиз бу катта бувининг мўминлигини, ширин-

сўзлигини, болажонлигини кўрасизу, йўғ-е, бу фаришта-ку, дейсиз.

Тўғри, киёфада фариштага ўхшаб кўринган бу «бе-озор» кампир ўғилларини, қатор-қатор неварачевараларини ўзининг бидъат панжасида тутиб келади. Бу занг босган панжадан чикувчи ё унга эътироз билдирувчи «қаҳ-рамон»нинг аҳволига вой! Бидъат ўргимчаги ўраб олган бу оила кишилари кампирнинг қарғишидан, оқ сутини кўкка солишидан кўрқади. Қиз ҳам шундан кўрқар эди. Ахийри кўрққани бўлди. Бу истараси иссиқ, фариштасифат кампир неварасининг қорача йигит билан топишганини эшитди-ю, ялмоғиз тусига кирди. Неварасини кўп ёмон сўзлар билан қарғади, унга бадбахтлик тилади, бу билан ҳам кўнгли тўлмай, ўғлига буюриб, қизни уйга қаматтириб қўйди. Фақат қиз оёғига кишан солинмади, кўллари орқасига қилиб устунга боғлаб қўйилмади, бундан бошқаси қилинди. Фаришта тус кампирнинг буйруғи билан оила аъзоларининг каттадан-кичиги бир-бир кириб, қорачага тегмоқчи бўлган қиз юзига туфлади, урди, сочларини юлди. Аммо қиз бу қора исканжадан кўрқмади, акаларидан бири биттаси билан қизни, яна биттаси билан қора куёвни чавақлаш учун иккита ханжар қилдириб келганда ҳам вафодор қиз аҳдидан қайтмади. Охир уни узун сочларини бўйнига чулғаб бўғишди! Шунда ҳам у лабзидан қайтмади. Севгиси ўтқинчи ҳавас, алдамчи ҳис эмас экан, «ўлсам ўламан, лекин шу йигитдан бошқасини демайман!» деб туриб олди.

Шу тенглик, шу ҳурлик замонда хўжачиликнинг бу ярамас даъвоси маҳалла-қўйни, айниқса қизнинг дўсту дугоналарини қаттиқ хафа қилди. Ёшлар бу хунук воқеани ўзларининг ёшлик ҳуқуқларига ҳақорат деб билиб, қолақ тушунчага қарши бош кўтардилар. Улар бу ҳаракатларида ҳақли эдилар.

Дарҳақиқат, одам одамга дўст, одам одамга суянчиқ бўлган шу бахтли замонда «мен — хўжа, сен — қорача!» деб бир-бирини илғаш — ёшлар онгига асло сиғмас эди. Улар жамоатчилик таъсири билан тўйни бошлаб юбордилар. Озиб, тўзғиб, биргина устухон бўлиб қолган жафокаш қиз бидъат авахтасидан чиқарилди, куёв томонидан келтирилган келинлик сарполарини кийдиришиб, уни тўй базми тўрига, куёв ёнига келтириб ўтқаздилар. Фариштасифат кампир ёшига ярашмаган бир чакқонлик билан баланд чорпоёга сакраб чиқди-да, келин билан куёвни иссиқ даврасида яйратаётган куёвнавкарлар рўпарасида туриб олиб, қорачага теккан неварасинию хўжа қизини олган «гумроҳ қорача»ни қарғай бошлади. Лекин унинг

ноҳақ, номуносиб қарғиши тўй тантанасининг шўх садолари остида кўмилиб кетди...

Бу кичкина, лекин мазмуни катта мисолдан кўриниб турибдики, жамиятимизда эскидикнинг аллақандай қавакларда моғор босиб ётган шу хил ярамас иллатлари ёш авлод қалбида бир умр битмайдиган жароҳатлар очяпти. Дин, урф-одат ва буларга оид тушунчалар севги қўйнига қора илон бўлиб ўрмалаб қиряпти. Бу сарқит қора илони инсонга фақат бир мартагина берилган умрни заҳарлаб, дунёни кўзларга қоронғи қиляпти. Оқибат, баъзи ёшлар севганига, бахтига етолмай ўзларини нобуд қилишга мажбур бўляптилар.

Мана яна бир мисол. Ургутлик Тўлқинжон ўз дўстининг бошига тушган катта бахтсизликдан ёзади:

«... У бир қизни чин кўнгиладан севади. Лекин қиз эшонлар зотидан. Булар кўп йиллар севишиб, бир-бирига суянишиб юришди. Эшон қизининг оддий фуқаро йигитига берилмаслигини, яъни ўртада никоҳга йўл йўқлигини иккаласи ҳам билар, шунинг учун бу жар ўлим чоҳига айланиб борарди. Қиз бошқага тегмасликка, йигит бошқага уйланмасликка қасамёд қилди. Улар энди дунёдан шундай ўтиб кетишмоқчи! Ё ажаб, севганинга етолмасанг, хўжа, эшон, саид, мир каби эскилик сарқитлари ёруғ йўлингда қора ғов бўлиб ётса!..»

Хатдан маълум бўлишича, Тўлқинжоннинг дўсти эскилик сарқитларининг қора тушунчаларига қарши кураш очмаган. Сабаби — қиз: «Мени отам дуойибад қилади, қариндошларим, ёру дўстларим олдида юзим қаро бўлади», деб туриб олибди. Йигит ҳам қизнинг бу хато андишасига шилқ этиб тушибди-ю, бахтини тақдир ҳукмига ҳавола қилиб, тиниб-тинчиб кета қолибди.

Тўлқинжон ана шулар ҳақида ёзгандан кейин дўсти нима қилиши кераклигини сўрайди.

Бундай қараганда, йигит билан қизни ўз бахтлари учун курашмади, эски урф-одатнинг занг босган занжирига қўлоёқларини тутиб берди, деб айблаш мумкин. Шундай деб айблаш керак ҳам. Нимага десангиз, ўшлик хўжа қизи эшон бидъатидан қолишмайдиган хўжа бидъатига қарши қаттиқ туриб курашди, бўйнига ўлим сиртмоғи чулганганда ҳам кўрқмади. Чунки севги йўлида кураш — унинг учун яшаш демак эди. У чувалчанг бўлиб ерда судралмасдан яшаш учун, ўзининг инсоний гурури, ҳуқуқи билан қаддини баланд кўтариб юриш учун, дунёга бидъат қули бўлиб эмас,

эрк хури бўлиб келгани учун курашди. Офарин, минг офарин, довюрак киз!

Тўлқинжоннинг дўсти курашга кирмасданоқ куролини ташлаган. Агар у ҳам ўшлик қорача куёв сингари ҳаракат қилса, жангга ўзи ёлғиз эмас, дўст-биродарлари, маҳалла-қўй кишилари билан биргаликда кирса, унинг мушукули ҳам ўшликларники сингари хайрли битармиди!

Севги юрак чашмасидан сув ичган оҳ-воҳга эмас, ақл чашмасидан сув ичган мардликка суянади. Шунинг учун бўлса керак, «Жондан кечмасанг, жонона қайда!» дейдилар ота-боболаримиз. Тўлқинжоннинг дўсти эса шу катта, шу ёруғ ҳаётимизда ўзи ёлғиз эмаслигини, атрофида ёру дўстлари борлигини, бошига тушадиган ҳар қандай кулфатда ёру дўстлари, элу юрти ёрдамга югуриши аниқлигини назардан қочирган. Шундай кезларда мушукулини осон қиладиган тадбирлар шу қадар кўпки, буларнинг биронтасидан у йигит фойдаланмаган. Қизнинг отаси эшон бўлса эшондир. Лекин қизнинг ўзи совет мактабида таълим олган, замонамиз куёшидан нур эмган тоза фикрли қиз-ку! Қиз, эҳтимол, комсомол сафида йўқдир, лекин йигит-чи? У ҳам комсомолда йўқми? Ўзи комсомол бўлмаса, ўртоқлари-чи? Улар ҳам комсомолда йўқми? Бундай бўлмаса керак. Биз бу ерда комсомолни бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган, бировларга дўқ қиладиган зўравонлар сифатида эмас, аксинча, ақл-идроки баланд, одоби мустаҳкам, бошқаларга таъсири ўткир, доно ёшлар деб тилга оляпмиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ана шунинг учун йигит ўртоқлари билан биргаликда қизга таъсир ўтказиши, уни хато тушунчалар қурбони бўлиб кетишдан қўтқариши керак эди. Тўғри-да, отаси эшон бўлгани учун бу бечора қиз бахтсиз бўлиб қолиши керакми? Йўқ, у ҳам ҳамма қатори бахт нашидасидан баҳраманд бўлишга ҳақли. Бордию шу ҳақ топталди, қиз бахтсиз бўлди. Унда ким айбдор? Эшон отами, эшон ота таъсирига тушиб қолган нодон қизми ё ўзи, севгани, келажак авлоди бахти учун курашиш кераклигига фаҳми етмаган лапашанг йигитми?

Кўриб турибсизки, бу икки ёш даври, замонаси берган катта ҳуқуқлардан фойдаланмаган. Ҳолбуки, тумшук тагига эмас, узоқроққа қаралганда бу чигални ҳам ечадиган тадбир топиларди. Шунинг учун боши берк кўчага кириб қолинганда юрак хархашасидан кўра ақл маслаҳатига кўпроқ қулоқ солинса, нажот топилади.

## ИШҚ БОШҚА, ҲАВАС БОШҚА

Жуфтлар ўртасидаги муҳаббатнинг юздан тўқсон тўқ-кизи оила қуриш билан натижаланади. Лекин бу оилага жуфтларнинг ҳаммаси ҳам бир хил онг, бир хил интилиш, бир хил тайёргарлик, бир хил орзу-ҳавас билан келмайди. Ақл-идрок, одамий муносабат, чин муҳаббат, яхши тилак асосига қурилган оилагина яшаб қолади. Ғараз, хирс, алдов, зўрлик асосидагилари эса баъзан ой тўлмай, кўпинча йил кўрмай қазога учрайди. Бизнинг социалистик жамиятимизда ибратли оилаларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Аммо биз ҳозир бу ҳақда эмас, севги ёшига етганда эс-хушини йўқотиб қўйган баъзи шошмашошарлар устида тўхталмоқчимиз.

Тошкентда ўн етти-ўн саккиз ёшлик бир қиз қирқдан алақачон ошиб кетган бола-чақали бир одамни «яхши кўриб» қопти. Шунинг учун қизнинг номини ҳам, адресини ҳам очик айтишни эп кўрмадик. Гарчи у яхши иш қилмаган бўлса ҳам, биз уни «яхши қиз» деб атаб турайлик. Ана ўша «яхши қиз» бизга ёзган мактубининг охирида:

«... У кишининг вафодор рафиқаси бўлса-ю, қиз буни кўра-била туриб яхши кўриб қолса қандай бўлади? Қиз нима қилиши керак?»— деб сўрабди. Кўриб турибсизки, бояқишнинг дарди кучли.

Яхши қиз, юрагингизда беҳосдан ловиллаб кетган ўт, сиз ўйлаганингизча, муҳаббат ўти эмас, у бир сароб, тўғрироғи, ўткинчи ҳавас. Сиз ўзингизни инсофга, ақл-идроққа чақиринг. Бу ишқ шалоласи эмас, ҳавас жазаваси эканига шикаста кўнглингиздан, хатти-ҳаракатларингиздан, ниҳоят, сизни беқарор қилган ўша одамдан жозиба омилларини кидиринг. Балки у одам ашулачи ё чолғучидир, ёзувчи ё рассомдир. Агар сизда ҳам санъатнинг шу турларидан биронтасига ёшлиқдан, юрак-юракдан ишқибозлик бўлса, демак, у киши сизни санъати билан сеҳрлабди. Нимага десангиз, қизларда (йигитларда ҳам) туғиладиган севги ҳайратланишдан, завқланишдан бошланади. Унинг нимасидир ёқади, мафтун қилади. Сизда ҳам шундай бўлган. Бундай ҳоллар кўпроқ таъсирчан одамларда учрайди. Таас-сурот уни ҳар қўйга солади: гоҳ йиғлатади ё кулдиради, гоҳ севдиради ё нафратлантиради, хатто калтис ҳаракатларгача олиб боради. Бу ихтиёр жодугари ўз васвасасидан тиниб, одам ҳовуридан тушса-чи? Унда одам ўзининг қилмишидан хижолат бўлади, кўр-кўрона ҳаракати учун ўзидан нафратланади. Агар бу ножўя ҳаракати эл оғзига



тушган бўлса-чи? О, номус кучидан ерга кириб кетади. Яхши қиз, сизнинг эртангизда ҳам шу гап бор ҳали. Қаранг, ёши ўзингизниқидан қарийб икки баравар улуг, яъни очик қилиб айтганда, отангиз тенги бир кишига «кўнгил» бергансиз. «Ҳаётда бундай ҳоллар учрамайдими!» деярсиз. Тўғри, учрайди. Лекин қаерда, қандай ҳолатда?

Кичик томон шошилган, яъни тезроқ биронтасига тегиб олиш пайига тушиб, босаётган қадами охири пушаймонлик, шармандалик чоҳига кулатиши муқаррарлигини ўйлаб кўрмаган бўлса; катта томон эса худбин, яъни ўз нафсини ўйловчи, шилқим, ёшига ярашмаган қилиқлардан ибто қилмайдиган, бешарм, яъни эл-кўй олдида юзи каро бўлиш ҳақиқатдан кўрқмайдиган андишасиз, виждонсиз одам бўлса, сизнинг бошингизга тушган савдо содир бўлади.

Ўзингизга муносиб бўлмаган одамга кўнгил берибсиз, деб сиздан, ёлғиз ўзингиздан ўпка қилсак, учинга талпиниб турган кўнгил қушингизни макру, ҳийла билан тузоққа илинтирган у ноинсофни оқлаган бўламиз. Йўқ, уни оклаш фикримиз йўқ, асло оқлаёлмаймиз. Бу номуносиб ҳаракатда сиз қанчалик хато кетган бўлсангиз, у одам ҳам ахлоқ бобида шунчалик ҳаёсизликка йўл қўйган. Аниқроқ қилиб айтганда, замонамиз ахлоқини, одамгарчилик бурчини оёқости қилган. Аслида у киши боласи баравар тажрибасиз бир қизнинг ўзига бошқача қараётганини кўриб, дарҳол уни тўғри йўлга солиб юбориши, чипқоннинг бу қадар мадда боғлаб кетишига йўл қўймаслиги керак эди. Лекин у киши, юқорида айтганимиздек, ўз нафсини ўйловчи худбин, шафқатсиз одам экан.

Мактубингиздан маълум бўлишича, сиз, яхши қиз, бадий асарларни кўп ўқир экансиз. Бу сизда эстетик ҳис-туйғуларнинг кучли эканидан далолат беради. Бунингиз яхши. Аммо бадий асарларни фақат завқланиш, қаҳрамонлар билан кулиш ё йиғлаш учунгина ўқимадилар. Китобдан ҳаётни, яхшиларга эргашиб, ёмонлардан қочишни ўрганадилар. Шунинг учун, ҳаётни тажриба орқали билмаганда ҳам, ўқиган китобларингиздан унча-мунча билиб олишингиз мумкин эди. Сиз бўлсангиз, ишқ билан ҳавас фарқига ҳам бормагансиз. Рафдаги китобларингиздан унча-мунча билиб олишингиз мумкин эди. Сиз бўлсангиз, ишқ билан ҳавас фарқига ҳам бормагансиз. Рафдаги китобларингизни варақлаб кўринг, балки шу варақларнинг биронтасидан билмай босиб қўйган қадамлари оқибатида қон-қаро қақшаб қолганлар фарёди эшитилар?

Мана улардан бири:

Билмайин босдим тиканни,  
Тортадирман жабрини,  
Билсам эрдим, босмас эрдим,  
Тортмас эрдим дардини.

Сиз-чи, яхши қиз, қадамингизни билиб босяпсизми? Йўқ, билмайсиз! Билганингизда, бундай беор қадамдан ҳазар қилар, қизлик ифбат ва ибтоингизни шабнам гавҳарлари каби тоза, бевоғ сақлар эдингиз. Қадамингиз бениҳоят қаттиқ! Сиз «кўнгил берган» кишингизнинг ўз рафиқаси, бола-чақаси, иссиқ ини, ширин бахти борлигини биласиз. Била туриб, шу иссиқ инни бузмоқчисиз, ота-онаси бағрида бахтиёр яшаб, гулдай яшнаб турган маъсум болаларнинг жарангли кулгиларини мунгли йиғига айлантirmoқчисиз, уларни тирик етим қилмоқчисиз. Эрига вафодор ҳаёт йўлдоши, болаларига меҳрибон она бўлгани учун дунёда ўзини энг бахтли аёл ҳисоблаб фахрланиб, боши осмонга етиб юрган гуноҳсиз бир хотинни бағритошлик билан тул қилмоқчисиз, унинг бахтини ўғирлаб олмақчисиз. Қизлик ғурурингизга, қизлик шуурингизга ҳечам ярашмайдиган шу нобоп қилигингиз билан тикан босибгина қолаётганингиз йўқ, ундан баттарини қияпсиз. Сиз ўзингиз у маъсум оила бағрига тикан бўлиб санчиляпсиз!

Сиз масала замиридаги шу хунук оқибатни ўйлаб кўрингизми, яхши қиз! Ўйлаб кўрмаган бўлсангиз, албатта ўйлаб кўринг. Зинҳор шунчаки ўйлаб кўрманг. Ўзингизни ўша ёмон ҳаракатларингиз оқибатида зору фиғон йиғлаб қоладиган муштипар аёл ўрнига, қон-қон чинқириб қоладиган гуноҳсиз болаларнинг бахтини ўғирлатган онаси ўрнига қўйиб кўринг. Бир зум бўлса ҳам шундай қилиб кўринг. Агар бир ёмон қиз қизлик шаънига тўғри келмайдиган пасткаш қилиқлар билан ёрингизни чалғитиб кетса, яъни болаларингизнинг отасини бағритошлик билан тортиб олса, қани, сиз нима қилардингиз, яхши қиз? А, қандай аҳволга тушардингиз?

Китоб ўқишни ёқтиргангизга қараб, биз сизни эстетик туйғуси кучли одамдирсиз, деб эдик юқорида. Қизик, эстетик туйғуси кучли одам инсонпарвар бўларди, ўзининг бахти ё роҳатини деб бировларнинг турмушини заҳарлашдан сақланарди, сизда бўлса буларнинг акси.

Шу ерда халқимизнинг бир ҳикматли сўзи эсга тушиб кетди. «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга», дейди.

Сиз-чи, яхши қиз, пичоқни аввал ўзингизга уриб кўрмай, бошқаларга уряпсиз!

## ИСМИНИ ЯШИРГАН КИШИ

Ота-она, фарзанд бурчи ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни изҳор қилдик. Лекин онда-сонда бўлса ҳам учраб турадиган бошқа тоифадаги фарзандларнинг қилмиш-қидирмишларини эшитиб ёқамизни ушлаймиз. Виждон қийноғига тушиб қолган ана шундай фарзандлардан бири радионинг ёшлик редакциясига хат ёзиб, тимқоронғида пайпаслаб зиё қидириб юрганини айтибди. Биз қуйида унинг хатини айнан кўчириб, шу ҳақда ўз фикримизни айтмоқчимиз:

«Ота-она ва фарзанд, уларнинг ўзаро муносабати, фарзандлик бурчи каби мавзудаги эшиттиришларингизни имкон борича битта ҳам ўтказмай тинглайман. Эшиттиришларингиз қаттиқ таъсир қилади, бигиздек ботади. Соатлаб ўйга толаман, ғам қиламан. Бундан бир-икки йилча бурун фарзанд ота-онани рози қилиши керак, ота-она рози — эл-юрт рози, деган жумлаларни тасдиқлар эдим. Энди-чи! Бефарвою бефарқман. Агар ҳозир менинг сўнги ўн-ўн беш йиллик босиб ўтган йўлим ёки таржимаи ҳолимга назар ташланса, мен ўз туғишганларимдан, қавм-қариндошларимдан ўч олган қотил, ярамас, паст киши бўлиб чиқаман. Ўн йилдирки, мен уйда бўлганим йўқ. (Тўғрироғи, ўн беш йил.) Мен атайин қилганим йўқ буни. Бу иш шундай бўлиб чиқди. Тақдир шу тариқа йўлга солди.

Хизматдан қайтиб ишга жойлашдим. Сўнг институтга, кечки ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсдаман.

Ҳар бир ҳолис ниятли киши ҳозир ҳам мени мактайди, ибрат олади. Бир вақтлар мен бу билан фахрланар эдим. Энди-чи? Бефарқман, чунки бундан икки йил бурун менда ғоя ва келажақ бор эди. Ота-она барибир кечиради, институтни тамомлаб борсам қувонади, деб ўзимни юпатар эдим. Энди-чи? Қишлоқнинг қорасини кўришга тоқатим йўқ. Ҳаётнинг шиддатли шамоллари мени шу кўйга солди. Эндликда мен ўз келажагимдан кўрқадиган бўлиб қолдим. Жами дўстларим барҳаёт, агар улар билан бир-икки соатдан ортиқроқ бирга бўлсам, айний бошлайман, яккаликни кўмсай бошлайман. (Бир киши истисно.) Келгуси касбим мени кишилар зич жойга бориб ишлашни тақозо қилади. Менда эса кишиларга кўшилишдан кўра уларга четдан томошабин бўлиш майли кучли. Бу — менинг учун роҳат. Шу дамгача бирор севган қизим йўқ. Охирида ўз-ўзимга нафратим ошиб кетади. Ахир, ҳаётимнинг шундай бўлишини бир неча йил буруноқ билганимда яшашдан воз кечардим.

Мен шўх боланинг қўлига тушиб қолган термометр симобидекман. (Бола сувга тикса пасайиб, ўтга солса юкори кўтарилади.)

Ҳар куни минг бор руҳан йиқилиб парт бўламан, минг бор тик тураман. Ҳалокат томон кетаётганим йўқмикан? У ҳолда яшашга ҳам ҳожат йўқ. Нега буни сизга ёзаяпман? Ахир менда энг тўғри йўлни, энг тўғри маслаҳатни киши ўзи ўзигагина бера олади, деган ақида ҳукмрон-ку! Қарияларга (ота-онамга) гоҳида раҳмим келади. Улар мендан тириклайин ажралишди. Почтадан йўқлаб оладиган қилиб ҳушим келса ёзиб, келмаса ёзмай турган сўнги нишона — хатимдан ҳам уларни маҳрум — жудо қилдим.

Хоҳласангиз, радио оркали менга «рецепт» беринг, хоҳланг — жим бўлиб кета қолинг. Фожиа билан тугаш хавфи бўлган оқибатнинг зора олдини олиш мумкин бўлса, деган умид билан ёзиб эдим.

Хатим чўзилиб кетди.

Шунча сиримни очганимдан сўнг ўзимни сир тутишим табиий. Сизга салом билан Махфийроз.

Тошкент, январь 1964 йил.

Махфийроз, сизга жавоб беришдан олдин шоир Толиб Йўлдошнинг қуйидаги шеърини ўқишингизни тавсия этамиз:

Бир қатра сув бўлиб шимилсам ерга,  
Мендан бирор тийёқ униб чикса.  
Ҳаётга келибман, шундай кетмасам,  
Кетимда айтгулик бирор ном қолса!

Биродар Махфийроз, «Фожиа билан тугаш хавфи бўлган оқибатнинг зора олдини олиш мумкин бўлса, деган умид билан» ёзган хатингиз, шубҳасиз, жавобсиз қолмайди.

Совет матбуоти, шу жумладан, радио ва телевидение ўзига келган хатларни ҳеч вақт оқибатсиз қолдирмайди. Шунинг учун сиз ноумид бўлиб қўл силтаманг, жавобимиз ҳозир.

Муддаога ўтайлик. Бир-бирига қарама-қарши фикрларингиз, омонат тахминларингиз мазмунидан маслаҳатга эҳтиёж сезибсиз. Шунинг ўзи қатта гап. Ахир эҳтиёж бор жойда, биласиз, ҳаракат бор, зеро, ҳар қандай мушкулотдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ҳаракатдир. Шу сабабли мактубингиз, унда юритган фикрларингиз бизга номаъқул сабаблар билан ёқангизга ёпишган фалокатдан қутулишга интилганингизни, яъни фожиа билан тугаши хавфини туғдирган оқибатнинг олдини олиш йўлида биринчи, дадил одим ташлаганингизни билдиради.

Энди мактубингиздаги фикрларни тартиби билан кўздан кечирайлик. «Ота-она ва фарзанд, уларнинг ўзаро муносабати, фарзанд бурчи» каби мавзудаги эшиттиришларимизни имкон борича тинглар, булардан каттиқ таъсирланар, соатлаб ўйга толар, ғам чекар экансиз. Бундан бир-икки йил бурун фарзанд ота-онани рози қилиши керак, чунки ота-она рози — эл-юрт рози, деган ақидада юргансиз. Энди ҳамма нарсага бепарк, бепарво қараб қолибсиз. Сўнги ўн-ўн беш йил ичида босиб ўтган йўлингизга назар ташланса, қавм-қариндошларингиздан, туғишганларингиздан қасос олаётган қотил, ярамас, паст киши бўлиб қолганингизни кўриш мумкин эмиш. Кейин бу аяч хулосанинг сабаби қилиб, тақдир ҳукми билан уйингизда ўн беш йил бўлмаганингизни ёзибсиз.

Кани энди шу сатрларда олдинга сурган фикр ва мулоҳазаларингизни бир таҳлил қилиб кўрайлик. Сиз ўн беш йил қаерда, қандай ҳолатда бўлгансиз, майли, буёғи сир сандингизда қолсин. Аммо, «хизматдан қайтиб ишга жойлашдим, ҳозир кечки институтда ўқияпман», деганингиздан, кейинги вақтларда армияда хизмат қилганингизни, ундан бўшаганингизга уч йил бўлганини тахмин қилиш мумкин. «Бундан бир-икки йил бурун фарзанд ота-онани рози қилиши керак, ота-она рози — эл-юрт рози», деган каноатда эканингиз бу тахминимизни тасдиқлайди. Сиз армиядан олижаноб ҳислар, яхши фазилат билан қайтгансиз. Аммо унга қадар бошингиз устидан қандай бўронлар ўтган, ота-онангизга бўлган меҳру мухаббатингизни қандай қаҳратонлар совутган — буёғи бизга жумбоқ. Сиздаги руҳий тушқунлик сабабларини очик билсак, бемор дардини аниқ билган шифокор синғари, сўраган рецептингизни қийналмай ёзиб берардик. Лекин ҳақиқат тарозисининг палласида оккуш патичалик тош босмайдиган андишаларингиз бизни бу имкониётдан маҳрум қилади.

Ўйлаб қаранг, кечагина ота-она дийдорини орзу қилар эдингиз, уларнинг мўлтираган кўзларини кўришга муштоқ эдингиз, ота-она розилиги — эл-юрт розилиги, деб билардингиз, уларни рози қилишдан, хизматларини бажо келтиришдан ҳам муқаддасроқ нарса йўқлигига ишонардингиз, ота-онасидан юз ўгириб фарзандлик шаънига доғ туширган бетамиз ёшлардан нафратланардингиз — сизда чинакам инсоний фазилат чирой эди. Сиз бу ажойиб чиройдан, афсуски, юз ўгирибсиз. Тўғри, дунёда ҳеч нарса сабабсиз бўлмайди. Сиздаги бу ўткинчи ҳолатнинг ҳам сабаби бўлиши керак. Биз бу ҳолатни атайин «ўткинчи» дедик.

Ишонинг, қалбингизда яна фазилат куёши чақнайди, юзингизда яна меҳр офтоби нур сочади.

Махфийроз, фикрингизни йиғиштириб олиб, ҳаётга мундоғ разм солинг-а, оғир дарддан ё бахтсиз ҳодисадан майиб бўлиб ўлим чангалида ётган кишиларнинг ўлим билан олишганларини, то охирги нафаслари чиққунча ҳам ҳаёт учун курашганларини кўрасиз. Бу хил одамлар дунёга сўлпайиб келиб, сўлпайиб кетишни ўзларининг инсонлик шаънарига иснод деб биладилар.

Николай Островский кўзларидан, соғлигидан тамом айрилиб ўлим тўшағида ётган ҳолда ўлимни эмас, ҳаётни ўйлади, ҳаёт тантанаси учун меҳнат қилди. Ватан урушининг қаҳрамони Мересьев ўз ёқасига чанг солган ўлимдан устун чиқди. Биз буларни эсингизга солмасдан иложимиз йўқ. Ҳақиқий инсон, асил одам шуки, шарафли ўлим олдида қўллари бўшашмайди, оёқлари қалтирамайди, ўзини йўқотмайди. Аксинча, ўлимга маҳкумлиги муқаррарлигини билса, ўзидан бирорга ному нишон қолдириб кетишга ҳаракат қилади. Бу хил ўлим — мардлар ўлими. Лекин ўз жонига қасд қилиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаган ҳолда ўлимга кучоқ очиб бориш, яъни умидсизликка, руҳий тушқунликка берилиш — номарднинг иши!

Махфийроз, яшаш учун кураш — ҳар бир инсон буйнидаги қарз. Дунёга келган одамки бор, у қадри ҳол халқ хизматини қилади. Биров кўпроқ, каттароқ иш қилади, бу иши билан ўзини ҳам, халқини ҳам, ҳатто замонасини ҳам тарих саҳифасига шараф зарҳаллари билан ёзиб кетади; биров камроқ, кичикроқ иш қилади, лекин унинг шу кичик иши ҳам катта ишлар битиғида лоақал бир нуқта бўлиб ўрин олади. Демак, яшаш маъносининг замирида халқ хизматини қилиш, Ватанин шарафлаш бурчи ҳам бор. Ўз жонига қасд қилиш эса — ана шу муқаддас бурчдан қочиш деган сўз. Бундай одамларни, силлик қилиб айтганда, дезертир дейдилар. Биласиз, дезертирлик — билағида кучи, томирида қайноқ қони бўлган, қасд қилса тоғни толқон қилиш қўлидан келадиган йигит киши учун кўп хунук нарса, йигит шаънини ерга урадиган, жўраларидан айирадиган, яккаликни кўмсатадиган ярамас, пасткаш нарса!

Махфийроз, жавобимизни бу қадар чуқурлаштириб юборганимизга ажабланманг. Гарчи сиз «Энг тўғри йўлни, энг тўғри маслаҳатни одам ўзига ўзи беради», деган «ақида»да бўлсангиз ҳам, яна «ҳалокат томон кетаётганим йўқми-кан?» деб сўрагансиз. Модомики, сиз ҳалокатдан гап очибсиз, юқоридаги мулоҳазаларимиз учун эътирозга ўрин қолмайди. Кўнглингиз чўкмасин, йигит, сиз ҳалокат сари

кетаётганингиз йўк. Бошида ота-онаси бўлган, уларнинг хизматларини қилиш бурчи ҳамон зиммасида қолиб келаётган фарзанд йўли ҳалокат йўли эмас, йўк-йўк, у йўл инсонлик йўли, шараф йўли, бахт йўли. Ўзингиз ўйлаб кўринг, болаларининг орзу-ҳаваси, муҳаббати билан бахтли бўлган ота-она чехрасидаги қувончни, кўзларидаги миннатдорлик ўтини кўришдай бахт борми фарзанд учун? Йўк, ўзини билган фарзанд учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Лекин сиз ҳали-ҳозир бу бахтнинг нималигини, унинг шукуҳини билмайсиз. Ҳа, сиз шуни билишга тиришинг. Ота-онангизни зору фиғон йиғлатманг, йўлингизда сарғайтириб ўтказманг, боринг, бир маҳаллар сизнинг гўдақлик йиғингиз, ширин кулгингиз билан обод бўлган, киндик қонингиз тўкилган азиз уйингизга боринг. Йўқотган фарзандлик бахтингизни уйингиздан топасиз. Аммо уйингизга кираётганингизда, ота-онангизга салом бериб киришг. Улар олдидаги фарзандлик қарзингизни тўлашдан шунча йиллар қочиб юрганингиз, номардлик қилганингиз учун узр сўранг. Улар — ота-она, меҳри офтоб кишилар, гуноҳингизни ўтишади, бағирларига босиб суйишади. Сиз димоғингизни ўткир тутинг, сизга ташна бўлган онаизор бағрига бошингизни кўйинг, табаррук хидини ҳидланг... Балки бу хидни танирсиз? Балки бу чақалоқлик кунларингизни, она бағрида яйраган дамларингизни эслатар! Балки бу хид кечалари бошингизда айтилган аллаларни эслатар! Балки бу хид тетапоя қила бошлаган мурғаклик кезларингизда ота-онангизнинг бахт билан, умид билан чақнаган нуруний кўзларини эслатар!

Махфийроз, онаизорингиз сизга қанчалик ташна бўлса, отангиз ҳам ундан кам ташна эмас. Сиз буни эсдан чиқарманг. Сизни одам қилгунча меҳнат тоши остида эзила-эзила соқоллари оқарган табаррук зот шу отангиз эмасми? Ҳа, отангиз. Сиз уни оқарган соқолидан, сизни кўриб ёшланган кўзларидан ўпинг. Ҳа, шундай қилинг. Албатта, шундай қилинг. Шундай қилганингизда, «ҳар куни минг бор руҳан» йиқилмайсиз, юрагингизнинг аллақаерига ботиб турган гумроҳлик ништарининг оғриғини сезмайсиз, жўраларингиз, ошна-оғайниларингиз орасида ота-онадан, ота-она олдидаги фарзандлик бурчидан гап кетганда ерга қараб қолмайсиз. Ҳаммасидан ҳам, ота-оналари тириклигида кадрларига етмай, улар ўлиб кетганларидан кейин доғу ҳасратда ёнган бепарво фарзандлар сингари армон қилмайсиз!

Армон! Э-воҳ, бу нақадар даҳшатли сўз! Йўк-йўк, бу сўз эмас, ништар! Бу инсонни алам тўлқинларига шафқатсиз

ирғитадиган, бағрига ханжар бўлиб санчиладиган, гоҳ қон йиғлатиб, гоҳ захар ютказадиган аччиқ пушаймонлик! Ажабо, армонга йўл қўймаслик мумкин бўлган ҳолда бу азобни, бу гумроҳликни нечун ўзингизга раво кўрдингиз, Махфийроз? Наҳотки сизда ўз нодонлигингиз учун бошқалардан, ота-она каби энг табаррук, энг азиз кишилардан қасос олиш фикри бўлди? Наҳотки сизда сизни бунёдга келтирган олижаноб инсонларга шукроналик билан хизмат қилиш ўрнига уларни эл-қўй олдида ерга қаратиш қасди бўлди? Йўк-йўк, бу гумроҳлик, фарзанд юзини қора қиладиган нонтепкилик! Сиз бундан сақланинг, Махфийроз! Сизга ўхшаш номард фарзанд юзигагина эмас, дунёда одамман деб бош кўтариб юрган ҳар қандай киши шаънига қора доғ бу! Сиз энди бу шармандаликнинг давом этишига йўл қўймайсиз, инсонлик шарафингизга иснод келтирмайсиз, фарзандлик бахтингизга завол етказмайсиз — биз бунга амин-миз.

Махфийроз, шунча гаплашдик, келинг, яна бир гапимиз махфий қолмасин, бунисига ҳам кулоқ солинг. Яқинда бир дўстимизнинг меҳмони бўлдик. Даврада етти киши бор эди. Олтитасини танисак ҳам, еттинчисини биринчи кўришимиз. Ҳали йигирма бешга қадам қўймагани аниқ сезилиб турган бу навқироннинг заҳил чехрасида ниманингдир алами бордек, кўзлари бир нимадан кўрқаётгандек туйилар эди. Кўзлари ердан кўтарилгудай бўлса, аллақайларда бежо югуради. Ундаги олазарақлик бизда аввал ғалати таассурот қолдирди. Лекин ҳаётда ҳар хил одамлар бўлади, бу ҳам ўшанакалардан биттасидир-да, деб қўя қолдик. Аммо қаноатимиз узоққа бормади.

Гап гапга улашиб бориб, ёш қаламкаш Саъдулла Сиёевнинг яқинда радиода ўқиб эшиттирилган «Билмайин босдим тиканни» сарлавҳали ҳикоясига тақалди. Унда онасини сарғайтира-сарғайтира ўлим тўшагига ётқизган виждонсиз ўғил бемехрлигидан гап кетар эди. Шунда бояги йигит бирдан қизариб, боши ерга тушиб кетди. Ёнимдаги дўстим менга қараб, лабини тишлаб қўйди. Мен ҳайрон бўлдим. Шу маҳал йигит ўрнидан аста туриб чиқиб кетди. Ҳайронлигим яна ортди. Дўстимга савол назари билан қарадим. У бир нима дейишдан аввал ўзини ташқарига урди. Мен ҳаяжонли бир мажҳулият ичида эдим. Қолган ёру биродарлар ҳам чурқ этмай ўтириб қолишди. Орадан соатлар каби узун бир неча дақиқа ўтди. Дўстим хомуш қайтиб кирди.

Мен шошиб сўрадим:

— Нима гап?

Дўстим жуда омонат қилиб жилмайди. Бу жилмайишда заҳар бор эди.

— Кетиб қолди. Билмасдан ярасига туз сепаиб қўйдик-да,— деди-ю, йигитнинг кетиб қолиш сабабини жуда қисқа қилиб сўзлаб берди:

— Отаси фронтга кетганда, бу бола йўрғакда қолган эди. Ғариб онаси уни минг азоб билан вояга етказди-ю, лекин бу нодон она қадрига етмади.— Дўстим, хикоясининг уёғини айтиш қийиндек, бир неча зум ерга қараб индамай ўтирди. Кейин паст йўтал билан томоғини кириб олиб аста давом этди:— Бола техникумни битиргандан кейин аллақадерларда йўқ бўлиб кетди. Онам бор эди, деб ўйламади-да. Қўйинг-чи, онаси бечорадан хабар олмади. Қани энди икки энлик хат билан онаизорини йўқлаб қўйса! Йўқламади-да. Бамисоли сувга тушиб чўкиб кетгандек йўқ бўлди-қолди. Ох, она, она! Қидирмаган, қидириб бормаган жойи қолмади. Ҳа, бу номард онасини эмас, она шўрлик боласини қидирди. Қўйинг-чи, топди ҳам. Қашқадарёнинг аллақайси районида электромонтёр экан. Уйланибди, битта қизча ҳам кўрибди. Қаранг, бундан она бечора беҳабар.— Дўстим бўғилиб ёқасини ушлади.— Тавба, шунчалик бағритош: бемехр, бемурувват бола бўладими! Она олдидаги қарзидан, инсонлик бурчидан қочганлиги учун тавба қилиши, онасининг оёқларига йиқилиб узр сўраши, ҳеч бўлмаса, онасини бир ой-ярим ой олиб қолиб гуноҳини ювишга, хатосини тузатишга ҳаракат қилиши керак эди. У бўлса не-не саргардонликлар билан қидириб борган бояқиш онани уйига сиғдирмай, уч кун деганда қайтариб юборди.

Гапнинг қисқаси, икки йил бўлди — онаси йиғлай-йиғлай дунёдан ўтди. Ҳар нима бўлса ҳам боласи, кейин армон қилиб юрмасин, деб бу бетамизга шошилишч телеграмма юбордик. Онасини кўмишга келмади-да! Раҳматликнинг кўзлари очиқ кетди. Ойим айтадилар, жон ҳалқумига келиб қопти-ю, ҳар нафасда бир эшикка қараб: «Келмадимми? Болам келмадимми?..» деб сўрар эмиш.— Дўстим анчагача бошини кўтаролмай ўтирди. Ўртага аза сукунати тушган эди. Бу сукунатни ҳеч ким бузмас, бир нима дейишга сўз топмас эди.

Ниҳоят дўстим бошини кўтариб, хикоясига хотима ясади:— Маҳалладаги одамлар шундай ёмон нафратланишдики бу онабездоридан, қўйинг, уёғини сўраманг. Ҳа, дарвоқе, уни газетага ёзмақчи ҳам бўлдик аввал, лекин сатқайи газета кетсин сенга, деб ёзмадик. Ўзига хат ёзиб юбордик. Аммо ёзганда ҳам жуда хунугини чиқариб ёздик. Хатимизни

олибдию, ҳисоб-китобини қилиб, бола-чақаси билан жўнаб қолибди. Э, нодон, ахир келар экансан, шўрлик онанг ўлмасдан келмайсанми! Кўрдингизми, онасини ҳасратда ўлдирди, ўзини эл-юрт олдида расво қилди. Энди тўртта одам билан хотиржам ўтиролмайди, маҳаллага қўшилолмайди, гап онадан кетмасмикан, деб юраги бежо бўлади.

Махфийроз, бу аянчли хикоянинг хулосаси ўзингизга ҳавола. Ҳозир эса бошқа гапимиз бор. Сиз бизга ёзган хатингизда, жумладан, «Келгуси касбим мени кишилар энг зич жойга бориб ишлашни тақозо қилади. Менда эса кишиларга қўшилишдан кўра уларга четдан томошабин бўлиш майли жуда кучли. Бу менинг учун роҳат. Мен яккаликни кўмсайман», дейсиз. Бу шунчаки руҳий тушқунликми ё ярамас телбалик? Агар бунинг оти телбалик бўлмаса, бундай хунук фикрни ёзиш у ёқда турсин, ўйлаш ҳам айб эканини фарқ қилар эдингиз. Йўқ, сиз бекор қиласиз, сиздаги фожиянинг бош сабаби — одамлар жамоасидан қочиб яккаликка интилганингизда. Ҳа, худди шунда. Сиз бунинг аксини қилинг. Яккаликдан қочиб, одамлар жамоасига киринг. Бемаъни ўйлар, бемаъни қарорлардан сизни фақат одамлар жамоаси, коллектив қутқази. Одамлар срасида бўлсангиз, сизни «хаётнинг шиддатли шамоллари» чирик ҳасдай учириб кетмайди, сизни икки йил бурун тарк этган ғоя ҳам, келажак ҳам амрингизда бўлади, хаётда томошабин бўлиб қолмайсиз: курашчи бўласиз. Ўзингизнинг ёруғ келажанингиз: одамлар орасидан топадиган бахтингиз учун курашасиз. Биласиз: «Тўпидан айрилганни бўри ейди». Сиз ҳам одамлардан айрилманг. Айрилсангиз ғам ейди, яккалик ейди, тушқунлик ейди. Одамлар орасидан, коллектив орасидан ўзингизга муносиб жой олиш учун курашинг. Инсон — кураш билан инсон!

Махфийроз: сиздаги яна битта гумрохликни бетингизга солмасдан ўтиш қийин. Сиз «институтни тамомласам: қишлоққа боришим керак. Қишлоқнинг қорасини кўришга тоқатим йўқ», дебсиз. Бай-бай-бай! Оқ билан қора фарқини биладиган сиздай замона ёшларининг оғзидан бундай гапнинг чиқиши — кўп хунук нарса! Сиз шаҳарда яшаб: шаҳар институтларининг бирида ўқиётганингизни биламиз. Аммо сиз ўзингизга берилаётган моддий ва маънавий неъматларда қишлоқнинг ҳиссаси қанчалик катта эканини билмайсиз. Қишлоқларда тонг ёришгандан тун қоронғиси тушгунча, баҳордан баҳоргача меҳнат қилаётган азамат пахтакорлар маблағининг маълум қисми сизнинг ўқишингизга ҳам сарф қилинмаётибдимикан? Сиз шуни ўйлаб кўрдингизми? Сиз-

ни ҳеч нимага зориқтирмай боқаётган, сизга онг, билим бераётган севиқли Ватанимиз фаровонлигида қишлоқ ҳис-саси ҳам катта эканини ўйлаб кўрмабсиз-да! Ўйлаб кўрганингизда, қишлоқ қорасини кўргим келмайди, дейишдан уялар эдингиз. Ахир, бу нон ушатилган дастурхонга оёқ босиш, тузликқа тупуриш бўлади-ку! Сизда бундай ҳис, бундай уятли тушунча бўлмаслиги керак эди.

Махфийроз, хулоса шуки, Сиздан битта эмас, ҳали кўп хатлар оламиз. Бу хатларингиз ота-онангизни топганингиз, улардан узр сўраганингиз, яққалиқдан қочиб, одамлар жамоасига кириб олганингиз ҳақида бўлади. Ана унда ота-онангиз кўйган ўз номингизни яширмай: аллақандай «Махфийроз» бўлмай юрасиз.

Бизнинг умидимиз шу.